

# Мундарижа

## Биринчи сентябр --- миллий Истиқлол куни

Абдулла ОРИПОВ. Темур . . . . . 2

## Боқий қадриятлар

Вафо ФАЙЗУЛЛО. Ҳаммасини куйдан изланг... . . . . 3

## Наср

Ойдин ҲОЖИЕВА. Болалик байрамлари. Бадиа . . . . . 17

Мавлуда ИБРОҲИМОВА. Биллур боғдаги  
учрашув. Ҳикоя. . . . . 28

## Назм

Абдували ҚУТБИДДИН. Қуёш, юртинг қайда... . . . . 14

Муҳаммад ИСМОИЛ. Ўзга оламларда  
бўлса ватанинг... . . . . 26

## Етмишинчи йиллар авлоди

Усмон АЗИМ. "Ватанда ватанни соғиниб..." . . . . . 7  
Йўлдош ЭШБЕК. "Мадҳиябозликдан йироқ авлод"... . . . . 8

## Жажжи дарслик

ШУКРУЛЛО. "Адабиёт пойга майдонига ўхшайди" . . . . 9

## Нафис мажлислар

Назрулло Аъзам АҲМАД . . . . . 33  
Муҳтарама ТУРКОЙ . . . . . 34  
Мохигул ЎКТАМ қизи . . . . . 35

## Мақола навислик

Луқмон БҮРИХОН . . . . . 36  
Қурама давлат "тили" . . . . . 40

## Жажжи тадқиқот

Шомирза ТУРДИМОВ. "Муқаррам"га гул чиқди . . . . . 39

## Бевақт учган юлдузлар

Чори АВАЗ . . . . . 41  
Рюноскэ АКУТАГАВА . . . . . 42

## Юлдузлар чақнаганда

Тўхтамурод РУСТАМ. "Андоғ урдиларким..."  
ёхуд тепки таърифида . . . . . 45

## Бош муҳаррир:

Гаффор ҲОТАМ

## Таҳрир ҳайъати:

Одил ЁҚУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Алишер ИБОДИНОВ  
Абдусайд КҮЧИМОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ ---  
масъул котиб  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Собир Ўнар ---  
бош муҳаррир ўринбосари  
Усмон ҚҮЧҚОР  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

## Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

## Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ  
Темур ХИДИРОВ  
Бегижон РАҲМОНОВ  
Акмал САИДОВ  
Адҳамжон ОРЗИМАТОВ  
Файзуллохон АКРАМОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Ҳамроқул АСҚАР  
Тошпўлат АҲМЕДОВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Эркин ЙЎЛДОШЕВ  
Темурхон МУХТОРОВ  
Эркин НАЗАР  
Убайдулло ОМОНОВ  
Тождиддин РАЗЗОҚ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Рустам ХУДОЙҚУЛ  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ  
Тоҳир ҚАҲҲОР  
Ҳабибулло САИД ҒАНИ

132/133/134

1982 йилдан чиқа бошлаган

© "Ёшлик" №7-9, 1993й.



Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон Халқ шоири

## ТЕМУР

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,  
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.  
Темурбек юлдузи Олтин қозикдек  
Чарақлар буюклар қаҳқашонида.

Во ажаб, ёлғиз бир Занжирсаройнинг  
Ўчини Ўрдан ола билган зот —  
Турон деб аталмиш каттакон жойнинг  
Бағрига шунча йил сигмабди, наҳот!

Жаҳонни мўғуллар истилосидан  
Қутқариб қололган барлосий ботир —  
Қочолмай тарихнинг тақозосидан  
Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг олий бинолар мужассам бўлмиш  
Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор.  
Темурбек жанг-жадал шавқига тўлмиш,  
Қўлида шамширу тагида Тулпор.

Ҳукми олий билан этмиш намоён  
"Куч бу — адолатда", деган сўзларин.  
Қон тўкмиш жаҳонгир гоҳо беомон  
Евлари тикмасдан қонли кўзларин.

Отани боладан тирик айириб,  
Тожу тахт талоши қизиркан барҳо —  
Султон не зотларнинг қўлин қайириб,  
Муҳташам салтанат айламиш барпо.

Оллоҳим бахш этмиш шунчалар шуқуҳ,  
Комилу етукдир шажара, зоти.  
Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шоҳруҳ,  
Бир ёнда Улугбек — синмас қаноти.

Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод  
Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.  
Қулоқ тутгайми деб ноаҳил авлод  
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.

Ҳамон ер юзида Шайтон тугёни,  
Тилларда дуо-ю, дилларда — зарда.  
Қўриб бу ноқису нотинч дунёни  
Қайта босардингиз балки, Саркарда.

Саъйи ниятларга руҳингиз Сардор,  
Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.  
Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,  
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик.

Мустақиллигимизнинг икки  
йиллик шодиёнаси арафасида  
пойтахтнинг коммунистик  
инқилоб отаси Карл Маркс  
номидаги хиёбони Амир Темур  
деб ўзгартирилишида маълум  
тимсол бор. Бунда  
истиқлолимиз туфайли миллий  
қадриятлар, маънавиятимизнинг  
қайтадан бўй тиклаётгани  
рамзини кўрамиз. Зеро, бу  
йилги тўйнинг маркази айнан  
шу хиёбон бўлди, десак  
янглишмаймиз. Энг нуфузли  
нутқлару энг сара шеърлар мум-  
тоз ёдгорлик пойида ўқилди. Му-  
стақилликни шарафловчи жаранг-  
дор ашувлаю энг гўзал  
мақомлар-да мана шу чуқур  
тимсолли ҳайкал пойида куй-  
ланди. Бошимиздан иқбол қуёши  
нур тўкиб турсин, кейинги  
тўйгача барчамизни омон-эсон,  
юзимизни ёруғ ҳолда етказсин!

1993 йилнинг августи  
Тошкент шаҳри

Вафо Файзулло

## Ҳаммасини куйдан изланг...

Мўъжиза ҳар куни яравермайди, унинг оламга келиши маълум вақт-соятда бўлади. Бу кун, бу онлар ўта сирли, ҳайратланарли кечади. Муболағасиз айтиш жоиз, шоҳ лаҳзаларда инсон ўзи тўла англамаган ҳолда олашумул амалларга қўл уради ва илоҳий қудрат қанотида юксакларга парвоз қилган руҳ ақл бовар қилмас муваффақиятларга эришади. Даҳога айланади. Албатта, бундай вақтлар камдан-кам Оллоҳ бандасига насиб қиладиган муборак айёмлардир. Масалан, шулардан энг улуғи, машҳур лайлат-ул-қадр тунини олайлик. Бу тунда Оллоҳ таолонинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръони карим нозил бўла бошлаган. Шу боис ҳам лайлат-ул-қадр (тун) минг ойдан ҳам авлороқ дейишади. Азиз жўрналхон! Биз ҳам Яхши ният билан шу номда рукн очиб, мўъжиза бўлиб дунёга келган ёки оддий туғилгану абадият муҳрини босган санъат, адабиёт, меъморчилик ва бошқа соҳа асарларининг дунёга келиши, тақдири ҳақида жозиб ва мўъжаз ҳикоялар бериб боришга қарор қилдик. Қуйидан ўрин олган "Ҳаммасини куйдан изланг" бир уриниш сифатида ҳукмингизга ҳавола этиляпти. Мақола сизда қандай таассурот қолдирди ва бу рукн остида яна нималар ҳақида ўқишни истар эдингиз? "Ёшлик" таҳририятига ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Куй... Не мўъжиза бу?! Ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Англаиб айтолмаган ҳам... Хаёлнинг чуқур кўчасида ниманидир ҳис қилиш мумкин. Лекин ҳаяжон шамоли қаёқдан эсади-ю, ақлда уйғонган фикр қаёққа борадир. Куйнинг мавжи авжига олган сари номаълум, кимсасиз томон кўнгил оқади. Ёки куй селида шахс уммон пўртанасига қарши томонга сузмоқ бўлади. Куй куйдириб олдга солиб чоптиради, соҳиралик билан ортидан эргаштиради. Қон тупирган атиргул чайқалиши — ғудранибгина уни англашга Фаробий уринганди. Куй селида ўзи сел, ўзи тўфон Жалолиддин Румий комиллик уйига соҳиб бўлганди. Афсус куй... унинг туғилиши, туғиши ҳеч бир қонунга сиғмасдир. Қолипларни ул жоди радди балога чиқаради, бир лаҳзада ўтмиш билан келажакни учраштиради. Тупроқ босиб ётган хокисор йиллар, асрлар илкис уйғонишади-да, оҳудай сакраб дилбар кунларидан ривоят этадилар ёхуд бўтадай бўзлаб, оламга оҳу-зор тўнани кийдириб ташлашади.

Куйдан юрак эриб далалар томон йўлга чиқади ёки куй қуввати ва журъатида дорул-салтанатдаги ақллар пойгасига бориб қўшилади. ... Усиз инсоният кўнглининг бир чети тап—тақир, зимистон овлоқ. Куй баҳор бўлиб боради, куз шаклида яна ортага қайтади. Ўткинчи умрни ўртаб эслатади. Ҳар йили турналар бошимиз узра арғимчоқ боғлаб, "Қурей-қурей"лаб ўтишини кўп кўрганмиз. Эҳтимол инсон даставвал шунақа арғимчоқлардан ўргангандир куйлашни. "Қурей-қурей"лар бир хилдай... Лекин унинг баҳордаги

жаранги кўнгилга қанчадан-қанча орзу-ҳавас солиб, куртаклатиб ўтса, куздагиси негадир бизни бошқача бир маҳзун аҳволга солиб, кўз ёшсиз қон йиғлатади. Ўтган умрга бир қайрилиб боқишга мажбур этади... Оҳ, бу куй тушма-гурнинг кароматлари...

Шундан биттагинасининг яралишини гапириш мавриди келди. Эҳтимол, яралишни деб биз ғалати айтгандирмиз. Ахир буни яратувчисиям аниқ-тиниқ тасвирлаб беролмайди. Парвардигор бунгаям "Бўл" деган бўлса, туғилган чиқар-да. Яна билмадик. Фақат у билгувчидир!

Исо алайҳис-салом таваллудидан минг тўққиз юз қирқ олти йил кейин... Яна бир урқо-урнинг ҳовури тинганди. Уруш очган томоннинг боши мажақланган юрагига ўқ қадалганди. Мағлуб аввал от сурган жойларни ғолиб томон эгаллаган. Ғалаба шарафига у бир кунни бағишлаб юбориб, бутун оламга неча-неча халқларни ваҳшийлар асоратидан қутқарганини жар соларди.

Лекин бу урушда аслида ғолиб бўлмаганди. У наинки икки томон учун, балки аҳли жаҳонга фақат йўқотиш олиб келганди. Мағлубиятдан қалблар муножот қилар эди. Нажотни эса катта-кичик бирваракайига кимдандир истарди. Чунки қаёққа қараманг, вайронага нигоҳ туншарди. Дил чолдевор — ичида уюм-уюм қора хат. Юрак сил касал. Янчилган ҳазоннинг қарғиши урган уни. Шунда юқоридан "буйруқ" бўлди: Фақат ғалаба хотирлансин, куй-қўшиқлар музаффарлигимиз хизматкори бўлсин. Улуғ давлатнинг барча аҳли куйлайдиган бир мадҳияси — таронаси бўлсинки, "Марселёза" унинг олдида мум тишласин...

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби Усмон Юсупов бошқа жумҳуриятлардан олдинроқ ўша қўшиқча эга бўлишнинг йўлини қилди. Беайб парвардигор, сиёсатда-ю социалисчасига ишлашда анча-мунча унинг хато ва нуқсонлари бўлса бордир, аммо санъатсеварлигини ҳам эътироф этмасдан бўлмайди. Ҳар қанақа жалбчиликлардан у ҳам безиганди. Бу хорғинлик халқнинг руҳида ҳам кезинарди, шу боис у ҳар қанақа маданий тадбирлар билан элнинг кўнглини овлашни, уни азоб ва ҳасратлардан чалғитмоқ йўлини изларди. Мадҳия ҳам шунга бир баҳона бўлди. Бир гуруҳ зиёлиларни йиғиб, фикрини айтди ва мадҳия жуда кўтаринки руҳда, социализм ғояларининг ғалабасига чексиз ишонч билан суғорилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Бу иш учун махсус комиссия тузилди. Аввал бу талабга муносиб шеър танланди. Яширин кўрик натижасига кўра шоирлар орасидан Темир Фаттоҳнинг "Сталин отамиз..." деб бошланувчи шеъри лойиқ келди.

Навбат куй танловига келганда бунчалик бўлади деб ҳеч ким кутмаганди. Анча-мунча

бастакорлар қатнашган кўрикда уч муаллифнинг куйи жиддий ишланганлиги, санъатининг юқорилиги билан асосий даъвогар бўлиб чиқди. Комиссия эса улардан бирини танлаб олишга ҳеч қурби етмади. Охири Усмон Юсуповга буни очиқ айтишга мажбур бўлишди. У дарров муаллифларни суриштирди. Биринчи куй муаллифи Толибжон Содиқов ўшанда эл ичида машҳур санъаткорлардан ҳисобланар, Усмон Юсуповнинг ўзи ҳам у билан кўп суҳбатдош бўлган, ижодини қадрларди. Иккинчи куй муаллифи Манас Левиёв ҳам элга танилиб қолган, марказқўмининг биринчи котиби уни ҳам биларди. Лекин учинчи куй муаллифи Мутаваккил Бурхонов номини у биринчи эшитганидан, "танимаганни сийламас" деганларидек у ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Бироқ куй танлаб олишда адолатли фикр ундан чиқди.

— Свердлов концерт залига муаллифлар иштирокисиз йиғилиб тинглаб кўрамиз. Кўпчиликка кимнинг куйи маъқул келса, ўша куй мадҳия учун танлаб олинади.

Ниҳоят, йил охири, декабрнинг ўрталарида айтилган жойга йиғилишди. Ўзбекчилик... Залдагилар билмаса-да, комиссиянинг масъул кишиси аввал доврўқдорларнинг куйини чалдирди. Биринчи куй. Оҳ, биринчи куйиш... Бефарқ тинглаб бўлмасди. Ўтмиш гупурарди, ундан, келажак эса нолаларга аралашиб кетганди. Оҳанг авжида ҳайқириқларни хўрсиниқлар асирга олгандек эди. Бу чўнг мунг кўпчиликка ёққан бўлса-да, барибир ўйлантриб ҳам қўйди. Умидбахш, некният, матонатга бошлагувчи куйини кўнгил ҳам, давр ҳам, вазият ҳам истарди-да. Ғамдан безиган руҳ яна қандай қилиб тонгини ғамли, азобкаш куйни тинглашдан бошлаши керак? Бу хўрликлар, бу чекилган жафолар бир кун ўтиб кетар ахир?!

Бир-бирига қарама-қарши ўй ва завқни иккинчи куй шарт иккига бўлиб ташлади. Ул бошқа олам эрди. Йироқларнинг руҳи, ўзига хос завқи адашиб келиб қолгандек, сиз Осиё мавжига тушмоқчи бўлганда кимдир Оврupo тингир-тингирини бошлаб юборгандек кўринарди. Ўтирганлар вақти-вақтида уни ҳам тингласалар, ҳеч оғринмасдилар, ўзига яраша завқ олардилар. Лекин "Шошмақомда сел бўлиб, "Лазги"да эл бўлган, бутун бир деҳқон халқининг бу куйни қабул қилиши тасаввурга сиғмасди.

Индамайгина учинчи куйни тинглайлик-чи дея имо қилдилар. Бу куй... куйлигини ўзи ҳам билмасди. Яратувчиси ўжарлик билан уни тан олмас, мумтоз санъат асарлари қаторига қўйиш эса кулгили туюларди. Бироқ барча қусури ўхшашликларини бир жиҳати босиб кетарди. Бу куйнинг юксак руҳи, бесарҳад, поёнсиз майдони бор деса бўларди. У уриниб, Осиё ва Оврупонинг уйқаш оҳангларига илашиб бўлса-да, ўзига йўл

излаган, кўним топган манзилида халқни саодатга бошлашга уриниш яққол сезиларди. Шу билан бирга ўзбекнинг буюк мамлакатда (Империя деб бўлармиди унда) меҳнаткашлигини, интилишини кўзгашга бир қадар сеҳр жамлаб олганди. Шу боис вазият билан руҳиятга ул мос тушди. Оҳанг адоғига етар-етмас беихтиёр қўллар ҳайқарибгина хайрихоҳлигини билдирдилар. Куй муаллифи ҳалиги рўйхатнинг охирида осилиб турган 30 ёшли йигитча Мутаваккил Бурхонов бўлиб чиқди.

Қисми ёшлардин ҳамиша тош эрур девонанинг (А.Навоий). Куй девонаси Мутаваккил ҳам шунгача кўрмаган куни, бош суқмаган кўчаси қолмаганди. Ҳали ўзини англамай, 3 ёшида отаси, Бухоро мадраса мударриси Мубайиндан ажради. Жадидчи, Файзулло Хўжанинг яқин дўсти ўртанча амакиси жиянини бу қайғулардан чалғитиш мақсадида бир дуторча келтириб берди. Мутаваккил унга овунмади, ёпишиб олди. Зеҳнияма ўткир боланинг дуторга меҳри баландлигини кўриб, Бухорода машҳур мусиқачи Ота Ғиёс қўлига беришди.

Бу орада тўнтаришлар бўлиб, Бухоро Халқ республикаси ташкил топди. Фитрат билан Туркияга таълим олишга кетган Мутаваккилнинг тўнғич ва кенжа амакилари — Махсар, Муаммирлар юртга қайтдилар. Дийдор бир қувонч улашди. Мутаваккил учун бу яна бир шодлик олиб келди. Муаммирнинг келинчаги Нозимахоним Туркиядан ўзи билан уд олиб келган, уни яқинлари даврасида сайратгани-сайратган эди.

Лекин қувончдан жудолик кўп экан, 10 ёшга етар-етмай тақдир унга онаси Шоҳпошшони ҳам кўп кўрди. (Шоҳпошшонинг аждодлари аслзодалардан, манғит ҳуқумдорлари Сомонийларга бориб тақаларди). Айни шу кунларда пойтахт Самарқандга кўчиб, амакилари уни ҳам бирга кўҳна шаҳарга олиб кетишди ва Ўзбекистон санъатининг пойдевори бўлсин дея ташкил қилинган мусиқа илмгоҳига жойлаб қўйишди. Бунда юртнинг ҳамма ёқларидан домла Ҳалим Ибодов, Матюсуф Харратов каби етук санъаткорлар сабоқ берар, булар қаторида бошқа фанлардан ҳам ўша замоннинг билимдонлари жалб этилганди. Масалан, математикада Мутаваккилнинг катта амакиси Масхар Бурхонов, адабиётдан таниқли шоир Ғулом Зафарий дарс беришарди.

...Ўспиринни куй чақирарди, куй! Куйган сари куй юпатарди. Куй соғинтирарди. Бу ташналик миллат танламасди. Дард танларди... Қувонч оралай дерди.

Самарқанд санъатгоҳининг бошқони, Оврупо оҳанглари билимдони Николай Николаевич Миронов ўспиринни чақираётган куйни олдинроқ илғаб қолди ва уни Москвага учирма қилди.

Мутаваккил ўқишини Москва консерваторияси олдидаги Рабфакда бошлади. Сал ўтмай марказда Қори Ёқубов ташкил қилган опер студияда сабоқни давом эттирди. Ва ниҳоят, минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йил Москва консерваториясига илинди. Лекин уруш... қанча-қанча йўқотишлардан ташқари бир дунё орзуниятларини ҳам ярим йўлда чувалатиб ташлади...

Мана ниҳоят...

Шундан кейин ҳам кўп сувлар оқди. Кўп сўзлар ёниб ўчди. Кўп номлар тепага чиқиб, пастга тушган сари буюк салтанатнинг ҳам шиорлари ўзгариб турди. Қўшиқлари янги тўн каби бошқа сўз кийди. Булардан ўзбек мадҳияси ҳам омон қолмади. Қарийб 10 йил бутун элни "Сталин отамиз"... нақорати билан уйғотган мадҳия 1956 йилги КПСС XX съезидан кейин "Ассалом улуғ рус оғамиз..." дея "тахрир" қилиниб, катта оғага таъзим билан бошланадиган бўлди. Янги мадҳия шеър матнини бу сафар Темир Фаттоҳ билан Туроб Тўла битишди. Куй эса аввалгидек қолди.

"Ҳаёт, ўлим, муҳаббатё, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз". Чингиз Айтматов ҳақ.

Дарвоқе М.Бурхоновнинг куйига муносабат нега ўзгармади? Оқил ва донолари, мард ва журъатлари мустабид тузумнинг қурбони, бошқалар жимлик кишанига солинган бўлса-да, эртадан умидлар чексиз даражада кўп эди. Қалбларда, ёниқ юракларда маънавият жаллодларига исён турарди. Лекин ҳаёт ширин. Юрак очилса... хорлик, кутиш азобларидан иборат умрни совирини ким ҳам истайди дейсиз?! Шу боис бир гуруҳ мақтовнависликка ўтди. Иккинчиси (диёнатли, миллатпарварлар) имошора билан гулга қараб ҳасрат этардилар. Миллат бир ёқда қолиб севгилилари билан арзи-ҳол қилишарди гўё. Улар ҳам йиғлоқиларга чиқарилган, бачкана танқидлар остида хўрланиб яшардилар. Чунки сўзнинг, "совумайдиган қўшиқ"нинг кимга, нимага қаратилинганлигини англаш, тушуниш мумкин эрди. Ёлланган тилмочлар фаол ишлашарди-да, шу боис сўзини баралла айтолмаган Чўлпон дор яқинида туриб "Тилимда сўз деган нарса йўқолди..." дея ўкинганди.

Лекин куй умидга тўла ҳолида ҳам нола қилиши, исёнга бошлаши мумкин. Унинг миллий руҳини билмаган бошқинчилар сўзига ишониб, бизни олқишляпти, миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб тошган-ку деб ўйладилар чоғи...

Сўз софлашга уринтиради. Лекин барибир у маълум доира манфаатлари ичида бўлади. Бу мақсад, манфаат ҳамманинг дардини, кўнглини англаши қийин. Куй бўлса жуда-жуда сарҳадсиз кенглик. У инсоният дардларини ўзида жам-

лайди, ҳам уларни бирлаштириш қувватига эга. Аммо ундан ҳар ким ўз дардига малҳам топиши шубҳасиз.

Балки шунданми... Мутавакил Бурхоновнинг куйи бу қадим тупроқда тонгнинг илк куйи бўлиб янграйверди. Бу орада зулм салтанатининг бошидагилар ўзгариб, ул ўзидан олдинги тахт эгасини қоралаганда қарсакбозлик қилганлар энди унинг қабрига танқид қалаб, ўринбосарларини ҳам шунга даъват қилишди. Сиёсатдонлар, нотиклар ҳам унга қараб жилпанглади... Биз ҳам Оллоҳнинг севган бандалари эканмиз. Бошимиз узра мустақиллик келди. 130 йиллик "кишанлар билан дўстлашган" кўнгилик озод нафаслар билан тўлди. Юрт атак-чечак қилиб кўкрагини кўтарди. Унинг ўз ялови, ўз тўғроси қаторида чинакам мадҳияси бўлиши эсга тушди.

Яна пойга... аввал шоирлар кирди. Уловлари, қулфи синдирилган овозлари. Шеърлар туёғидан миҳлар суғуриб олинган саман тойлар. Сал ўтмай мадҳия куйи учун бастакорлар ҳам ўз тўдаларида от суришди.

Гап-сўз, муҳокамаларда айримлар аввалги мадҳиянинг куйига мос шеър ёзиб берилса, бўлди, бунга яна бошқа бастакорларни ҳам жалб қилиш шартми деган фикрни айтишди. Бунга эса биринчи бўлиб Мутавакил аканинг ўзи қарши чиқди. Кўрикда энг муносиб деб топилган куй мустақил Ўзбекистоннинг мадҳияси бўлиб янграшга ҳақли деди. Кейин куйнинг ўзини қониқтирмаган айрим жойларини бир оз ишлаб, комиссияга тақдим этди-да, бирон марта суриштирмади.

Унинг бу ишига кимдир ишонмаслиги, уни мақташ учун биз томондан атайин тикиштирилган тўқима дейиши мумкин. Ихтиёри... Лекин 76 ёшли умрида у ҳар хил

ғийбату тухматлардан безган, ҳаммаси учун меҳнатдангина паноҳ топишга ўрганганди. Эсласа гап кўп... У иқтидори, ташкилотчилиги боис ўзбек бастакорлари олдинги сафига тезда чиққан, 5 йил (55-60 йиллар) давомида Ўзбекистон Бастакорлар иттифоқини ҳам бошқарган, лекин ҳақпарастлигидан юқорига ёқмай, четга суриб чиқарилганди. Кейин эса, у бир ташкилотда хокисоргина ишлаб қариди. Бахтига мукофот ва нишонлардан озод яшади. Аммо куйлари (барибир) ўша илғор сафда қалблар тўридан ўрин олганлигича янграйверди... Кўнглига таскин эди бу.

...Яширинча кўрикда яна учта куй мадҳияга муносиб топилди. Яна учинчи даъвогар бўлиб Мутавакил Бурхонов мўъжизаси турарди. Улардан бирини танлаб олиш қутлуғ кунга тўғри келди. 1992 йил 8 декабрида юртнинг ҳамма бурчидан йиғилган халқ ноиблари озод юртнинг ҳуқуқлари иншо этилган Бош қонунни қабул қилишга ҳозирлик кўрардилар.

Ҳаяжондан дунёга сиғмас кўнгиликлар эртага керак бўлса юрт мустақиллиги учун ўлимга тик олиб борадиган, яна ҳаётсеварлик сари бошлайдиган мадҳияни танлаб олишмоқчи бўлишди. У Абдулла Орипов шеърига басталанган Мутавакал Бурхонов мусиқаси бўлди чиқди...

Билмадим (Фақат у (Оллоҳ) билгувчидир). Фақат билганим — ҳар тонг уйғонар эканман, беихтиёр радио дастагини бурайман, ва кечикмаган бўлсам мадҳия овози қулоғимга киради. Ва нимадандир кўзимдан уйқу қочиб, кўнглим ёришади. Яшагим келади... Бу палла бутун бир халқ уйғонаётган, унинг мустақил юрти, минг йилларнинг қалби ёзилган қадрдон тупроғи уйғонаётган бўлади. Уларга гўзал бир мозийни, гўзал бир истиқболни куй айтади...

Азиз жўрналхон!

Тарихда мудом шундай кечган: юрагида истейбод оташи жўш урган, ҳаммаслак маълум бир гуруҳ мавжуд истибод ва зулмга қарши ҳамжиҳат бўлиб курашган, уларнинг эрklarвар овози жамиятда етакчи куч янглиғ баралла янграб турган ва бундай жонфидо кишилар тарих саҳифаларидан, муайян давр авлоди, деган шарафли ном олган. Ким биллади, эҳтимол, бундай кишиларни ҳақсўз ва адолат тантанасига бўлган ташналик бирлаштирар. Эҳтимол, бу тақдирнинг инсонларга иноятдир. Балки бунинг биз билмаган ўзга сабаблари бордир. Мисол излаб узоққа бормайлик: Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир машъум ўттизинчи йилларнинг авлоди эди...

70-йилларга келиб адабиётда яна шундай ҳақсўзга ташна бир авлод бўй кўрсатди: Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Раффор Ҳотам, Шавкат Раҳмон, Йўлдош Эшбек... Бу номларни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Ва улар нафақат адабиётга янгича руҳ, янгича овоз олиб киришди, балки ўша кезларда жамиятда потос боғлай бошлаган турғунликнинг чиркин ва қабиҳ иллатларига қарши мурасасизлик йўлини тутган, адолат тантанаси учун тинимсиз курашишган эди. Ўз вақтида уларнинг овози турмушнинг аччиқ азобларидан шўриш тортган халқнинг овози бўлиб янграган эди.

Бу авлодга мансуб ҳар бир вақилнинг юраги озод Ватан қайғуси, унинг келгуси истиқболи билан оғриган ва бу ўлмас туйғулар бутун борлиги ила улар яратган асарларга кўчган эди:

*Ватан!*

*Мени кўкларга кўтаргин, деб ёлворган болам...*

Эҳтимол, вақт-соати етиб, бу авлоднинг адабиёт, умуман айтганда, халқ олдидаги хизматлари тўғрисида батафсил гапирлар ва унга муносиб баҳо берилар. Бугун биз эса, жўрналимиз саҳифасида "70-йилларнинг авлоди" деган янги руки ва жорий саволлар ташкил этдик. Ушбу жорий саволларига берилган жавобларни мунтазам равишда ёритиб бориш ниятдамыз.

Қуйида эса элга танилган шоирлар Усмон Азим ва Йўлдош Эшбекнинг жавобларини сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этаётимиз.

*Жорий саволлар:*

1. Сизнингча, 70-йиллар адабиётга кириб келган авлод зиммасига ҳаёт қандай масъулият юклаган эди? Бу авлоднинг ўз олдига қўйган мақсади ва ўй-режалари нималарда бўртиб кўзга ташланади?

2. Сиз 70-йиллар авлодига хос бўлган типик хусусиятни қандай изоҳлайсиз?

3. Адабиётга энди кириб келаётган кезлардаги туйғуларингиз билан айни ёшдаги туйғуларингиз ўртасида мувофиқлик сақланиб қолганми?

4. Юртимизда қайта қуришнинг бошланиши ва сўнг жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши сиз мансуб бўлган авлод ҳаёти ва ижодига қандай ислоҳлар киритди?

5. Агар 70-йиллар авлодини номлаш зарурати туғилса, сиз уни қандай авлод деб атаган бўлардингиз?



Усмон АЗИМ

## "ВАТАНДА ВАТАННИ СОҒИНИБ..."

1. Бу авлод виждон билан яшади ва атрофидагилардан ҳам шуни талаб қилди. У пайтларда талантсизликнинг тевараги жуда қалин девор билан ўралган эди. Талант — талантсизликдан чўчиб яшарди. 70-йиллар адабиётга кириб келган авлод бу деворлар йиқилиши мумкинлигини исбот этди. Натижада бу кўрғоннинг "подшоҳ"лари аслида ночор одамлар эканликлари билиниб қолди. Бу авлод "ҳужумкор талантсизлар"ни туриши лозим бўлган жойга қўйиб қўйди. Ҳозир бу йигит-қизлар юртнинг турли юмушлари билан банд булган бир чоғда, минг афсуски, "ҳужумкор талантсизлик" яна бош кўтаряпти...

Энг муҳими, улар учун Ватанга, халққа муҳаббат, ҳақиқатга интилиш каби эзгу туйғулар осмондаги гаплар эмас эди. "Ватанда Ватан"ни энг кўп соғинганлар менинг тенгдошларим. Худого минг шукрки, улар "Ватанга Ватанни қайтариш" жараёнига ҳам муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Кейин: улар ҳар қолда тоза адабиёт яратишга ҳаракат қилдилар.

2. Ватанга муҳаббат, адабиётни телбаларча яхши кўриш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш, виждон...

3. Сақланиб қолган. Қорани оқ дейишим қийин. "Ойда ҳам доғ бор"лигини айтмасам ўлиб қоламан. Кейин: дунёни охир-оқибат (балки минг, миллион йиллардан кейин) гўзаллик қутқазшига ҳануз ишонаман.

4. Биз бировларнинг ишини қила бошладик.

Эҳтимол, бу Ватан меҳр туйғуси билан боғлиқдир. Четда турсанг, ҳамма нарса тўхтаб қолаётгандай... Худога минг шукрки, совуққонмасмиз! Ўзимга келсак, шу йилларда, шу галвалар ичида ёзиш нималигини англай бошладим.

5. Номлаш хатарли иш. Бир нарса деб қўясану одамларга ёқиб қолса, бошқа ҳамма нарсани эсдан чиқаришиб, шу сўзни такрорлашаверади... Майли, савол берилган экан, жавоб бераман... **ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН АВЛОД.**



Йўлдош ЭШБЕК

### "МАДҲИЯБОЗЛИҚДАН ЙИРОҚ АВЛОД"...

1. Мен мансуб бўлган авлод вакиллари оғир изланиш жараёнини бошдан кечирган. Биз адабиётга энди кириб келаётган кезлар — 70-йиллар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Рауф Парфи каби шоирларнинг илиги тўла, айнаи кучга кирган пайтлари эди. Уларнинг дилбар, эҳтиросли, хулласки, мукамал шеърлари назм осмонида юлдуз, ой ва қуёш янглиғ чақнаб ва порлаб турар эди. Бу пайтда ўқувчини унча-мунча шеър билан қойил қилиш ҳазил гап эмасди. Шу устозларнинг беқиёс хизматлари туфайли шеърятга муҳаббат ва ташналик ҳозиргидан юз чандон зўр эди. Бизнинг авлод ижодда шундай синовни бошдан кечирди ва ўйлайманки, буни муваффақият билан уддалади.

2. Биз, ўзингизга маълум бўлган 70-йиллар авлодининг таниқли вакиллари, умуман олганда, деярли бир хил ҳаёт тарзини бошдан кечирдик. Талабалик йиллари, турли хил ижаралар, турли хил ётоқхоналар ва турли хил ҳамроҳлар... Энг муҳими, ҳамманинг кўнглида деярли битта ният ҳукмрон эди: яхши ёзиш, тонгга қадар чўзилган ижод ҳақидаги ширин суҳбатлар... Дарду ўйимиз


ёзиш эди, дарду ўйимиз шеър эди... Биз у пайтлар шеър ошиғи эдик. Кейинчалик, бориб-бориб бу ишқ ҳарорати турли-туман кўчаларга бўлиниб кетди. Энди бешафқат ҳаёт бошланди. Даҳшатли ижаралар (ҳар қандай яхшиси ҳам). Энди бола-чақа боқиш керак. Энди худбин бошлиқнинг кўзига бир мўлтирасанг, инжиқ ижарадор кўзига яна бир мўлтирайсан. Ва бола-чақа ўсиб-улғайган сайин ташвишлар ҳам елқадан босиб, каттариб боради. Бундан осон ва тез қутулишнинг йўли мансабдор бўлиш керак эди. Табиийки, ўз иқтидори билан мансабга кўтарилганлар бундан мустасно. (Менинг мансабдорларга ҳеч қандай хусуматим йўқ.) Тан олиш керакки, ҳаёт бизнинг авлодни шундай кўчаларга ҳам бошлаб кирган эди. Адабиётга илк марта қадам қўйгандаги туйғулар билан айнаи ёшдаги туйғуларимиз ўртасида қай даражада мувофиқлик сақланиб қолгани шундан ҳам кўринади. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Шу ўринда мозийдан бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Гулханий бобомиз гўлоҳ бўлган ва бу ишини ўзига ор деб билмаган, аксинча, барча мусулмонлар каби бола-чақасини пешона териси билан топган нон эвазига боқишдан ифтихор қилган.

4. Назаримда, ҳақиқий шеър даври, умуман айтганда, санъат даври энди бошлангандек туюлади. Биз бадиий ижоднинг санъат эканлигини кўпда унутиб қўямиз ёки уудалай олмаемиз. Шеърга жасоратли ва долзарб фикр айтиш воситаси деб қаралар эди. Албатта, ора-чирада адолатли қарсақлар ҳам қулоққа чалиниб қолар эди. Бироқ, аксарият шеърлар ва бахтга қарши, шеърхонларнинг қабул қилиш даражаси публицистик фикрга мойил эди. Эҳтимол, бунинг ёмон жиҳати йўқдир, аммо шеър, бари бир, шеърдек бўлиши керак. Энди эса, ҳақиқий санъат (бизда аксарият ҳолларда адабиёт санъат тушунчасидан ажратиб кўрсатилади. Менимча, шунини ўзи шеърда публицистикани келтириб чиқаради) даври келди, деб ўйлайман.

5. Бизнинг авлод ижодида мадҳиябозлик деярли кўзга ташланмайди. Бу жуда муҳим гап. Мен шундан фахрланаман. Энди бу авлодни номлаш керак бўлса, мен уни Иймонга ташна авлод деб атагим келади. Иймон бу инсоф ёки виждон дегани эмас, у ўша, муқаддас етти нарсага ишонч ва эътиқоддир.





## ШУКРУЛЛО

### Шоир ҳақида қисқача маълумот

Шукрулло (Шукрулло Юсупов) ҳозирги замон ўзбек адабиётининг отахон вакиллари-дан. У 1921 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида дунёга келган.

1938 йили 3-сонли Тошкент муаллимлар тайёрлаш билим юртини тугаллаб, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот шаҳрида ўқитувчилик қилган. 1944 йилда педагогика институтининг кечки бўлимини битирган ва Ўрта Осиё дорилфунунининг аспирантурасига ўқишга кирган. 1946-49 йилларда Ёзувчилар уюшмасида ишлаган, давлат нашриётларида муҳаррирлик қилган. Самарали ижод қилган. Унинг шеърӣ, насрий ва драматик асарлари юздан ортиқдир. Бу асарларнинг аксарияти хорижий тилларга таржима қилинган.

Аҳамиятга молик асарлари:

- "Танланган асарлар". 1 томлик. 1958 й.,
- "Умрим борича". 1960 й.,
- "Хатарли йўл". Пьесалар. 1960 й.,
- "Икки қоя". 1961 й.,
- "Инсон ва яхшилик". 1963 й.,
- "Инсон инсон учун". 1964 й.,
- "26-тонготар". Достон. 1967 й.,
- "Достонлар". 1970 й.,
- "Танланган асарлар". 2 томлик. 1971 й.,
- "Зарралар". 1973 й.,
- "Жавоҳирлар сандиғи". 1977 й.,
- "Нур". 1978 й.,
- "Яшагим келади". 1978 й.,
- "Аср баҳси". 1979 й.,
- "Гул ва оташ". 1979 й.,
- "Мардлик ва вафо қиссаси". 1979 й.,
- "Танланган асарлар", уч томлик. 1981 й.,
- "Сенинг бахтинг". 1986 й.,
- "Яхшики, муҳаббат бор". 1991 й.,
- "Кафансиз кўмилганлар". 1991 й.

Қуйидаги драматик асарлари машҳурдир:

- "Табассум ўғрилари",
- "Ўғрини қароқчи урди",
- "Хатарли йўл",
- "Тўйдан кейинги томоша",
- "Жанжал",
- "Унсиз фарёд".

Москвада, ўрис ва қардош халқлар тилида ушбу асарлари чоп этилган:

- "Две молодости". Шеър ва достонлар. 1969 й.,
- "Опора". Шеър ва достонлар. 1976 й.,
- "Разговор по душам". Шеър ва достонлар. 1978 й.,
- "Сундук с драгоценными камнями". 1980 й.,
- "Твое счастье". Шеър ва достонлар. 1985 й.

Жажжи дарсликни  
Собир Унар  
тайёрлаган.

# Таржимаи ҳолим

1921 йилнинг сентябр ойида Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасига қарашли ҳозирги Олмазор маҳалласида туғилганман. Отам Юсуфхўжа қори (14 ёшида хатми Қуръон қилганлар), онам Зайнабхон икковлари ҳам диний ва дунёвий илмлардан бохабар одамлар бўлишган.

Ўзим ибтидоий маълумотни маҳалламиздаги Шайх Саъдий мактабида олганман. Энди-энди араб алифбосини ўргана бошлаганимизда лотин алифбосига ўтилди-ю, арабчасига чаласавод бўлиб қолдик. Ўрта маълумотни Тошкентдаги 3-сонли муаллимлар тайёрлаш билим юртида олиб, уни 1938 йили тугатганман.

Ёшлик чоғларимдан уйимизда отамнинг мулло дўстлари тез-тез йиғилиб туришарди. Юқорида эслатганим — Қуръон тафсири билан бир қаторда отам янги очилган шўро мактабида мудир, онам шу мактабда муаллима бўлиб ишлашган. Ўша замоннинг маърифатпарвар ва ўзига яраша машҳур сиймолари — Убайдуллохон, Башириллохон, Асадулла Хўжаевлар онам авлодига мансуб эдилар, шу боисдандир, онамга ҳам уларнинг жадидчилик таъсири ўтган эди.

Эсимда, у даврда Тошкентга тотор муаллимлари кўп келишганди.

Шу сабаб онам фақат мумтоз адабиётимиз намоёндаларинигина эмас, Абдулла Тўқай ижодини ҳам яхши билар эдилар. Менинг бешигимни Абдулла Тўқайнинг:

*Али-бали эта бу,  
Мадрасага кета бу,  
Тиришиб сабоқ ўқиғоч,  
Олим бўлиб ета бу,*

деган алласини айтиб тебратганларини опаларим айтиб беришган.

Ўн тўрт-ўн беш ёшларимдан шеър машқ қила бошлаганимни эслайман. Шеърятга ёшлигимдан бўлган ҳавасни кўрган отам, сенга ўзи нафас кетган, танглайнинг майиз билан эмас, шеър билан кўтарилган, деган гапни айтарди. Мен туғилганимда дўсти Карим Қорининг менга бағишлаб ёзган:

*Биродаримга берибди тозадин жон,  
Умри азизига берсин омон.  
Тарихи таваллода номи жуз ўлиб,  
Камолига етсин, Шукруллохон,*

деган шеърини кўпинча ўқиб берарди. Бу сатрлардаги айрим сўзларни абжад ҳисоби билан ҳисоблаб чиқилса, каминанинг туғилган санаси келиб чиқади.

Дарҳақиқат, шеърятга бўлган қизиқиш уйимиздаги шеърый баҳслар, қолаверса, гўдаклигимдан қулоғимга қуйилган аллалар, хуллас, муҳит таъсиридан туғилган, албатта. Ўқитувчилар тайёрлаш билим юртини тугатганимдан сўнг кўплаб шеърлар машқ қилавердим. Уйимизда бўладиган бояги суҳбатлар асосан Ватанга, миллатга муҳаббат, ҳалоллик, инсоф ҳақидаги мунозаралардан иборат эди.

Шу билан бир қаторда ўша йиллар халқимизнинг энг машҳур ёзувчилари: Абдулла Қодирий, Чўлпон, айниқса, мен кўпчилик шеърларини ёд билган беқиёс шоир Усмон Носирларнинг қамалишлари, ўзбек халқининг буюк фарзандлари халқ душмани сифатида отилишлари ва шу каби адолатсизликлар менда ички нафрат уйғотганди. Менинг дастлабки шеърларим ҳам шу руҳда ёзила бошлаган. Ўша шеърларимдан биттаси, ўн етти ёшимда ёзганим ҳамон ёдимда:

*Вужудимни тилиб тилка-тилка,  
Айла, виждонимни сотмайман!*



Шоир Мамарасул Бобоев билан

Шукрулло шунинг учун ҳам бахтлики, у улкан қадимий маданияти бор мамлакатнинг, ўзи туғилиб-улғайган она заминнинг моҳир куйчисидир. У шундан шод бўлишга муносиб. Шукруллонинг шеърлари чуқур ғоявийлиги, лиризмга бойлиги, ҳаққонийлиги, самимийлиги ва жиндек мутобаси билан ажралиб туради. Бу шеърлар ўз ижодкорига жуда ўхшашдир.

Қайсин ҚУЛИЕВ



Оила

*Халқ дардини жойладим дилга,  
Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман!*

Айтиш мумкин бўлса, менинг ўз асосий ижод йўлим шу мисраларда ойдин бўлган. Чунки инсоф, диёнат руҳида тарбия топганлар қизил шўро давридаги адолатсизликлар ичида яшаши жуда қийин бўлган. Уша ноҳақликларни ифодалаган ижодкорлар эса шўро адабиётига ёт тушкун, яъни "пессимист" ҳисобланар, қораланарди. Мисол учун қирқинчи йиллардаёқ, демакки, адабиёт эшигидан энди бош суқаётган кезларим Омил Одилий "Ёш куч" жўрналига мақола ёзиб, менинг шеърларимда "пессимистик руҳ" борлигини айтиб, танқид қилган эди.

"Чоллар" дostonимни ўқиган ўша йиллардаги ёзувчилар уюшмасининг раиси Ойбек ака, "Сизни ўзингизни кўрмай, дostonингизни ўқиган одам буни кексароқ шоир ёзган бўлса керак дерди" дея фикр билдирганди. Бу дostonда Ўзбекистон табиатининг гўзаллиги — боғ-роғлари, мўсафидларнинг донолиги, уларнинг тили, характерларини беришни мақсад қилганман.

1946 йилда партиянинг "Гоявийлик ва космополитизм"га қарши чиқарган қароридан кейин ҳаётдаги нуқсонлар, дард ҳақида ёзиш хатарли бўлиб қолган эди. Шунинг учун менинг бу даврда ёзган шеърларим табиат гўзаллиги, шу орқали кўнгилдаги дардларни айтишга бағишлаган лирикалардан иборат бўлди.

Бир ёқда очарчилик, бир ёқда қатағон. Ёлғиз арзанда ўғил бўлишимга қарамай 1930 очарчилик йиллари ўн ёшимдан каллаи саҳарлаб нонга навбатга туришу ундан қуруқ қолиш азобини тортдим. Очарчилик, қимматчилик туфайли уйимиздаги бор бисот: онаминг олтин тақинчоқларию пулга арзирлик нимаси бўлса сотиб бўлинган эди. Ақлимни таниганимда ота-онамга билдирмасдан бир неча марта мардикорлик ҳам қилганман. Шунда ўзимдан ҳам юпун яшаётганларни кўрдим. Бу менга пулдан кўра ҳам каттароқ сабоқ бўлди. Бу менда оддий одамнинг меҳнатини қадрлаш, уни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ҳиссини уйғотди. Ҳатто муҳаббатга ҳам шу нуқтаи назардан ёндошдим. Севганимнинг истагига арзий оламанми, орзу-ҳавасларига эриштира олиш имкони менда борми? Бу ҳақда "Жавоҳирот сандиғи"да мукамал ёзганман.

1938-39 йилларда Қорақалпоғистонда муаллимлик қилдим. Бу вақтда Низомий номидаги педагогика институтига сиртдан ўқишга кирдим. 1939 йили, яъни иккинчи курсга ўтгач, кундузи ўқишни давом эттирдим. 1944 йилда ўқишни тугатдим.

1944-46 йилларда Тошкент дорилфунуни аспирантурасининг фарб адабиёти бўлимида ўқидим. 1946 йили Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдим ва шу ерда то эллигинчи йилгача адабий эмакдош вазифасида ишладим. Бунгача Мирзачўл, Тошкент мактабларида ўқитувчи, мудир бўлиб ишладим.

Қирқинчи йилларда "Ёш куч", "Гулистон" жўрналарида шеърларим босилиб турди. Биринчи йирик асарим — "Чоллар" дostonини 1948 йилда ёздим. 1949 йилда дастлабки шеърый тўпламим — "Биринчи дафтар" нашр қилинди. Эллигинчи йилда "Қалб кўшиқлари" шеърлар ва дostonим тўплам бўлиб чиқди.

1951-55 йиллари, "Ёшлик" ўқувчиларининг хабари бор, "халқ душмани" сифатида қамалдим. Бир неча йил узоқ шимолда, Таймир ярим оролининг Норилск посёлкасида бўлдим. Бу ерда ўн бир ой 60 даража совуқ қиш, бир неча ой қуёшсиз шимол кечалари ҳукмронлик қилади. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек уқубатли қамоқ камераларида ҳам шеърлар ёздим. Уша шеърларимни келганимдан сўнг "Ҳаёт илҳомлари" ("Қамоқ илҳомлари" десам бўлмасди-да) дея тўплам қилиб чиқардим.

Қамоқ лагерида шеърлар битиш билан бирга "Россия" деган дoston ҳам ёздим. Дostonни табиат гўзаллиги ҳақида дейиш мумкин. Хаёлан бўлса ҳам табиат гўзалликлари билан яшаш мени қамоқ азобларидан қутқарди, бир нафас бўлса ҳам маҳбуслигимни унутардим. Ваҳоланки, биз яшаган қамоқ лагерида ошқора асар ёзиш, ижод қилиш эмас, ҳатто уйга хат ёзиш имкони ҳам йўқ эди. Маҳбусларга бир йилда бир марта хат

Шукруллонинг номи бутуниттифоқ (собиқ СССР. — муҳ.) ўқувчиларига таниш; унинг кўнгиракдек овози, гарчанд чўл шамолидаги каби узуқ-юлуқ ҳолда бўлса-да, ўз юртидан олисларда ҳам мухлисларини топди. ...Умуман олганда, ўзига хос, бетакрор, баъзи номлар билан чалкаштириб бўлмайдиган Шукруллодек улкан шоиримиз бор.

Мустай КАРИМ



Мустай Карим билан



Шукрулло, 50-чи йиллар

ёзиш ҳуқуқи бериларди. Мен у асарларни идоралардаги қоғозларнинг орқасига ёзардим, сўнгра мохорка қоғозга ўхшатиб, тахлаб киссамга солиб қўярдим. Ишга кетган чоғларимда уйдан олиб борган кўрпамнинг остига яширар эдим.

1955 йилда мутлақо гуноҳсиз деб топилиб озодликка чиқарилдим. Қамоқдан чиққандан кейин "Хатарли йўл" драмаларида, бошдан кечган азоблар, Сталин олиб борган шахсга сиғиниш сиёсатини очиш имкони туғилди. Пьесам Ҳамза академик театрида катта муваффақият билан қўйилди.

1959 йили Масковда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бўлди. "Россия" дostonим "Огонёк" жўрналида босилди. Жўрналнинг яхши асарлар учун бериладиган йиллик мукофотини олдим. Шу йили ўрис тилида "Я сердцам ваш" деган шеър ва дostonлар тўпламим, бир томлик танланган асарларим нашр этилди.

Лекин юракда доғ қолди, алам қолди. Айниқса, бу аламни Сизнинг қамалишингизга кимлар, нима сабаб бўлган деган сўроқлар эсга солиб, янгилаб турарди.

Мени "халқ душмани"га чиқарганлар албатта ҳамкасбларим эдилар.

Кимгадир ёқиш ва нимагадир эришиш учун бегуноҳ одамларни гуноҳкор қилиш йўлини танлашдан кўра тубанлик борми ахир? Кеча бировни ёмонлаб завқ олган кимса, эртага бошқани ҳам бемалол иғво қилишига шубҳа йўқ.

Ҳамон эсимда, 1955 йили оқланиб, қамоқдан қутулиб чиққанимдан сўнг бир йил ўтгач, 1956 йили Ёзувчилар уюшмасида Пленум бўлиб, унда Шароф ака Рашидов ҳам иштирок этдилар. Танаффус пайтида узоқдан кўзим тушди-ю, бориб кўришмоққа журъатим етмади. Чунки мен "халқ душмани" сифатида қамалиб чиқдим. Ҳали ҳаммаям бемалол ёнимга яқинлашавермасди. Шароф ака қандай қабул қиларкин, деган гумон ҳам кўнглимдан ўтди. У киши ёзувчилар билан кўриша туриб кўзлари менга тушдию Шукрулло мисан, дегандек ажабланиб қарадилар. Кўришиш учун ёнларига бордим. Илиқ ҳол-аҳвол сўрадилар. Уюшмага раислик пайтларида, у киши сабабчи бўлиб, ишчилар ҳаёти ҳақида ёзилган дostonимнинг ўрисча таржимаси чиққан-чиқмаганлиги, нималар ёзаётганим, уюшмага қайта тикланганим ёки йўқлиги ҳақида суриштирдилар. Бу ишларнинг бирортасиям қилинмаганини билгач, эртага қабулимга кел, дедилар.

Эртасига қабулхоналарида ўтирувдим, у киши келиб қўл олишиб кўришиб ўзлари билан ичкарига олиб кирдилар. Ҳолбуки, қабулхонада ўттизга яқин обрўли инсонлар ўтиришганди. Ахир мендай жабрдийда, ҳали-ҳамон соясидан чўчиб юрган бир одамни Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси Рашидовдек одам... Хуллас, илиқ муносабатларидан юрагим севинчдан ёрилаёзди. Хайрлашаётиб қўлимга ушбу мактубни тутқаздилар!

"Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари К.Яшинга!

Ўзбекистон адабий жамоатчилиги Шукрулло Юсуповни талантили, ёш шоир сифатида яхши билади.

Ҳозир у бутунлай оқланган, бир қанча шеърлар ва "Россия" номли дoston ёзган. Шу билан бир қаторда, 1950 йилда китобхонлар томонидан яхши қабул қилинган "Коммунизм бўсағасида" дostonининг яна бир кўриб чиқилишини истар эдик.

Шунинг учун Ш.Юсуповни Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзига қайта тиклаш масаласини кўриб чиқишни, унинг асарларини декада планига киритиш, шу билан бир қаторда унинг шеър ва дostonлари нашрини тезлаштиришни Ўзбекистон Давлат нашриётига тавсия этишингизни сўрайман.

Ш.Рашидов,  
10 июл, 1956 йил".

Кўп ўтмай ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қайта тикландим. Лекин нашриётда эса ишимнинг жилиши қийинроқ бўлди. Ўтган ишлар ўтди, энди Шукруллонинг кўнглидан чиқарайлик деган



Дийдорлашув

"Жавоҳирлар сандиғи" — ҳикматлар, донолик сандигидир.

Мирза ИБРОҲИМОВ



Шоир ва В.Солоухин

Шукруллодек ажойиб ўртоғим бор. Уни кўп марта борганман. Асарларидан шарқона фалсафий фикрлар, ҳикматлар ва ғоят нозик туйғулар уфуриб туради. Шунинг учун мен уни эркалаб "Шукур Олло!" деб чақиришни хуш кўраман. У тўла маънода ҳақиқат куйчиси. Ҳақиқатни улуғлаган шоир эса доим сафладир.

Расул ҲАМЗАТОВ



гаплар хаёлларида бордир, деб умид қилгандим. Аммо ҳаётда буларнинг тамоман тескариси бўлиб чиқди.

Менинг отам:

— Кимдир сенга ёмонлик қилса, сен унга ёмонликни ўйлаб юрма, худодан қилган меҳнатингга яраша обрў-этибор топишни сўра. Шунинг ўзи ҳасадгўй одамлар учун катта жазо, — дерди.

Ёшлик чоғларимда бирор ноҳўя иш қилиб қўйгудек бўлсам, бунинг учун опам мени қарғаб-уришиш ўрнига ўзи ўқиган китоблардан, айниқса Шайх Саъдий, Сўфи Оллоёрдан ривоят, шеърлар ўқиб насиҳат берарди. Айниқса, Шайх Саъдийнинг: "Ота-онангнинг меҳридан устозингнинг жабри афзал" деган ҳикмати ёки Сўфи Оллоёрнинг:

*"Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил,*

*Отангни ўлдирганга онангни бер",*

*"Ёмонлик қилганларни яхшилик қилиб уялтир",* деган ҳикматларини кўп гапирардилар.

Яхшилик бу — ёмонликка қарши курашиш, яъни ёмонликка ёмонлик қилиб эмас, ундан нафратланиш, яхшилик билан уни бу йўлдан қайтариш, бунинг учун сабрли, иродали бўлиш керак дерди.

Онамнинг бу таълими ахлоқий шаклланишим, ижодимга ҳам аксини урганди. "Инсон ва яхшилик", "Яхшилик яхши" каби шеърий китобларимни шунинг бир мисоли деса бўлади.

Бошдан ўтган барча қийноғу аламлар 1991 йили нашрдан чиққан "Кафансиз кўмилганлар" рўмонининг ёзилишига сабаб бўлди ва билишимча юз эллик минг нусхада чоп этилган бу китоб қисқа вақт ичида қўлма-қўл бўлиб кетди. Бу мен учун нафақат муваффақият, балки фахрдир.

\* \* \*

Билсангиз, адабиёт асли пойга майдонига ўхшайди. Бу майдонга от миниб кирган борки чавандоз саналганидек, қўлига қалам олган ижодкор борки, номи ёзувчи!.. Ҳамма гап маррага етиб боришда.

### "ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ" (1977 йил)

Расул Ҳамзатов бир гал уйимга келганида: "Сан ўзбеклар аҳмоқ экансанлар, ҳадеб Оврупога осиласанлар, мана, кўни-қўшнилари — миллий ўзбек қаҳрамонлари-ку булар. Менда масалан, Шайх Саъдийни ўқиб "Менинг Доғистоним"ни ёзиш фикри туғилган. Чунки, "Гулистон", "Бўстон"да қиссадан ҳисса тарзида шу қадар маъноли ривоятлар келтириладики, ёқамни ушлаб қолдим".

Мен Расулнинг ўша гапидан бир қадар хулоса чиқарганман. "Менинг Доғистоним"даги Абутолибнинг гапларини Расул унинг оғзидан ёзиб олган дейсизми? Ҳеч қачон! Расул айтмоқчи бўлган фикрларга Абутолибнинг феъли-атвори мос келган. Шу боис ўзи айтгиси келган гапларни Абутолибнинг тилидан айтган. "Жавоҳирлар сандиғи"да ҳам кимнинг номидан фикр айтилган бўлмасин, у аввало ўзимнинг ҳаётга қарашларим эди.

Бу қиссани ўз таржимаи ҳолим десам ҳам бўлади. Барча гоёлар, ривоятлар менинг ҳаётга муносабатимдан келиб чиққан. Шунгача ҳаётда кўрган-кечирганларим, хулосаларим мазкур асарда жам қилинган. Мен асосан ўзбек халқининг донолигию урф-одатининг бетакрорлигини кўрсатишни назарда тутганман.

Шукруллони бирдан англаш қийин: у қўрқинчли воқеаларни ҳам кулги билан, айни пайтда дадил, ишончли қилиб, ҳатто ўзини жиндай аибдордай қилиб ҳикоя қилади. Эҳтимол, бу ўзига айб қўйган одамлар учун ҳам уялганидандир...

Римма КАЗАКОВА



Учрашувдан сўнг

Мен қачон ижодга бутун вужуди билан берилган, шоир бўлиш учун ўзини мажбурлаб шеърлар ёзадиган эмас, балки ижод қилмаса тура олмайдиган, яратганининг илоҳий қудратидан баҳраманд бўлган ҳақиқий шоир образи ҳақида ўйласам, кўз ўнгимга дарров ажойиб дўстим Шукрулло келаверади. У, шубҳасиз, ҳақиқий шоир.

Давид ҚУҒУЛТИНОВ





Абдували Қутбиддин

## ҚУЁШ, ЮРТИНГ ҚАЙДА...

Абдували Қутбиддин 80-йилларда адабиётга кириб келган ўзбек шеърятининг пешқадам вакиллари билан бири. Илк ғўплами "Найсон" биланоқ зукко, талабчан шеърхонлар назарига тушган шоир "Ҳумо", "Бахтли йил" мажмуалари ила оҳорли овози сарҳадларини янада кенгайттирди. Унинг шеърларида сирли бир руҳ, кутилмаган манзаралар силсиласи устма-уст келади. Ҳеч кимга ўшамас сержило оҳанг ва сермаъно сўзлар ҳиргойиси моҳирона ортидан эргаштиради. Ҳис этилган туйғулар гулшани эса тасаввурни янгилайди. Таҳайюлга завқ улашади. Абдували Қутбиддиннинг шаклдаги изланишлари ҳам эътиборга молик. Уларда жаҳон шеърятини тажрибалари, ифода усулларини чуқур ўрганиш қаторида ўзига хос, яшовчан "экспром"лар қилаётганини сезиш мумкин. Фикримизни унинг "Изоҳсиз луғат" достони ҳам тасдиқлайди.

Муаллиф дейдики:

*Тошбақа ўз косасига беркиганидек, инсоннинг ҳам ўз танасига беркингиси келади. Афсуски, танаси тошдай эмас. Сал нарсага тешилади, ёрилади ёхуд тиртилиб кетади. Ноилож, танасидан воз кечиб руҳига беркинади. Руҳ уни беркитади, авайлайди, севиб илоҳий қийноқларга солади. Қийноқ шу даражада сирли ва пинҳонийки, уни англаб бўлмайди. Фикри ожизимча, шеърнинг қони шу қийноқ пичоғи учидан сизади. Мен ҳеч қачон ҳеч нарсага даъвогар бўлган эмасман. Бировга ҳалақит берганим йўқ. Шунинг учун ҳаммиша истаганим шу: кўнгилни ковламанглар, худо ҳайрингизни, баракангизни берсин: унга тегманглар.*

*Ҳаёт бениҳоя ширин, тотимлидир, фақат унинг ширини ва тотимини англаш изтироби узундир. Дунё севгилар ила кашф этилади, нафратлар ила йўқ этилади. Алҳусус, мен ҳам севгилардан умидворман.*

Агар жоним керак бўлса, ола қол,  
Фақат,  
Йиғлама Осима...

Етти гул ҳуснингни томоша қилсин,  
Етти қуш сени деб чексин дарду ғам.  
Тила тилагингни, кўзим кўр бўлсин,  
Фақат,  
Йиғлама Осима.

Билсанг бас, шоҳона талъатим эди,  
Кечаси малак-ла хилватим эди,  
Етмиш уч парида сувратим эди,  
Осима!  
Осима!

Бир нусха кўчирдим, нусхаки гўзал,  
Ҳар бир ҳарф кумуш, ҳар нуқтаки лаъл —  
Севгимдир, йўқ десанг вужудим қийма,  
Фақат,  
Йиғлама Осима!

Дунёнинг боши нур, охири ғорат —  
Тушга бормоқда, қўлда гулсават.  
Мен унга тушу бахт соламан ғалат,  
Йиғлама Осима!  
Фақат...

\* \* \*

Осима!

Қайириб, синдириб ташлолсайдим мен,  
Епишиб қолмасди юзингга бу қор,  
Қутқариб ол дебон ялиндим юз бор,  
Алдади мусиқор.

Осима!  
Товонинг қони оқдими,  
Шимирган майсанинг  
Ранги алвондир  
Ранжлисан. Юкинсанг юпанчинг йўқми?  
Бурдсиз замондир.

Доғлиман, доғли-я,  
Қовриладирман,  
Фурбат аршларига қўярман нарвон,  
Мен сени роқатга туширадурман.  
Урурман туғён.

Осима!  
Бизга ёт теварак човут,  
Қочғали ҳамроҳ йўқ, шамолдан бўлак.  
Осима, сен қолгил, мен секин борай —  
Теварак...  
Теварак...  
Теварак...

В А...

\*Ва ширин сокинлик ваҳший дарёда,  
Ва тўкис тўкинлик қаттол саҳрода,  
ва яна шафқату олийжаноблик  
ишқ аро олия ҳамда жаноблик.

Аммо, турмушимда унда йўқ, унум,  
Қарғишингга қолдим, тиним йўқ, тиним,  
Ўчсин ўзим каби саргардон юлдуз,  
Савдони хом қилдим, меҳри қаттиқ қиз.

Ва яна шеригим ғам ва таяммум,  
Ва яна гўшанга ва яна самум.  
Ва яна бўсаи оташдан кулдим,  
кулдимү ва яна жизганак бўлдим.

\* \* \*

Ўйма онлар имконимдан қочиб борар,  
Титрак оҳу жаҳонимдан қочиб борар,  
Тан ҳансираб жон-жонимдан қочиб борар,  
Тортай ўзим ой юзингдан пардаларни,  
Бўзим қолди ютай сўнгги зардаларни.

Ялинчакман кузнинг сўнгги чақмоғидай,  
Йиқилгайман ҳўнг-ҳўнг йиғлаб оёгингга,  
Чўғдай яшнаб сўнишим бор лудоғингда,  
Бўзим қолди тортай ўзим пардаларни  
Ой юзингдан сидирай мен зардаларни.

Куртакладим, гунчаладим, гуркирадим,

Хаёлимга дўст тутиниб гўлдирадим,  
Мен ҳам қалбим лабга олиб чулдирадим,  
Бўзим қолди тортай сўзим пардаларни,  
Сенга боқиб ютай сўнгги зардаларни.

Ғашлик пайдо меҳрпарвар сутунида,  
Номусу нанг, қасду қасос будунида,  
Юз ўгирдим ёлғон яшиқ кун-тунингдан,  
Ой юзингдан тортай ўзим пардаларни,  
Сенга боқиб ютай сўнгги зардаларни.

Ёлғиздирман зўр қайғунинг бутоғида,  
Инжиламан кузнинг инжиқ япроғидай,  
Йиқиламан ҳўнг-ҳўнг йиғлаб оёгингга,  
Бўзим қолди тортай ўзим пардаларни,  
Ой юзингдан сидирай мен зардаларни.

### ШАЛЛОБА

Шаллоба, бу тараф шаллоба  
Ноғора — ноғора —  
Шумшайиб суяниб турибсан  
Болакай  
бечора —

Жаноблар, хонимлар бу тараф,  
Саллалар, каллалар бу тараф  
Майдонда чироқлар ҳамласи —  
Ҳаммаси  
бу тараф.

Болакай қуёшдан тушгандай  
Ўчгандай шаллоба шаҳарда,  
Савлату қоринлар ораси  
Билқиллаган  
Саҳарда —

Сариг ёғ суртилган нон сўра  
Зеро нон, зеро ёғ —  
Бошқаси арзимас,  
бу тараф  
қиз талоқ —  
қиз талоқ —  
қиз талоқ...

### ФИЛДИРАК

Қачонки, терс филдирак ёғдуси  
Қитиқласа ва очса йўлак  
Қизғалдоқнинг кўзида ётган  
олам турса  
ва одамюрак  
Қиёматдан кейин — албатта  
Қиёматдан олдин — шубҳасиз  
Зиёфатга борамиз шунда —  
оғзимизда  
севги қиёми —  
Кўнглимиз ҳам ой ётган тундай.

## ҚАЛПОҚ

Кир-чир қалпоқ —  
Зина —  
Танга ташлар тиламчи —  
дуо ўқир узундан узун —  
Ҳеч кимса йўқ қоронғуликда  
кетган — кетган —  
Қалпоғимни ёнидан ўтиб кетиб  
Танга ташлар тиламчи...  
Ҳеч кимса йўқ ўзидан бўлак —  
Ҳеч кимса йўқ ўзидан бўлак —  
Қалпоқ ютган.

\* \* \*

Қуёш, юртинг қайда, сўраган эдим,  
Тонг-ла нуринга дил ўраган эдим,  
Мен ҳам сен бор ерга бораман дедим,  
Аммо осмонингга қўймадинг қуёш,  
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Муйишиб, мунграйиб ишлаган эдим,  
Мен ҳам кўп тошларни тишлаган эдим,  
Қаҳринг шомларида қишлаган эдим,  
Ҳайрон ёшлигимни ҳўнгатдинг қуёш,  
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Урфу русумингдан бошлаган эдим,  
Эски дўконингни хушлаган эдим,  
Дуру маржонингни ушлаган эдим,  
Оқибат, манглайим муштладим, қуёш,  
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Тилимни кундага қўйгин, чоп дедим,  
Кейин дил уйига бориб ёт дедим,  
Ўғлим бор, ўзим у, аста ёқ дедим,  
Қуму тўзонидин маҳв бўлгин қуёш,  
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Мен одам эдим-ку, мен одам эдим,  
Лойдан-да йўғрилган матодан эдим,  
Иблисга алданган атодан эдим,  
Эй қуёш, ёнингга қўймадинг, қуёш.  
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

## ҚУВҒИН

Қотил ака ва ота,  
Уй қотил,  
дераза қотил.  
Уйда чавақланган гўдак ётур.  
Деразада қуёшнинг қони  
Сен энди қаёққа борасан сингил...

Йўл жаллод,  
кўча жаллод.  
Эгасиз оёқлар қалашган кўча.  
Аллоҳ деб чаноқдан оқаётган мия —

кўча-кўча —  
Йўлларда қасос деб ўймаланган оғиз —  
оғиз-бўғиз — оғиз.  
Сен энди қаёққа борасан сингил...

Онангни кўксини қитирлатаётган қурт —  
Ўқми у,  
йўқми у?!  
Елкангга чангакдай қўллари ботган —  
кофирми,  
муслмон,  
иблисми?  
Сен энди қаёққа борасан сингил...

Куртак кўкрагингга юз уруп уканг —  
— чақалоқ —  
Она деб ўйлайди ўз опасини...  
Айт ким бор дунёда сендан мискинроқ,  
Айт ким бор Худога сендан аминроқ,  
Сен энди қаёққа борасан сингил...

## II

Тоғдан тоққа сакрар гулдурак,  
Қутурган ҳар бир тош,  
Қутурган сув,  
Тош қувар, сув қувар, гулдурак қувар,  
Сени қўймаслар...  
Нақадар дунёда ёлғизсан сингил!

Одамкуш шамолга эргашар тўда,  
Соқолли ва кўса...  
Қиличдай қайралган нигоҳлар қувар,  
Томоғингни тилар тиглик йиғи.  
Нақадар дунёда ёлғизсан сингил!

Тегрангга бигизлар,  
Пичоқлар урҳоси,  
Тегрангга тилларнинг қамчини —  
— қамчин.  
Мунғайиб укангни эмизаяпсан,  
Мурғак кўкрагингга сут оққани чин —  
— чин-чин-чин.

Бир тунда оқарган сочинг ув тортар  
Чўккалаб қоласан,  
Икки тизинг қон.  
Дунёда сағир йўқ укангдай ҳайҳот,  
Дунёда она йўқ сендай нотавон.  
Нақадар, нақадар ёлғизсан сингил!





## Ойдин Ҳожиева

# Болалик байрамлари

Бадиа

### ҲОЖИ БОБО

Ойдин Ҳожиева олтишинчи йилларда шеърятимизга ўзининг янграқ овози билан кириб келган авлод вакиллари билан бирдир.

Ўзбек аёли, унинг жўшқин муҳаббати, қувонч-ноласи-ю, руҳий изтироблари шоиранинг "Мен севган қўшиқ", "Мушфиқ онажон", "Гамал тоши", "Ишонч юлдузи" каби шеърини мажмуаларида ўзига хос овоз билан куйланади. Шоира шеърлари қардош тилларга таржима этилган. У Ўзбекистон халқ шоирасидир.

#### МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

*Баҳор қизнинг пастак томларда  
Узилганди мунчоғи.  
Матал айтиб кирган шомларда  
Булбул бўлар эдинг, қишлоғим...*

*...Болаликнинг қайтмас баҳори,  
маъсум орзулари, гўзаллиги,  
софлигини қўмсаб  
"Болалик байрамлари" бадиаларини ёздим.*

*Умр ўтган сари Болаликка йўл яқинла-  
шаётгандай туюлади, назаримда.*

Отам, яъни Ҳожи бобо — бадраклардан. У кишининг оталари Отамурод бобо эса камбағал ўтган. Ўғилларини уйли-жойли қилишга ҳам қурби етмаган.

Онам — каттагина бой ҳисобланган Жаҳмат бобонинг ёлғиз қизлари. Онамнинг учта эналари бор. Дангиллама иморатлар, томорқа-ю, тоқзорлари кўп экан.

Онам тойлоқдай сағирлари билан оталариникида яшарканлар. Отам ўртага одам қўйиб, мужаррад, яъни уйланмаган эсалар-да, бешик кўрган аёл билан турмуш қуришган экан. Онам ўшанда ўн саккиз ёшда бўлганлар. Замон нотинч. Ёв-ёв, қув-қув деган тало-тўплар вақти.

Онам биринчи турмушларидан қолган молу бисотни сотиб, сутма-сут туғилган болаларининг суягини қотириш учун сарфлаганлар.

Отам, десангиз, жуда ғайратли, жаҳллари тез, шўтқари — ҳазилкаш эканлар. Тўйларга борсалар, қўшиқ айтиб ҳаммани сел қилиб юборар эканлар.

Отам доим оқ ятакда юрардилар. Этиклари қора амиркони. Ялтиллайди. Онам бетоб бўлиб қолсалар, у киши эркак боши билан ғарса-ғарса хамир қориб, тандир солади. Соқолларини оқ чорсида ўраб олиб, нон ёпади. Нонларки, ҳар бири сандални эгаллайди. Қип-қизил. Қисир-қисир. Бирам ширин. Нон ва сув! Гоҳ-гоҳ бозорчадан оқ лавлаги келтирар эдилар. Оҳ, маза! Лавлагини юпқа қилиб кесиб берадилар. Оғизда мойдай эриб кетади. Баъзан отам ўзлари ҳам бир қозон тўлдириб лавлаги димлайдилар. Қишлоқчани лавлаги ҳиди тутиб кетади. Бир ёнда томорқамиз бор. Бугдой, тарик, шолғом, сабзи, пиёз ва тамаки экилади. Тамакидан нос қилиб, бозорга олиб чиқадилар. Унча-мунча пул тушаркан-да!

Айтгандай, опаларимни отам бечора қандай қилиб ўқитганларини айтмабман-ку! Бўстон қишлоқда ўрта мактаб очилган йили ўзлари каттакон чорбоғга қоровул бўлиб ишга кирганлар. Ҳар кун эрталаб йўрға эшакни миниб, ҳур-жуннинг икки кўзига икки кап-катта қизларини солиб, Бўстонга борадилар. Нарзи опам ингичка, қораширин, сочлари узунлигидан камзулларининг киссасига солиб оларкан. Ражаб опам эса, ғайратли, шаддот, бироз тўпори экан. Кап-катта қиз бўлишларига қарамай, доимо физкультура формаси кийиб юрарканлар.

Қизлар бўйи етиб, кўзга кўриниб қолгач, эшакни иккита қилиб олишибди. Икки қизни бир эшакда Хомработ йўлида кунлари ўтаркан. Эшак ҳам қизиқ экан. Ражаб опам миниб, нўхтасини қўлга олган кун йўргалаб қоларкан. Нарзи опам олдида ўтирганда эса гоҳ уёққа, гоҳ буёққа ўзини ташлаб,

ариқ бўйидаги кўкатларга интилар, бўлар-бўлмаста ҳанграр, тирхашлик қилиб мисиллагани-мисиллаган экан.

Қизлар мактабни битиргач, отам уларга Карманда очилган ҳисобчилар курсида ўқишга рухсат берибдилар. Отам бечора ҳар дундан ўша кезлари эрталаб поезд билан қизларини Карманга элтиб қўйиб, ўзлари яна уйга қайтаркан. Шанба кунлари яна оворайи жаҳон, уларни олиб келиш учун Карманга борарканлар.

Ҳали айтганимдай, отам Қизил чорбоққа боғбон ва қоровул экан. Боғ ичида райком биноси бор. Отам темир йўл станциясида ишлаб юрган кезлари унча-мунча ўрчисани ўрганган эканлар. Қизил аскарлар келганда, тилмоч ҳам бўлганлар.

Бир кун райком қоровулига топшириқ бўлади: Бухорога Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ўртоқ келганмиш! Қайтишда Қизилтепада фаоллар билан гурунг қилиб кетармиш!

Малик чўлдан кийик тутиб, совға тайёрлаш керак, дейишибди. Отамга кийик тутиб олиб борасиз, деб тайинлашибди.

Темир йўлда тумонат одам. Оркестрлар гумбурлаган, шпорлар кўтарилган. Поезд пишқириб, оҳиста тўхтади. Ҳамма биринчи Президент истиқболга ошиқади. Бир чой ичар вақт митинг бўлиб, маросим бажо келтиргач, райқўм бува совгани келтиринглар, дейди. Бир пайт қарашсаки, Ҳожи бобо ўзининг йўрға эшагига хала бериб, ғизиллаб, каттакон кигизни олдига олиб, оғзи қулоғида келяпти. Яна қўлинг ўргилсин кийгиз бўлди ўзи! Оқсоқолнинг етти пуштигача этади, дермишлар.

Бир пайт райқўм буванинг кўзлари ола-кула, мелиса деган ҳайрон, йиғилганлар нима гаплигига тушунмай гаранг... Бирдан қаҳқаҳа кўтарилибди. Бўлибди ҳангома, бўлибди кулги! Йўлдош ота ҳам кулавериб кўзидан ёш чиқиб кетибди! Ўша оқсоқолга кигиз кўтариб чиққан Ҳожи бобо, дейишаркан отамнинг номини тилга олишса...

Тақдир деганларидек, бизлар ўн бешта фарзанд эканмиз. Акам Незьмат Низом 39 йили япон урушига кетиб, 41 йили қора хат келган.

Ўғиллар суяги қотмай қизамиқ, чечак, терламадан нобуд бўлаверган. Бештагина қиз омон қолган. Отам бечора ўғиллари турмаганидан аламзада, дардлари ичида. Гоҳи қоп-қоп ун олиб келиб, атрофига бурга дорини сочиб қўярканлар. Ўғил туғилган кунни юртта ош бераман дерканлар. Тўйларда оҳанг тортиб аламангиз билан қўшиқ айтар, тонгда чопонининг барига ош олиб қайтарканлар.

Онам бечора отамнинг кўз ёшларини кўришдан қўрқиб тандирхонами, шарбатхонами, бирор пана-паскамда беркиниб турарканлар. Отам барларидан ошнинг ёғи чакиллаб томиб, ҳў, кали Тош, мана сенга ош! Ҳў, кали Тош, мана сенга ош, деб ҳовлини гир айланарканлар.

Жуда қиройли лаъли чинни товоғимиз бор эди. Лола гуллари товланарди. Ўша товоққа ошни солиб, опаларимни атрофига тўплаб, отам бечора жужукларининг ош ейишини томоша қиларканлар. Кўзларидан мўлдири-мўлдири ёш тўкиларкан.

Ерга берган ўн боласининг доғи кўкрагини ёндирган отанинг изтиробини ўсмир қизлари тушунганмиди, йўқми? Бу ёғи яратганга аён.

## БОСАР ЎН БЕШИНЧИ

Олапар итимиз болалади. Пешонаси оппоққина, қулоқчалари дикрайган олтига кучукваччани Олапар ялагани-ялаган. Кучукваччаларнинг юнглари бахмалдай майин. Кунни бўйи олапар тарвайиб, уларни эмизиб ётади. Бобожон эса унинг атрофига мис товоқчаларда овқат териб қўяди. Онам атала қилиб берадилар. Сут пишириб берадилар. Ювиндиларга кепак аралаштириб, ялоқчаларга қўядилар. Уч кун деганда кучукчалар кўзлари билан бизга термулади. Биққитгина кучукчаларни қўлга олгимиз келади. Олапар ириллаб беради. Иссиқроқ, деб онам тандирхона бурчида сомон тўшаб, эски шолчаларни ёпиб, кучукчаларини қўчирдилар. Ташқарида совуқ шамол эсади. Баданга жуволдиздай санчилади шамол. Ҳўт — кампирларни қўтига солиди, дейдилар онам.

Бир кун эрталаб турсак, кучукваччаларнинг бештаси таррақдай қотиб ётибди. Олапар гингшиб йиғлайди. Олдига бориб бўлмади. Ҳамма ҳамма билан, Бобожон аррос солиб йиғлайди. Кучукчаларимни тирилтириб беринглар, дейди.

Бир бало қилиб Олапарни ушлаб туришди, кучукчаларни олиб, шудгор даланинг четига элтиб кўмишди. Қолган битта кучукча эса ирғишлаб эркаланар, ўмбалоқ ошар, онасининг

эмчаларига тумшукларини туртиб-туртиб эмарди. Олапарнинг кўзлари шафақлашган, беҳол ётарди. Касал дориган, дейишди. Кечаси Олапарни қайгадир ташлаб келишди. Эрталаб Бобожон ширчойини ҳам ичмади. Сандалиннинг кодогига тиқилиб бошини буркаганча, пиқ-пиқ йиғлаб ётди. Онам чошгоҳ пайти кучукчани ўраб-чирмаб, укамнинг кўрпасини кўтариб, унинг қўйнига кучукчани солидилар. Сут ичиб тўйган кучукча думларини дикрайтириб, Бобожоннинг юзларини ялади. Бобожон ўрнидан дик этиб тўрди, қалин намаст устида кучукча билан икови гурлаклаша кетди. Ўйнаб-ўйнаб чарчагач, ширчойим қани, деб сўради онамдан.

— Олдин юз-қўлингни юв, болам, — дедилар онам.

— Ўзимни кучугим-ку! — деди гожиқ қилиб Бобожон.

Хуллас, мис товоқчадаги нон бўктирилган сап-сарик ширчойдан бир ҳўплам ўзи ичади, бир ҳўплам кучукчага ичиради. Унинг йиғидан тинганига ҳўрсанд онам ҳам индамай қўя қолдилар. Кучукчани Бўрибосар деб атадилар. Файзулла тоға ўткир табарчаси билан келди. Ошхонанинг остонасига кучукчанинг бошини қўйди-да, гирч этиб икки қулоқчасини, учида бир тасма оқи бор думини чопди-ташлади. Кучукча бир-икки вангиллаб, тинди. Кигиз куйдириб, қозоннинг қорасини аралаштириб ярасига босди. Бўрибосар бир ҳафта деганда ҳеч нарса кўрмгандай бўлиб кетди. Кечалари бинойидай вовуллаб қўяди. Товуқлар билан пойга ўйнайди. Мушукларни қуллаб, томга чиққунча тирқиратади. Кундузлари молхона атрофларига сайр қилиб келишни яхши кўради. Бобожон мактабга кетаётганда анча йўлгача уни кузатиб қўйиб, орқасига қайтиб келади. Мактабдан келиши билан унинг жидхалтасини тишлаб, оҳиста остонага олиб келиб қўяди. Икки оёқчаларида юриб, дикир-дикир қилиб ўйинга тушади. Бобожон овқатланиб бўлгач, белига кир фартуқни боғлаб, ўроқни олиб ўт териб келишга чоғланади. Босар ҳам тайёр. Унга қорама-қора йўлга йўлга тушади. Номозшом эшакнинг олдига тушиб, дарвозадан вовуллаб кириб келади. Умар поччам Босарни эркалаб, қалай ўртоқ адыотант, дейдилар.

Ошхона биқинида ялоқ туради. Нон ушоқларини ҳам ўшанга қоқаман. Устиҳон ҳам Босар учун тайёр. Мен ҳар гал дастурхон қоққани борсам, Босарбой интизом билан ўзини четга олади.

— Ота-бобомнинг арвоқларига бағишладим, — дейман ҳар доим дастурхон силкитганда. Товуқлар, чумчуқлар ризқини териб еб кетишади. Босар — сахий, ҳеч қачон уларга ҳўрмайди, ирилламайди. Олийжаноб бир алфозда томоша қилади. Лекин ўчоқ бошигами, уйгами, томорқагами товук ёки мушук йўлаб кўрсин-чи? Босар дегани — худонинг газаби! Ўқдай учиб боради, шунда кўринг олатасир пойгани. Унинг феълини билган мушуклар ва товукбиқалар ҳам одоб сақлашга мажбур.

Босарни ҳеч қачон боғлаб қўймаймиз. Девору дарчаларда қўлф йўқ. Тўйга кетсак ёки уйда ҳеч ким қолмаганда Босар дарвозахона остонасига бош қўйиб мудрайди. Кечалари молхона тарафда кўпроқ айланади. Гоҳ молхона томига чиқиб ҳўриб қўяди. Гоҳ шаталоқ отиб ипини узган бузоққани ҳам боғлаб "адаби"ни беради: зимилятибигана қувиб бориб, оғилхонага киритади-ю, ўзи пойлаб туради. Чиқиб кўрсин-чи!

Меҳмонни ҳам яхшигина танийди. Хўрматини жойига қўяди, ҳезланмайди. Ҳатто тез-тез келиб турадиган карманалик жўгичани ҳам таниб олган. Унинг хуржуниди доим нону патир, товук, хўроз бўлади. Хуржуни онам ётадиган уйнинг пойгагида туради. Қайрилиб қарамайди Босар. Фақат лўли аёл бизникига келганда узун таёғини дарвозахонада қолдириб киради. Йўқса, Босарнинг жини қўзийди. Олдига солиб қувиб беради, меҳмон экан деб сийлаб ўтирмайди.

Қаҳратон қиш кунни. Босарнинг кўзлари шилпикланиб, оғилхонадан чиқмай қўйди. Босар, Босар, деб Бобожон харчанд чақирмасин, бурчакда биқиниб ётаверади. Оғизларидан сўлак оқар, юрса гандирақлаб кетарди...

Ун кунча олдин икки кун йўқ бўлиб кетганди. Сўнг ҳаммаёғи қора қонга бўялиб, лунжлари йиртилиб кириб келди.

— Ҳу сабил саёқ! Қайси ит талади сани? Бу қишлоқнинг кучуклари сенга бас келмасди-ку! Гафлат босиб, қутурган ит билан олишдингми, жонивор! — дедилар онам Босарга худди набираларини койгандай. Онам кучукнинг олдига кирманглар, қутурганга ўхшайди, дедилар.

Тушга яқин Файзулло тоға келди.

Кучукнинг афтига бир бодди-ю, бошини сарак-сарак қилди:

— Бунинг иложини қилиш керак. Қутурган. Битта-яримтани тишлаб, бир кори ҳол бўлмасин...

Шу гап унинг оғзидан чиқиши билан Бобожон югуриб оғилхонага йўнади. Уни на Файзулло тоға, на онам ушлаб

қолди. Рўпарада эса ғалати ириллаб, сўлақлари оқиб, хурпайиб Босар турарди. Бир бало қилиб Бобожонни судраб олиб чиқашди.

Эртаси куни Бобожон мактабга бормаيمان, деб туриб олди. Алдаб-сулдаб, айланай-ўргилай қилиб, уни онам мактабга юбордилар.

Оппоқ қорли кун. Дарахтлар оқ девдай уйкуга ғарқ. Босарни отиб ўлдиришди. Уқ овози янграганда Бобожон тўппа-тўғри дардан чиқиб, далага югурди. У чинқирар, пойгакка ётиб олиб, ер тимдалай йилларди.

Уни пойгакдан кўтариб олишолмади. Ярим кечада чарчаб, ухлаб қолганда язнам аста кўтариб олдилар. Сандалининг бир чептидаги ўринга солдилар. Ўглининг йиғлаганидан юраги вайрон бўлиб, у кишининг юзларига иссиқ ёш томчиларди. Бобожон бир ҳафта уйдан чиқмади, бир ҳафта ҳеч нарса тотинмади... Язнам бечора қор-қиров демай Азизободдаги чўпонниқига бориб шом қоронғусида кириб келдилар. Қўйиларидан бир кучукчани чиқариб, Бобожонни кўрпаси олдига қўйдилар. Кучукча ҳайрон қараб турди-да, ингичка овозда вовиллаб юборди. Кўрадан бошини чиқариб, Бобожон гарангсиз турди. Кейин илжайиб сандали-кодогидан сидирилиб, эмаклаб чиқди:

— Кел, Босар, жўра, кел! Бийижон, ширчай!

— Ширчай деган тилингдан айланай, болам-а! — деб онам ўчоқбошига йўналдилар.

Йиллар ўтди. Йўлим туғилган қишлоққа тушса, эсимга Бўрибосар фожиаси тушади. Лекин ҳар гал бир таскин топаман: Босар доим хонадоннинг содиқ қўриқчиси. Бир гал борганимда Босар Ўнбешинчи останада ётарди.

Кулиб-кулиб гапириб беришди: янги келин туширишганда, келинчак ҳаммага салом қилибди. Бир пайт кичкина Моҳичеҳра Босар Ўнбешинчини етаклаб келибди. Янғача Босаржонга ҳам салом қилибдилар!

Ана, шунақа!

## ИХЛОС — ХАЛОС

Ола-чалпоқ қорлар эриди. Кунлар исиб кетди. Йўлақларда, кунгай жойларда мўричаларнинг занжирлари тизила бошлади. Паҳса деворлар биқнига онам бузоқчаларни олиб чиқдилар. Катта ариқнинг Бўстон этагидаги даҳанаси бўғилади. Ҳашар бошланади. Йигит-яланг ялписига ишга тутинишади. Куз ва қиш бўйи ариқларда тўпланиб қолга балчиқ, хас-хашакларни тозалашади. Йўлдан ўтган йўловчилар "Ҳо, ҳорманглар" деб ўтишади. Баракалла, дейишади уларга жавобан.

Ана шундай олам ғимирлаб қолган кунларда Кариманинг Ҳазора қишлоғидан қотмагина, қорачадан келган, чўтир аёл Бўстон томонларга кириб келади. Елкасида зилдай хуржун. Қўлида узун иргаг таёқ. Юзларида кўкиш қоллари бор. Бурнида кумуш булоқи. Баъзан ўғилчиси Муҳаррамни ҳам етаклаб олади. Аксариат пайтлар ёлғиз келади. Онам билан она-бола тутинишган. Аввал бизниқига тушади. Укаларимга ва менга кина солади. Эмизикли болалар бўлса, томоғидан жоду олади. Уйимизнинг синчларини кавлаб, кўмилган "дуо"ларни олиб ташлайди. Гинагина деган дорисидан берса, ичбуруқ таққа тўхтади.

Бу гал келганида Қаҳрамон укам оғир касал эди. У иситма оташида ёнар, иштаҳаси бўғилган, кун бўйи инжиқланиб йиғлагани-йиғлаган. Кечаси шайтонлаб қолди. Онам бечора қалампир суриб, бир амаллаб ҳушига келтирдилар. Кўкнори эзиб берадилар, тухумни қўрга кўмиб берадилар. Гўдаккина ҳеч ўзига келолмайди. Опам эса куни бўйи ишда. Бир соат қолиб болани бағрига босиб, хотиржам уйда ўтиролмайди.

Ўшанда сешанба оқшоми. Қаҳрамонгина ҳолдан тойиб, зўрга нафас олар, онам унинг атрофида жонқалак, пахтани новвотли сувга ботириб, унинг оғзига томизардилар. Жўғича тонгда қизил тожли қора хўроз олиб келишни тайинлади.

Чоршанба азонлаб онам билан бепболарли уйимизга кириб кетишди. Онам оппоқ қўйлақларини кийиб олганлар. Қаҳрамонга ҳам янги қўйлақлар, дўппичалар кийдиришди. Онамнинг бир тиззаларида бемор, бир тиззаларида тушовланган қора хўроз. Оппоқ дока билан усти ёпиб қўйилган. Жўғича пичирлаб дуо ўқийди, жийда хивич билан бир Қаҳрамонга уриб қўяди, бир хўрозга. Жўғича бўғриқиб, қорайиб борар, пешонасидан дўлдай-дўлдай тер қуйиларди. Онам ҳам сокин бир алфозда алланамаларни пичирлайдилар, бошлари қалқиб кетарди. Унинг пойгагида еттита нукча — қўлбола шам лпиллаб ёнади. Уйнинг қўштабақа эшиклари тим-тиро ёпилган. Хона гира-шира

қўройдин. Гоҳ-гоҳ ширали овозда Жўғича ғалати дуони қироат қилади, "куф-суф" деб энгичиб қўяди. Питир-питир тепинаётган хўроз бора-бора шалпайиб, оёқлари келишиб боради. Зўрга нафас олиб ётган Қаҳрамоннинг иситмаси тушиб, рангига қон югуради.

Кун оғиб, асир намози бўлди. Онам ва жўғича бирқошиқ сув ҳам тотнишмади. Онам ҳорғин, маънос бир алфозда Қаҳрамонни кўтариб чиқдилар. Жўғича жиқча терга ботган, гаранг қиёфада хўрозни останага улоқтирди. Хўроз ўлиб ётарди. Сўнг Қаҳрамоннинг либосларини ечиб олди. Унинг оқ ятакчасидан хўрозга кафан тикиб, ўраб-чирмаб язнамнинг қўллрига тутқазди. Мулла Ражаб бобо жаноза ўқиб бердилар. Намозшомда хўрозни Хўжа Бўстон мазорига кўмиб келишди.

— Умрини пирларим худодан тилаб олиб беришди. Бу ёғи, холамолло, сизга боғлиқ. Эм-думини қилиб, инсу жинсдан асраб юрасиз. Худо хоҳласа, арждай йигит бўлади!

Қаҳрамон аста-аста эт олиб, қайтадан йўлга кирди. Ўшанда тўрт ёшда эди. Онам бечора у сал хархаша қилса, кўкрак тутадилар. Олтмиш ёшли онамнинг кўксиларига сут келди. Тойлоқдай бола чўккалаб туриб эмар, сўнг диконглаб аккол ўйнаганими, яшинмачоқми, рамазон айтишгами — жўралари тўпига бориб қўшилларди. Онам уни эркалаб-эркалаб, хиргойи қилардилар:

*Ҳадиса-ё, ҳадиса,  
Сув келтирсин қадига.  
Қадини боғи узилсин,  
Кудёча бўлиб сузилсин!  
У қиқир-қиқир куларди...*

У баланд бўйли, қирра бурун, кўзалари қопқора бир йигит бўлди. Худди Немаат ўғлимнинг ўзи, дердилар онам унинг бўйларига боқиб. Афсуски, у йигирма беш ёшида хазон бўлди. Армияга бориб, суяк силини орттириб келди. Унаштириб қўйилган қизи ҳам қолиб кетди. Онам фарёд уриб йиғладилар. Унинг қадди-бастини, ҳусну жамолини алқаб-алқаб, айтиб йиғлардилар. Менинг гўрима кирган болам, деб нола қилдилар. У ойдай балқиб ухлар, сўнгги маконига равона бўлишдан хурсанд бўлгандек жилмайиб ётарди. Чимидиқ қуриб йиғлаб-йиғлаб "ёр-ёр" айтишди. Сўнг зору гирён кўтаришиб, елиб кетишди...

Бу ёғи Зарметан, у ёғи Карманадан табибу қушноч, фолбину авлиёларга бориб, опам бечора ўғлига даво излади. Лекин унинг умрини тилаб олиб берадиган жўғича энди йўқ эди — у нажоткор аёл оламдан ўтган эди.

Кўз ёши аччиқ бўлади, дейдилар. Кўз ёшининг шўри онамнинг биргина соғ кўзларини куйдирди. Онам кўрмай қолдилар. Сўнг оёқдан қолдилар...

Уларнинг хобгоқлари ёнма-ён: бир ёнда саксон беш ёшли буви, бир ёнда йигирма беш ёшли невар...

Энди шамоллар уларга армонли эртақлар айтиб, йиғилайди. Сокин ва ўткинчи олам сирларидан сўйлаб майсалар унади.

Мен эса кечагидай хотирлайман:

Йўрмадўзи бахмал дўппи кийган нозиккина ўғилча онамнинг тиззасида ўлтиради. Ёнида хивич оти. Онам мулойим ва эрка товушда куйлайдилар:

*Дупур-дупур от келаду,  
Чиқиб қаранг, ким келаду?  
Қамчини тайлаб келаду:  
Ёллари ўйнаб келаду...  
Мулла Қаҳрамон келаду...*

Кемшик тишларини кўрсатиб, у қиқирлаб кулади. Олам бегубор гўдак товушига тўлади...

Худди кечагидай.

Худди кечагидай...

## АРАЗ

Сигиримиз ҳар йил мўл-кўл сут беради, оғзимиз оққа тегиб туради. Сут-қатиқ, сарёғ сероб. Бировга зориқмаймиз. Ул-бул йўқ нарсаларимизни онам сарёқча айирбош қиладилар. Лекин сутни ҳам, сарёғни ҳам бозорга олиб чиқмайдилар. Отам оламдан ўтганларидан сўнг Шарифа опамни Ражаб опам олиб кетдилар, биз онам билан иккимиз қолдик. Назоқат опамни тўй қилдилар. Ҳовлига ичкўёв тушиди. Катта опам келиб бизни олиб кетдилар. Ўша йили сигиримиз қисир қолди. Опамлар Фарҳод қурилишидан янги келган дамлар. Нарзи опамнинг кундуз ёқали пальтолари, қоракўлдан

тикилган антиқа қалпоқлари бор. Уйлари тимдай. Пештоқларида байтлар битилган. Меҳробларига гулдасталар нақши ўйилган. Токчаларда китоблар терилган. Муқовалариям шойидан!

Поччам Камол Ёрмурад уларни оҳангта солиб ўқийдилар. Овозлари жарангдор. Улар эртақ айтиб берсалар, уйқимиз ўйиб кетади. Сеҳрланиб қоламиз. Давомини эртаси кечаси айтаилар. Онам кун бўйи ўчоқ бошидан бери келмайдилар. Хонадонда бир этак бола. Бари ейман, ичаман, дейди. Биз қолиб нонхўр яна иккитага кўпайди.

Ёз кечаси. Ҳовлида ухлаймиз. Устимиздаги кўрпани тепкилаб, супадан пахта думалаб кетамиз. Кундузи томорқада пиёз, шалғам кавлаймиз. Бир тупгина нашвати бор. Ёғж-ғуж мевадан шохлари эгилиб ётади. Томорқанинг этагида икки ариққина қовун экилган. Қовунпалак оралаб, қовун узиб чиқамиз. Бир давра бўлиб ўлтириб қовунга еймиз. Бир кеча денг, қаторасига тўшақларимиз ҳўл бўлиб қолса...

Онам кўрпачаларнинг доғ босган ерини ювиб, кул босиб, гўзапоя ғарамлари устига ташлаб қўйдилар. Поччам бўлса: — Кечаги эртақда ёмғир ёғувди, сизлар томонга ўтган экан-да, — деб байт айтадилар.

*Пашшўки бобо Аvez,  
Кўрпачети гир, гурез!*

яъни  
*Сийғоқ бобо Аvez  
Кўрпачени олиб қоч тез!*

Онам ҳижолат, тунд бўлиб қолдилар.

Мен эса уйга кираман. Аввал томоша қиламан, сўнг равоққа узалиб, шойи муқовали китобга оламан. Бағримга босиб, эшикка йўналаман. Остонада Нарзи опам кўринадилар. Қорачадан келган юзлари қизариб кетади, бир ҳатлаб уйга кириб, қўлимдан шойи муқовали китобни тортиб олади ва... "пақ" этиб бошимга бир туширади. Бир қалқиб, турган жойимда мункиб ўтириб қоламан. Аввал ҳайрон қараб тураман. Сўнг лабларим пир-пир учиб, хўрлигим келиб йиғлаб юбораман. Товушимни эшитиб онам кириб келадилар. Қанотимдан кўтариб, эшикка йўналадилар. Ҳеч нгарса демайдилар. Тугун-бухчаларини кўтариб, оғилхонага ўтадилар, қозинқдан ситирни ечиб оладилар, қани, олдимга туш, дейдилар менга.

Опам, поччам ҳангу манг бир-бирига боқиб қолаверишади. Мен ҳамон ҳиқ-ҳиқ қилар, ҳиқиллаганим ситирнинг туёқлари шиқиллашига қофиядошдай туюлади. Сариқ ситиримизни етаклаб, она-бола қош қорайганда Бўстонга кириб келамиз. Менинг уст-бошим жиққа ҳўл. Йўлда каналдан кечиб ўтаётиб, қирғоққа тойиб йиқилдим-да! Икки тош келадиган йўлни қандай қилиб босиб ўтганимизни билмаймиз. Онам умрида оғир сўз эшитмаганлар. Отамдан бир тарсаки емаганлар. Урлари ҳам болаларига қўл кўтармаганлар. Опамнинг мени китоб билан уриши унга оғир ботган эди. Уша-ўша бировнинг хасига сўроқсиз сира қўл чўзмадим.

То мактабни битиргунча Ражаб опамникида яшадим. Опам ҳеч қачон менга қаттиқ гапириб ранжитган эмаслар. Давраларга кирса, гап билан эркаларни ҳам мот қиладиган опам кўнглимга озор бермаган.

## ТАРСАКИ

Қишлоғимизнинг қизлари гўзал. Сочларит узун. Кўзлари сурма тортилгандай порлаб туради. Уларни ўн етти — ўн саккизга тўлмай, ён атрофдаги қишлоқ йигитлари илиб кетишади.

Зайнаб опамнинг сочлари шунақа қалин, узунки, юрганда мажнун толдай тўкилиб, ер супуради.

Ҳанифа опа жийдадеккина, қизил юзли, оҳу кўзли. Раъно опа сутга чайиб олингандек оппоқ, икки рўҳи шафтоли гулидек. Басавалят.

Ёз кунлари ягондан сўнг марза чопиқ, наммарза чопиқ, лой чопиқ қиламиз. Гўза гуллаб, шонага кираётганда кунлар исиб кетади. Кунлар узун. Тунлар қисқа. Чошгоҳгача кун салқинида чопиқ қилиб олиш керак. Шунинг учун ёш-яланг, салту сувайлар қишлоқдаги ҳовуз бўйига кўчиб чиқади. Кечаси ҳовуз бўйида ухлаймиз. Қурбақа хонада, машшоқ. Ёллар — раққоса. Сув — ойна. Қизларнинг тушларига гувоҳ ой ҳам кечалари ҳовуз бўйида қолади. Шивир-шивир. Қиқир-қиқир. Қизлар сирлашади. Биз кичкиналар сир пойлаймиз.

Бизга қизиқ-да! Хушрўй Саломат опамизга кўп йигитлар

харидор эди. Унинг юзларига узоқроқ тикилсангиз, кўзингиз қамашади. Кун тиғида кетмон билаклари ҳам қораймас, кумушдек оппоқ эди. Сочлари тўпигига уради. Кашта тиккани-тиккан. Рўмолчалари ранг-баранг. Четига мунчоқдан нозиклар тақади.

Мунчоқлари шудринга, ошиқ йигитларнинг кўз ёшларига ўхшаб кетади.

Бахмал нимачалари ўзига ярашган.

У йўлдан ўтса, йигитлар анграйиб қарашган.

Кимнинг боғида битган гули раъно, деб сўрашган. Саломат опамиз сулувлугини билгани учунми, ўзини анчайин кибор, асилзода тутарди.

Пешинда ҳовуз бўйига йиғилдик. Ҳамма ўзи билан олиб келган нонми, туршакми, қовунми, помидорми — борини дастурхонга тўқди. Катта қалайи човғумда чой қайнайди. Нонларни ҳовуз сувига ивितिб олиб, дастурхонга ташлаймиз. Чаккини эзиб, кимдир чалоб қилади. Гунгур-гунгур, эланг-қаранг пешинлик қиламиз. Робия хола доирани чертадилар. Келинчақлар ўйинга тушади. Янги келинчақ Пўлатой урчуқдай пилдираб, давра айланади. Мана шу Пўлатой тўй кечаси чимилдикдан чиқиб, ўртага тушиб шунақанги ўйнаганки, ҳамма маҳлиё бўлиб қолган. Ҳатто куёв Низом ака ҳам томоша қилиб завқланиб кетиб, кўз тегади, деб келинчақни шартта кўтариб, чимилдикқа олиб кирган. Роса кулгу бўлган. Бир қиз Саломатхонни ўйинга бир-икки давра айлангандай бўлди-да оҳиста ўрнига келиб чўка қолди. Ҳовуз бўйидаги қарри толга суяниб, Юсуф ака мафтун боқади. У Саломатойга неча бор совчи қўйса ҳам, унга беришмаганиди. Пўлатой бир унга, бир қизга қарар, бечора йигитга раҳми келарди. Бир пайт мен маҳмаданнинг тили қичиб қолса бўладими? Ана у кунни Файзулло тоға бир қўшиқ ўргатувдилар. У киши шоиртабиат, биз бийронларга турли термалар ёдлатади. Ушани айтгим келса борми? Ўрнимдан туриб бидирлаб кетдим:

*Боғ кўчада бир қиз кўрдим,  
Кўзларида юлдуз кўрдим.  
Қизил гуллар орасинда,  
Саломатхон нари зотли,  
Лаблари қанду навоотли.  
Рўзибиди тўпариди  
Ошиғи бор Юсуф отли...*

Биров ҳайрон. Биров ҳандон. Биров тилини тишлаган, биров дилини хушлаган. Бечора Юсуф қулоғигача қизариб-бўзариб кетди. Саломатхон индамай ўрнидан турди, менга қараб юрди. Унинг ранглари оқариб кетган, жонидан аччиқ ўтган. Ҳозир қулоғимни чўзади, деб икки қулоғимни чўзади, деб икки қулоғимни шарт ушлаб олдим.

Ҳамма жим. У бир пас пас менга қараб турди-да, ҳе, маҳмадана, деб юзимга енгилгина уриб қўйди. Ушанда унинг кўзлари оҳуникидай мунгли эди. Эсласам, ярадор оҳунинг кўзлари шундай маюс ва қайғули бўлар экан!

Гўзал Саломат опамиздан заррача хафа бўлганим йўқ. Унинг шу қишлоқда келин бўлиб қолишини истардим. Бирга чопиқ қилишни, пахта теришни, унинг ниҳолдай нозик қадди бастини, нимчасининг садаф тугмачаларини юлдузга ўхшатишни севардим. Биз биланариқча бўйида бирга ўсма қўйишини севардим.

Паричеҳра Саломат опани Гиждувонга келин қилиб туширишиди.

Анча йиллар ўтгач, Мулладош қишлоғидаги бир тўйда Саломат опани кўриб қолдим. У худди ойдек тўлишган, даврага нур сочар, ҳар кулганида тилло тишлари ярқираб, хона равшан бўлиб кетарди. Кулса гул, йиғласа дур тўкилади, деган соҳибжамол шу бўлса керак!

Яна юзимда унинг бахмалдай қўллари тафтини ҳис қилдим. Лекин бу ҳусну ҳашам ора яна ярадор оҳунинг кўзларини кўрдим! Олисан бир ғамгин кийик мўлтирар, дилимни янги шеър дардига тўлдирарди.

Айтишларича, Саломат опани отга миндириб олиб кетаётганларида адир тарафдан бир кийик чопиб чиқиб, йўл ўртасида туриб олган экан. Йўлда пўта боғлаб турган болалар ҳам кўришибди! Болалар пўтани ҳам ташлаб, кийикнинг изидан қувишибди. Кийик адирга қочмас, нуқул гир айлини, келин минган отнинг олдин кесиб чиқаркан. Бечора Юсуф кийикка айланиб, унинг йўлини боғлаган экан, дейишади. Ким билсин?

## ШАРИФ БОБО

Ҳовлимиз орқасидаги ариқча лимиллаб кўприкни кўтариб оқади. Бўтана сувларда коптоқдай лопиллаб қовун косалари қалқиб келади. Қишлоқни хушбўй ҳид тутган: Шариф бобонинг полизида қовун гарқ пишган. Эртами-индинми бобо қовун узадилар. Сўнг ҳар қуни йўрга эшакни йўрттириб, бозор қатнайдилар. Қалами ҳуржуннинг икки кўзи тўла қовун: амири, бекзоти, анжири, гулоби. Шариф бобо жуда саҳоватли. Қовун узганда ўз тўпарларидаги қўни-қўшниларга иккитадан қовун чиқарадилар. Ҳар бўриқаллаки, хумдай-хумдай, ҳар амири, нақ лўлаболлишдай келади-ё!

Қовун тўр боғлаб, дум бериб, амири беқасам йўлларидан кечалари тарсиллаб ёрилиб, димоғни ҳиди қитирлаган.

Бизникига аслида арава-арава қовун келади, почманинг мухлислари кўп. Мадончада қиш бўйи қовунлар сомон устида анқиб ётади. Узумларни мадонча шипларига ипга тизиб илиб қўядилар поччам. Бир шингиллини есангиз, ширинлиги томогингизни қақратиб юборади! Лекин амири, бекзоти бошқа-да! Бир карчини туя қилиб беришса; карсиллатиб ейсиз. Е бўлмаса икки "қулоғи"дан ушлаб, карчининг ширасини сўрасиз! Ана қовун, мана қовун! Ширасининг ўткирлигидан лабингизнинг икки чети "бичилади".

Шариф бобомизнинг полизларига ишқибозлар кўп эди. Қовун полиз шундоққина пахта даласига туташ йўл бўйида. Четларида қўриқчилари — эски-туски кийинган "қўғирчоқ"лар. Полиз ўртасида ёғоч карт. Ёғоч картда бобо ёз кечалари ёнбошлаб, хаёл суриб ухлаб қоладилар.

Қуш-қиё, итлар ҳам мудроққа кетган бир палла. Бир маҳал галати хуштак овози эшитилди. Бобожон дик этиб ўрнидан турди, оёқ учида юриб дарвозадан чиқиб кетди. Уйқу элитган онам ҳам сезмади. Усмон, Иброҳим, Қодир ва Бобожон — Мағалак тўпининг ботирлари нарғи тўпарга қовун полизига жўнадилар.

Чирилдоқлар маст бўлиб сайрайдилар. Қурбақалар ҳовуз бўйларида овозини баралла қўйиб қурилайди. Ариқчада сув шилдирайди. Осмонда йўл судтай ёғду сочади. Тупроқ йўлда тўрт жўра пилдирашиб, полиз рошига етиб келишди. Учовлон палакдан пишган қовун танлайди. Бобожон — қоровул. Шарпа келгудай бўлса, хуштак чалади. Кеча сокин. Атрофда тўртволондан бошқа зог йўқ. Палакнинг хуш иси димоғларни қитиғлайди. Сукунатни тирс-тирс этган товуш бузади. Шарбатга тўлган қовунлар ёрилади. Қаттиқ уйқуга кетган Шариф бобо маза қилиб хуррак отади. Шариф бобонинг хураги тегирмонни юргизади, дердилар.

Тўрт қовунхўр қўйлақларини ечиб, ёқасини бўғиб, ўлжаларини солиб, кўтариб пусибгина қайтишади. Тўпар бошига етгач, бўлиб олишди. Қоровул — Бобожонга иккита амири қовун тегди...

Туш пайти мадончага кирган поччам иккита амири қовунга кўзи тушиб қолди. Суриштир-суриштир бошланиб, қовуннинг эгаси — мулло Бобожон эканлиги аён бўлди. Сўроқ бошланди. У қовогини уйганча жим турар, сир бермасди. Сир очилди. Икки қовунни кўтартириб, ота-бола Шариф бобоникига жўнашди.

— Хуш кўрдик, хуш кўрдик! Қандай шамол учирди, мулла Умарбой? — деди бобо шоду хандон.

— Қовуннинг шамоли, Шариф бобо! Кечаси икки қовунингиз бизникига сайрга борган экан, ота-бола қулоғидан чўзиб, қайтариб олиб келдик!

Шариф бобо ҳамма гапни тушуниб, шарақлаб кулиб юборди:

— Оббо шоввозлар-ей! Шунча меҳнат қилиб, юрак ютиб олган қовунларни, майли эди, сўйиб берсангиз, мулло Умар! Деҳқоннинг ризқини худо беради! Овора бўлибсиз-да, ука!

Бобо меҳмонларни сийлаб, энг асил қовунларни сўйиб, яна кетар чоғи қўлларига иккитадан амирри тутқазиб юборди. Ўша-ўша Бобожон Шариф бобонинг уйлари ёнидан ўтмайдиغان бўлди. Бобонинг қорасини узокдан кўрса, урра қочарди. Умида иккинчи бор бировнинг нарчасига кўз тикмайдиغان бўлди. Ҳар қовун пишғида Шариф бобо боталарнинг ризқи деб бизникига ҳам иккита қовун ташлаб кетардилар.

Эҳ-ҳе, бу гапларга қанча замонлар бўлди. Шариф бобо эса аллақачон жаннати бўлиб кетдилар. Ҳеч ким у кишидек миришкор бўлиб қовун етиштиролмас, амирию бекзоти, бўриқалла қовунлари эса анқонинг уруги бўлиб қолди.

Одамнинг беги, амири бўлганларгина бундай ҳиммат ва меҳнатга ёр бўларканлар, билсам! Кичкина қишлоқнинг шоҳи, Ҳотами тойи эканлар Шариф бобомиз! Уларнинг миқтигина қоматлари, қора тўридан келган табассум тўла юзлари, кўкиш

матодан ўраб юрадиган саллалари доим гўдак тасаввуримда жонланади. Ҳақиқатан, у киши бобои шариф эканлар, дейман!

Шу йил ҳазонрезгида Бўстон қишлоғига бордим. Хўжа Бўстон мазоратини зиёрат қилдим. Шариф бобо Қобилов хобгоҳларини таовб қилдим, ояти карималардан ўқидим! Рухлари шод бўлсин, илойим!

## "ОШИҚ" ПЎСТАК

Қишлоққа овоза тарқалди: "Қизилой" тўпариди зўр қушноч чиққанмиш. Нафаси иссиқ эмиш. Каромати зўр эмиш. Йўқолган нарсаларни топиб берармиш. Ўғирланган моллар қаерга яширилганини айтса, тўғри чиқармиш. Иссиқ-совуқ қилармиш, ошиқ-мошиқларнинг мушуқлини осон этармиш.

Ойнага қараб туриб, бировларнинг етти пуштини бехато айтиб берармиш. Миш, миш, миш.... эмиш...

Биров битта товуқни қўлтиқлаб, кимдир тўрттагина тухумни рўмолига туғиб, кимдир бир лўнда чой олиб, Қизилой қайдасан, деб бораверишди.

Онам бечора ҳам умид билан пой-пиёда Ҳамробобога жўнадилар. Урушда бедарак кетган ўғилларидан дарак топиш ниятида юрардилар. Ҳамро бобо онамни аввал роса мақтабди. Ҳизр назар қилган асилзода экансиз, дебди. Ўн беш фарзанд кўрганларини ҳам тўғри топибди. Ёлғизгина фарзанд эканликларини ҳам билибди фолбин тушмагур. Ўғилларидан дарак сўраб, пирларига муножот қилибди.

— Ўғлингиз тирик дейишяпти. Олис юртда экан. Бу ёққа келиш учун йўллари берк, дебди.

Онам бечора хуни бийрон йиғладилар. Чунки 39-йиллар акамнинг орқаларидан одам тушиб, амир сарбозининг зурриёти деб, қисувга олишган экан. Бир кечада акам келинчагини ҳам ташлаб, бирор тузук иш топсам, келиб олиб кетаман деб, Чоржўйга кетган эканлар. Сўнг уруш бошланиб қолибди... Ўша-ўша ном-нишонсиз эканлар...

Онам бечора беҳаловат бўлиб қолдилар.

Ҳаммадан ҳам Ислом акага қийин бўлди. Ислом ака чилдирма қоллар эдилар. Доим қазоқлариди эчки териси бўларди. У пайтлар терини жийитиб, нобуд қилишмасди. Қотириб, тузлаб пойгақларда пўстак ўрнида ишлатишарди. Иссиққина. Фақат сабил бургахона бўларди-да!

Ислом ака анчайин ҳазилкаш эди. Икки жўраси билан Ҳамро бобоникига борди. Жўралари суйган қизларининг сочларидан, жамалагидан олиб боришди. Ислом ака эса сандали адоғига солинган оқ пўстак жундан бир тутам қирқиб олиб борди. Бобо ўқиб-ўқиб бир энлик эскичада хат ёзиб икки жўрага туморча қилиб, бошингизни тагига қўйиб ухланг, деди. Ислом ака олиб борган бўялган жунни аввал хўп томоша қилибди. Икки жўрани чиқариб юбориб, Ислом акани роса "ўқиди". Худо хоҳласа, уч кундан сўнг уйингизга севганингиз кириб келади, ёлғиз ухланг, — деб тайинлабди Ҳамро бобо.

Уч кун деганда ҳалиги икки жўранинг совчиларига оқлик бериб юборишбди қудалар. Тўй тараддуди бошланибди.

Ислом ака эса ҳангома қилиб, одатича бир гапириб, ўн кулиб юрабди. Учинчи кеча тақа-тақ уйғониб кетди. Эчкининг маърагани эшитилар, туёқларини дўпиллатгандай, қия очик эшикка оқ пўстак ўзини урарди. Ислом ака жон борича бақириб ўрнидан турди. Ҳай-ҳайлаб онаси, акаси югуриб келишди. Остонада оқ пўстак ётарди. — Савил кучук судраб келибди-да! Бунақа одати йўқ эди-ку, — деб пўстакни қоқиб-суқиб, она уйига олиб кириб кетди.

Чироқлар ўчди. Жимлик. Яна тақ-тақ, дўпир-дўпир. Тамбалаган эшикка бир нарса ўзини урарди. Ислом ака жони ширин кўриниб, сапчиб турди, шошиб еттинчи лампа чироқни пилигини кўтарди. Яна остонада оқ пўстак ётарди... Дир-дир титраб, тонгача тиззасини қучоқлаб, уйғоқ ўтирди. Эртаси кечаси ҳам, индини ҳам шундай бўлди.

— Шу оқ пўстакни йўқотинг, она, — деди охири. Биби ҳайрон бўлди. Ўғлимга ажина-пажина дап қиялти, деб ўйлади. Қизилойга, Ҳамро бобога ўғлини етақлаб борди. Йигит бечора фолбинга киролмади, эшикда кутиб турди.

— Ўғлингиз шохи айри, соқолари узун бир оқ эчкига ошиқ бўлган эканлар. Ошиқни муродига етардук. Хурсандмулар? — сўрабди бобо вазмин кесатиқ билан.

Биби бечора зору тавалло қилибди, ўғлимни пўстакдан совутиб беринг, деб.

— Майли, юзингиздан ўтолмадим, хола. Йўқса, шаккок ўғлингизнинг қўйнига келинчак қилиб оқ пўстакни солиб қўярмидим?

Бобо дуо ўқиб, қайтарма қилибди, энди кечалари пўстак Исломо акани йўқлаб келмайдиган бўлибди.

Уша воқеадан сўнг Исломо аканикига биров эчки терисини олиб боролмас экан. Исломо ака зирқиратиб қувар экан. Биби ҳам ўғлининг кўнглига қараб, дойра қопламайдиган бўлибдилар. Дарвоқе, оқ пўстакни Исломо ака Ёдгор девонига тузфа қилиб элтиб бердилар. Девонанинг жони кириб, уни роса дуо қилибди денг!

## ШИФО ИЗЛАБ

Беш яшар эдим. Ушанда ҳамма болаларга темирлатки тошиб кетди. Менга ҳам. Усто Бобомурод бобога кирдик. Поки билан сочимни қириб ташлади. Нега ушанда дўхтирга боришмаган, билмайман. Намуна тўпариди бир табиб кампир бор, дейишди.

Уша ёққа боряпмиз. Кун ёндиради. Тиззагача билқиллаган кум. Кавушим катта — опамникини кийиб олганман. Узимники йиртки. Ҳар икки-уч қадам босганимда, оёғимдан тушиб қолаверади. Онам охири опичлаб оладилар. Ярим чақирим юрмай, харсиллаб, чарчаб қоладилар. Тушаман. Яна кавушим чиқиб кетаверади. Бир азобда табибоникига етиб бордик. Пахса деворли ҳовлига кирдик. Салқингина бир хонага бошлашди. Бўйра тўшалган. Устидан қора намат ёзиқ. Наматнинг гуллари қип-қизил, худди қўчқорнинг шохига ўхшайди. Пойгакда сопол кўза. Сопол пиёла. Уй шифтида қалдирғоч уяси. Тагидан беланчакка ўхшаш оқ мато тортилган. Қалдирғоч ахлати тушмасин учун бўлса керак.

Опоққина, чиройли табиб хола бошимни кўриб, узоқ жим қолдилар. Сўнг кириб-чиқиб юрган ёшгина келинчакка, арпа олиб келинг, дедилар. Бир пиёла арпа келтирди. Келинчак ҳар ўтганда юзимга райхон исси урилади. Табиб холанинг қўллари юмшоқ. Бармоқларида тилла узуклари бор. Онамнинг қўлларида сираям узук кўрмаганман. Ширчойининг кенг кўйлаклари ёқасига чиройли қилиб машинада гул урилган. Бўйнида нафис майда қизил маржон. Мен онамнинг тиззаларига бош қўйиб мўлтираб ётибман. Табиб хола ингичка бармоқларига арпа олади-да, бир нарсаларни шивирлаб темирлаткиларимни тилади. Бошим "жиз" этиб кетади. Ҳар гал тилганда кўзимдан ўт чиқиб кетгандай. Лекин миқ этмайман. Ахир темирлатки тузалмаса, кал бўлиб қоламан-да! Ундан кейин соч чиқмайди. Жамалак ҳам, орқасоч ҳам тақолмайман! Сочларимни кейин қирқта ўриб ҳам бўлмайди! Кейин болалар мазах қилиб, қўшиқ тўқийди:

*Кал, кал, миттони кал,  
Ариқчадан ҳатлади кал,  
Бошига чивин қўниб,  
Кака, деб йиғлади кал...*

Тўйларга боролмайман. Рўмол ўраб юраман доим... Ана шу ўйлар билан тишимни тишимга босаман, оғриққа чидайман. Табиб хола ҳам мақтаб қўядилар: — Бугина мўмингина экан, худо хоҳласа шифо толади.

Унг пиччам қип-қизил қонга бўялиб, она-бола уйга қайтдик. Ҳали иссиғида болилмаган экан, яраларим лўқиллаб оғрий бошлади. Қўл уролмайман. Бир ярага ўн яра қўшилди. Онам бечора бош ургани жой тополмайди. Кимдир керосин билан ювинг, деб ақл ўргатди. Кимдир яна бўтана сувига ювинг, деди. Кимдир эски пахса деворнинг кесагини туйиб, докадан ўтказиб сепинг, деди.

Бошим мисдай қизиб, лоҳас бўлиб, ётиб қолдим. Кун иссиқ. Ҳамма ёқ чивин бозор. Бошим қичишади. Бир кун бўлмади: Қўлимни бошимга олиб бордим. Бармоқларимга мундоқ қарасам, бир оқ нарса ғимирлаб кетяпти... Дўхтирхонага зингилатиб олиб боришди ва мени ташлаб қочиб қолишди. Бошимга пашша қўниб, қурт босган экан... Дўхтирлар ҳар куни онанг ёки опаларинг келса, хабардор қил, дейишади. Мен эса шифохонанинг дарвозасида уларни пойлаб тураман. Тезроқ кетинглар, сизларни қамаб қўяди, дейман...

Ун кун деганда тузалиб чиқдим. Мен тенги болалар шифохонада жуда кўп эди. Тақчиллик, очу наҳор юриш, илиги пучликдан ҳамма болаларга темирлатки чиққан экан.

Соч ҳам қўйдим. Сочларим патила бўлиб ўсиб чиқди. Онам икки қаваат қилиб ўрадилар. Етмиш иккита чиқади кокилим! Тоқ ўрадилар. Узим билан жуфт бўлар экан!

Бир қулоч.

Икки қулоч.

Етти қулоч! Сенга куёв, менга палов, дейдилар елкаларимга қоқиб.

Содда онамдан ҳам, хушбўй кўйлаклари, тилла узуклари ўзига ярашган хушрўй табиб холадан ҳам ранжиганим йўқ. Оқ халатли дуркунгина нўғай дўхтирнинг қўлларини ҳали-ҳали эслайман. Оламдан ўтган бўлса, худо раҳмат қилсин! Соғу саломат бўлса, умри зиёда бўлсин! Қанча болаларнинг бошини ўлимдан олиб қолган уша нўғай дўхтирдан умрим бўйи қарздорман. Шифохонадан чиққанимда, онам бечора узоқроқда, тутнинг тағида мени пойлаб тургандилар. Нўғай дўхтир, сен етимгинани ўзим уйингга обораман деб, ярим йўлгача келган. Мен эса онам кутиб турганларини айтолмайман. Бугина ўзим кетаман, деб зўрға дўхтиримни йўлдан қайтарганман. Шунақа фидойи, меҳрибонлар кўп эди у замонда. Онам қўрқа-писа изимдан етиб келдилар.

— Худо сани бир қайтиб берди, болам, ман беваи бечорага! Худоё худованди ўша дўхтирингни умри узоқ бўлсин, отангни арвоҳи ёр бўлсин, яхшилиги худодан қайтсин, — деб узоқ дуо қилиб йиғладилар онагинам.

Мен бўлсам тузалганимга хурсанд, дикир-дикир қилиб, янги кавушчани кийиб, йўлдан чиройли тошчалар териб, кетавердим. Энди зочак ўйнаймиз! Бештош ўйнаймиз! Қувлашмачоқ ўйнаймиз. Ҳеч ким мендан жирканмайди. Ана энди сочим ҳам ўсиб кетади. Одамлар Ҳожи бобонинг супра қокдиси ҳам бинойидек қизча бўлибди, дейдилар. Оҳ, қандай яхши!

Энди Назира, Латофат, Муҳаббатлар билан қўшиқ айтаверамиз:

*Отамни бой қизиман,  
Аравасин изиман!  
Отам мени олдилар,  
Аравага солдилар.  
Араванинг гунчаги  
Хол бобонинг хуштаги!  
Орқа сочим оловдай,  
Дамлаб қўйган паловдай,  
Жаҳури, ҳо, жаҳури!*

## РАМАЗОН

Рамазон жияним номини сўраганга "Замазон мулло" дейди.

Номозгар шамоли эсиб, қош қорайса, бўлди, онамни ташвиш босади, мулло Рамазон бу кеч нима ҳангома кўрсатаркан? Рамазон уч ёшда. Йиғлоқ. Кундузи уйқуни уриб олади. Кечаси йиғлаб чиқади, ухламайди. Тайлоқдай болани кўтаравериб, онам бечоранинг қанотлари узилиб кетади.

Уста бобоникига олиб бор, жийда берсин дейди, саркаш. Онам фақир кўтариб борадилар.

Кейинги кечаси Исломо бийиникига бораман, қовун қоқи ейман, қанд ейман, дейди у.

Айниқса, ёз кечалари мулло Рамазон саёҳатни авжига чиқарадилар.

Бир куни Шарифа опам кўрқитиш йўлини топдилар: кечаси тандирга кириб, оқ кўйлак кийиб чиқадилар. Рамазон мулло дегани дағ-дағ титраб, жим бўлади-қолади.

Бир ҳафта кечки сайрдан онам бечора озод бўлдилар. Бир куни тандирхонада она-боланинг шивир-шивирини эшитиб қолган мулло Рамазон кеч кириши билан латта косовни олиб, тандирнинг "оғзини" пойлаб турса бўладими? Опоқ чорси қўлида, Шарифа опам тандирга йўлламайди. Рамазонбой "қуролланиб" олган. Онам бечора юз бора, оқ кўйлак, кел, деб чақирадилар. "Оқ кўйлак" эса тандирхонага боролмайди, кўйлагини киёлмайди, тандирдан чиқолмайди.

Аллапаллагача қоровул тандир бошидан кетмади. "Оқ кўйлак" ҳам чиқмади. Онам бечора "оқ кўйлак" холасини кўргани кетган, деб баҳона излайдилар.

Оқ кўйлакни тинчитган мулло йиғлоқи ярим кечаси Низом тоганикига олиб борасан, деб оёқ тираб олди. Онам сўлоқмондай болани опичлаб, Новача тўпарига жўнадилар. Низом тоға мулланнинг дўпписига тўлдириб майиз бўлаёзган узум солиб бердилар.

Кейинги оқшом кайвони бибиникига сайёҳат бошланди. Бибиникида доим қатлама бўлгувчи эди. Биби қатлама берди, муллабачанинг рўмолчасига шакар ҳам сола қолди.

Пахтахонага етганда рўмолча тушиб кетди. Шакар тупроқ билан битта бўлди. Тупроқдан шакаримни ажратиб бер, деб ар-ар йиғлади.

— Вой, болам-ей, бир бача қишлоқни ёвга берган экан, — дердилар муштипар онам нима қилишларини билмай.

Бир пайт эски сайисхона томондан оппоқ баҳайбат бир

нарса лапанглаб кела бошлади. Мулла Рамазон шунда ҳам тупроқни бир-икки ялади-да, онамнинг олдиларига тушиб ура қочди.

— Бибиёжон, "оқ кўйлак" холасиникидан қайтиб келибди-да, — деди у аланг-жалаң бўлиб.

Ана ўшандан кейин, денг, мулло Рамазоннинг кечки сайрларию гап-гаштаклари тугади.

Сайсхонадан чиққан ажина эди, дердилар онам. Яна ким билсин?

Мулло Рамазоннинг хунаrlари кўп эди. Онам сарполари турадиган сандиқда рўмолчага тугиб қанд-курсни асрардилар. Меҳмон-измон келса, дастурхон зийнати-да!

Бир кун одатдагидай сандиқни очсалар, рўмолча бўм-бўш! Қанд-курс йўқ!

Онам ҳайрон! Сандиқнинг зиддай қопқоғини ким очди экан? Бирдан кулиб юбордилар: сандиқнинг орқа томонидаги икки ошиқ-мошиғи йўқ! Замазон мулло қандини уриб юрибди экан!

Онам индамадилар. Меҳмонхона дастурхонига майизу туршак, мевани тўлдириб қўйдилар.

Бир пайт ар-ар йиғи бошланди. Рамазон ширинхўрак катта айвон йўлагига ётиб олиб, йиғларди.

— Қандим, қандим, — дерди у йиғи аралаш...

Шоввоз қандхўрак каллақанддан бир бўлагини липпасига қистириб Бадрарфхонага кирганида липпасидан тушиб кетибди! Бўлди кулгу!

Мулла Ражаб бобо қумалоқ-қумалоқ ҳар хил қандлар олиб келиб, уни овутдилар!

Рамазон улғайиб, топармон-тутармон йиғит бўлди.

Умар поччам Рамазонни койиб, дердилар:

— Ҳу, қандхўр! Сенга Бақо ҳалвопазнинг қизини олиб бераман!

Рамазонбой ҳалвопазнинг қизини олмади. Араб чўпоннинг кўзлари шахло, сочлари елкаси билан битта Хурсандой қизини олди.

Ҳовли-ҳашомати ҳавас қилгулик. Дастурхонига неча хил асил ширавор бўлади. Меҳмонга борса, баракалла қилиб, конфетлар элтади. Бола-бақра унинг гардини ўраб олади:

— Замазон тога, қанд беринг!

Замазон тоғанинг киссаларида доим попукли конфетлар бўлади-да!

## РУХСОРА ХОЛА

Худо урганни пайгамбар ҳассаси биланг туртармиш.

Онам шундай деб айтдилар. Ҳайрон бўлдим. Муборак, Латофат билан сизир боққани чиққан эдим, Латофатдан бу гапнинг маъносини сўрадим.

— Дугонажон, эшитдингми? Рухсора холанинг пулини ўтрилар олганини?

— Мен қаёқдан билай? — дейман елка қисиб.

Воқеа бундай бўлган экан.

Ўтган бозор кайвони биби Хўжайи жаҳон бозорига сизир сотгани борган эканлар. Сизирни сотибдилар. Пулини рўмолчага тугиб, Ғиждувондан қайтиб келаётган эканлар. Йўрға эшакка Тўйибойни миндириб олганлар. Хархўрға келишганда икки йиғит изларига тушибди.

— Бибиёжон, чарчамадингизми? — сўрашибди улар.

— Холанг ўргилсин, нимага чарчайман? Эшаккина жонивор кўтариб келаётган бўлса.

— Холажон, — дебди бири, — мол сотганга ўхшайсиз чоғим?

— Ҳа, айланай, мана шу сағиргинани қўлини ҳалоллай деб жон ҳалакман-да! Инакни бозорга солдим, айланиб кетай!

Уша ўтрилар холани аврабди. Рўмолчага тугилган пуллари бир санаб берайлик дейишибди.

Санаб-санаб холажон тўғри экан, баракасини берсин, деб қайтиб беришибди.

Хола хурсанд, уйга келибдилар. Пулни тахмондаги кўрпалар қатига яшириб қўйибдилар. Уч кундан сўнг маслаҳат оши бўлибди. Сарфу харажат расамади тайинланибди.

— Қани, энди, холамулло, топган-тутганингизни ўртага ташланг. Етганича сарф қиламиз. Етмаганига колхоз киссасидан ёрдам берамиз, — дебдилар Салим бобо.

Кайвони биби пул тугилган рўмолчани келтирибдилар. Очишсаки, рўмолчада иккитагина ҳақиқий ўн сўмлик, қолганлари эса сарғиш силлиқ қоғозлар эмиш...

Хола бечора "ё товба"лаб ёқа ушлаб ўтириб қолибди...

Тўйни колхоз раиси жамоа ҳисобидан ўтказди. Биз ҳам тўйга бордик. Қиёмат тўй бўлди. Тўлаҳон раққоса тўйни

қизитди. Саҳарга ош берилди. Сап-сарик тиллодай. Майилари ҳам бор. Киши бошига биттадан нонга бир капгирдан ош берилди. Тўйибойнинг тўйи тўймисан-тўй бўлди.

Ана шу кайвони Рухсора хола элнинг бошини қовуштириб юрсалар ҳам, бирам соддалар. Ҳар якшанба Бўстон бозорига борсалар, бир ҳангома бўлади. Бўлмаса келиб-келиб боланинг қўлидаги шарни бир пуфлаб берай, бачам, дейдиларми? Ҳамзавойга ўша кунни учта шар олиб беришган экан. Шарни шишириб, ипга боғлаб келаётса, холажон учраб қолибдилар.

— Эби, бу пуфақларинг хушрўй экан. Мана бир пуфлаб кўрай. Тоғайжонимга олиб берай, — дедилар.

Холажон шарнинг биттасини пуфлаб-пуфлаб мешдай шиширдилар. Яна бир-икки пуфлагандилар, "пақ" этдию шар ёрилиб кетди. Ана ҳангома, ана жанжал!

Ҳамзавой ерга ётиб олиб йиғлайди. Шаримни бутунлаб берасиз, дейди. Шар сизга чит қўйлақмиди, тикиб-ямаб бўлса!

— Эби, ман пуфақ шиширмайгина ўлай-да! Ҳамзажон, муни қандай қилиб бутунлайман, — деб худонинг зорини қилади холажон.

Олдинда холажон, орқада Ҳамзавой, шаримни топиб бер деб йиғлаб югуради. Шундай қилиб, кайвони бибиникига етиб келишди. Ҳамзавойга шар учун товон тўлаб, қулоғи тинчиди холанинг.

Ҳар йили кеч кузақда колхоз катта сайлу кўпқари беради. Дошқозонларда ҳалим, ош пишади. Зардорларга пул ва бахмал шойи мукофотлар улашилади. Катта тепалик қанотида кураш, кўпқари қизийди.

Ҳолвапазлар, мисгарлар, новвойлар, ҳуштакчилар, кўғирчоқбозлар лангар ташлаб, ўз санъатларини намойиш қиладилар. Бева-бечора, ғариб-ғураболарга ёрдам пуллари берилади.

Кайвони бибининг бир ўғли Ғаффоржон далада борона тортаётганида от олиб қочиб, нобуд бўлган. Ҳар йили колхоз нафақа пули беради.

Катта сайл кунни Жиянбой раис кайвони холага юз сўм ёрдам пули бердилар.

Кўпқари тиниб, бозорлар тугаб, сайл тарқади. Эл-улус уй-уйига, тепа-тўйига дегандек, қайта бошлади. Рухсора хола Тўйижонга тўртта шар олиб шишириб, ипга боғлаб бердилар. Пой-пиёда анча йўл. Неварачанинг қадамига қараб, холажон ҳаммадан орқада қолдилар. Яна Ғиждувон бозордагидай товламачилар чиқиб қолса-я? Пул тугилган рўмолчага тўртта шарни боғлаб олдилар: катта йўлга тушишганда бирдан шамол кўрмагур туриб қолса-я!

Теғирмон бошидан ўтишгач, шамол яна кучайиб кетди. Шамол бозори гоҳ қўйлақдан, гоҳ лачакларидан тортади, гоҳ шарларни ўйнайди. Бир ёқда Тўйибой опичлаб ол, дейди. Холажон тайлоқдай набирани инқиллаб кўтариб олдилар. Тўртта шар лоп-лоп ҳавога кўтарилади.

Озгина дам олай деб набирани ерга туширдилар. Гувиллаган шамол бало-қазодай шарни юлқиб, осмонга кўтариб кетди. Шарлар билан юз сўм пул тугилган рўмолча ҳам учиб борар ва кўтарилиб-кўтарилиб кўзга кўринмай ҳам қолди.

— Энди нима қиламиз, Тўйижон? Пул зорманда худо йўлига кетди-ку, бачам! Майли, Ғаффоржоннинг руҳига бағишладим, — деди мунғайиб Рухсора хола.

Эҳ, Рухсора хола! қанчаларга киндик буви бўлдингиз! Келинчақларни отга мингаштириб, куёвникига олиб бордингиз! Элнинг яхши-ёмон кунида ҳамдам, аччиқ-чучутида қайғудош бўлдингиз!

Талабалик йилларим ёзги таътилга борсам, фариштадайгина бўлиб мени кўришга келардингиз. Кўзингиз кўрмай қолганида ҳам тўй-ҳашамдан, марака-мавлуддан қолмасдингиз. Кичкинагина мойпилтали ўчоқда ҳар кун ўзингиз таом пишириб, жийда асо ёрдамида йўлингизни топиб юрардингиз.

Ваҳоланки, кўзи очиқ туриб, йўл йўқотганлар қанча эди! Қишлоқчани ёритган шамчиноқ, диллардаги нур экансиз, билсам!

Энди бу қишлоқнинг сиздай мастура кайвониси, киндик момоси йўқ! Содда ва меҳрибон чеҳрангизни кўп эслаيمان. Кўнглим ёришиб кетади. Болалигим кўчаларида чироқ ёқиб кетган соддалингизни хотирлайман. Сиз асли худо сийлаган банда экансиз! Худо сийлаган одамларгина яхши ном қолдирадилар экан!..

## ЛАНКА

Эрта баҳорда болаларнинг ҳар хил ўйинлари қизиб кетади.

Бир тўп бола кунгай ерларда аккол (чиллак) ўйнашади. Қизлар жам бўлишиб, хоналар чизиб олиб, сополакни бошлашади.

Мактабда дарс бўлмай қолди дегунча, ўғил болаларнинг кунни туғади: улар Қодирвой бошчилигида ланка ўйнашади. Ланка бир парча пўстакка ёпиштирилган қўрошин. Уни ҳаволатиб, тўпга ўхшатиб ўнг оёқ билан ерга туширмай тепишади. Қодир ланка ўйинда устаси фаранг. Икки юзтагача ерга туширмай ўйнайди.

Офтобрўяда ўйин қизийди. Ланка Қодирнинг оёғига тегиб-тегмай қушдай учади. Болалар жўр бўлиб санашади: йигирма... ўттиз... юз...

Қизлар ҳам давра қуриб томоша қиламиз. Дарсга кўнғироқ чалнади. Ҳеч ким жилмайди. Расм дарсига ҳеч ким кирмайди. Сўнги соат — жисмоний тарбия. Қодирвой шоввоз — давранинг қаҳрамони. Жиққа терга ботганча ланка уради. Ланкани энг кўп туширмай урганга болалар бир ҳафта барча дарсларини тайёрлаб беришади. Қарабсизки, ҳамма аълочилар — голибнинг хизматида.

Учинчи чоракда Қодир ланкачи аълочи бўлди-қолди. Ҳамма фандан — "беш". Ланканинг шарофати билан Қодирвой мактабда машҳур бўлиб, унинг ланкаси болаларнинг тушига кирадиган бўлиб қолди. Уйлардаги пўстаклар парча-пурча қилиниб, ланкахонга айлана бошлади. Расм, жисмоний тарбия, ашула дарсларига болалар кирмай қўйишди. Қодирвойнинг шогирдлари сафига Оқбош кучуги ҳам қўшилди. У икки оёқда туриб олиб, ланкани усталик билан илдириб, ҳавога ураб, Қодирвой эса мароқ билан санаб турарди. Томошабинлар қаторига муаллимлар ҳам қўшилишди. Мактабга комиссия келиб қолса, денг. Бўлди томоша! Дарсга кирмай ланка ўйинни қизитаётган Қодирвой бошчилигида болалар даврасига комиссиядагиларни кўзи тушди. Муаллимлар ҳам томошабин бўлиб ўтиришарди.

Эртаси кунни дарс олдидан ўғил болалар сафга тизилишди. Синф раҳбари билан икки киши ҳамма болаларнинг чўнтагини текширишди. Ана ланка-ю, мана ланка: оқ, қора, кўнғир ланкалар! Уларни бир жойга тўплашди; бир тепа ланка қалашиб ётарди. Керосинга буланган хода олиб келиб, ўт қўйишди. Ҳамма ёқни жун исси, қўрошин ҳиди тутиб кетди.

Уша кунни ўғил болалар танафусга чиқишмади, қовоқларини уйиб партага бош қўйганча хомуш ўтиришди.

Уша пайтлар жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш, унга сополак, тўп тош ўйин, чиллак ўйин, ланка, тортишмачоқ ўйинларни киритиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Мактабда бир дона копкоч бўлиб, у ҳам юқори синф ўқучиларига тегади. Кичкиналар икки кун деганда тўпининг суробини тўғрилаб қўйишарди-да!

У кунлар ўтиб кетди. Сополак ва тўптошни, беркинмачоқни, ланкани қишлоқ болалари ҳам эсдан чиқаришди. Ланкаларни ёққан муаллимнинг номига "ланка" лақаби қўшилди. "Ланка домла" — муаллимнинг ўзлари ҳам бу лақабга кўникиб кетдилар.

Қодирвой полвон бўлиб етишди. У даврага тушса, оёғи билан "илм бериб", рақибини енгарди. Қодирвой болаларни йигиб, курашга ўргатади. Унинг шогирдлари қишлоқнинг зўравонлари — биров уларнинг мушугини "пишт" деб кўрсин-чи?

Майдонга тушса, ҳоли вой!  
Ана шунақа!

## ТҲЙХОНА

Қишлоқнинг бағри кенг. Одамлари — ҳотамтой.

Танишим-нотанишим, ёппасига ҳаммани тўйга айтишади. Кайвони буви Рухсора хола бир ҳафта қишлоқма-қишлоқ, ҳовлима-ҳовли юриб, тўйга хабарлайди. Кайвони бувиға халила рўмол, белбоғлар, патиру нонлар беришади.

Ҳар намозшом Рухсора хола бошида зилдай дастурхон билан тўйхонага қайтади, туҳфаларни тўйчиға беради. Қариндошлар бир-икки кун аввал хизматга келади. Тўйчи билан гапи қочиб қолган хонадонларга алоҳида тугун ва сарпо тайёрлаб, тўйчи ва кайвони бибимиз борадилар. Яраш-яраш бўлади, тўйга айтилади. Олам гулистон. Аччиқ-тирсик гаплар унутилади.

Ёш-яланг борми, салту сувой борми, тўйхонага келишади.

Томлар сувалади. Янги тандир қурилиб, йиқилган деворлар тикланади, нураганига пардадевор урилади. Янги тандирда уч кечаю уч кундуз олов ёнади. Зардолу, тут дарахти кундаси гув-гув тандирни қизитади. Тандир аввал қорайиб, сўнг "шишади", оппоқ оқариб, қизаради. Ана энди қишлоқ хонадонлари тўйхонага келиб, патиру ёпиб кета бошлайдилар. Гўё тандирдан ўн беш кунлик ойлар балқиб чиқади. Жизза ҳидига ҳовли тўлади. Бир ёқда калла шўрва қайнайди. Бир ёқда катта ўчоқ бошида мис қозон. Янги бўйра. Бу гуруч ювиш учун.

Бутун қишлоқнинг уйи — тўйхона. Бола-бақра оёқ тағида уймаланишади. Бири патиру тишлаган, бири суяк ушлаган. Биров-бировни жеркимайди. Олам кенг. Ҳамма сиғади. Ҳамманинг тўйи, ҳамманинг шодлиги! Суннат тўйлари катта базмга, байрамга айланади. Кўпқари, кураш бўлмаса-да, тонготар базмлар дилни яйратади. Ҳовли чинни-чиқоқдай тоза. Ерга палослар, кўрпачалар ёзиқ. Унда-бунда осма фанорлар. Тўйхонага эл оқади. Қизлар, жувонлар ярақ-юруқ либосларда. Пешонабандлари қирмизи, пештоқи зангори... Камзуллари банорас, кўк духоба, физил гижимдан, кўйлақлари қарға шойи, бағри караматлас, хитойи фаранг, барқут, ҳил-ҳила кўйлақ, ёқа бурма кўйлақ, фарғонача кўйлақ, барратиши бурмали кўйлақ...

Ҳай-ҳай, дўппилар: зардўзи, ироқи, чаманда гул, келини кийсин, қайнонаси куйсин, бахмал дўппи, мунчоқли дўппилар... Чаққаларида хушбўй сариқ гуллар, нозбўйлар, хулбўйлар...

Атирлар оқади, орзулар балқади. Кулгулар, хуш келибсиз, хушвақт бўлинг!

Келинчақлар алоҳида уйда парилардай тизиладилар. Меҳмон келганда ҳимралиб ўринларидан туришиб, салом қилишади. Тўйчи уларнинг ҳаммасини жигаридай суйиб, "чорлайди". Келинларнинг қалғай рўмоли, фаранг рўмоли, гижим рўмолини шилдирайди. Қирқта қилиб ўрилган сочлари — шалола!

Эркаклар давраси алоҳида.

Ёш болалар, қизалоқлар сув ташигани-ташиган. Чойни кўплар ичишмайди. Дастурхонда нон ва парварда. Ҳар аёлнинг тиззасида туйғундай икки-уч боласи.

Дойраларнинг така-туми юракни титратади. Даврани тўйчи бошлаб беради. Сўнг келинчақлар даврага киради. Сўнг — қишлоқнинг гўзал қизлари. Сўнгра қизалоқлар. Ана энди раққоса Тўлахонни томоша қилинг.

*Қизил гулни тағидаю, ҳо Лайли,  
Ёр, сани кўриб олдим-о, ҳо Лайли.  
Кўрмасам бўлар экан-о, ҳо Лайли,  
Ҳажрида куйиб қолдим-о, ҳо Лайли.*

*Йўл устида йўнғичқа-о, ҳо Лайли,  
Акажон, белим ингичка-ё, ҳо Лайли,  
Ингичка деб гам еманг-о, ҳо Лайли,  
Энди кирдим ўн учга-ё, ҳо Лайли!*

— Ҳа, дўст, — дейди йигитлар.

— Кам бўлманг, — дейди бировлар.

Биров битта қийиқча, биров битта чит рўмолча ташлайди раққосанинг елкасига. Тўйчи эса шойи ташлайди.

Чилдирмалар тоб ташлаганда, дойрадаст. Робия хола, Сарвар хола андаккина дам олишади.

Эҳ-ҳе! Атлас кўйлақ, гижим рўмолли "аёл" ўртага тушди-ку! Беқасам тўн кийиб, белбоғ боғлаган, сочини дўппи ичига яширган "йигит" унга ҳамроҳ бўлади. "Мўйлов"ларини бураб, этикларини тақиллатиб, турли имо-ишоралар билан ўйнаётган "йигит" — кайвони буви ҳамманинг ичагини узғудай кулдиради. "Аёл" эса пешонабанди билан юзларини тўсиб, ноз-ишвалар қилади, буралади, қилпиллайди. Бу — ўзимизнинг Файзулла ака. Тўй қизигандан қизийди. Кетмон юзасида чўғ кўтариб, даврага Файзулла аканинг хотини Хурсандой киради. Қорачагина, кўзлари ҳалқа-ҳалқа, юзлари нозиккина келинчақ. Файзулла тоға даврага отилиб киради, завқи жўшиб, кетмоннинг чўғини манқалдонга ағдариб, кетмонни четга улоқтиради. Пайдо бўлдинг қайси гавҳар донанд?

Парвоз қилиб учдинг манзилхонадан...

— Қани, аканг бўйинга тасадуқ, бир чол-кампир ўйнайлик, — дейди. Улар қўш каптардай рақсга тушишади. Ҳамма маҳлиё. Файзулла тоға ерга тиззалаб, аканг қарагайнинг парисини кўринглар, деб кўяди. Хурсандой қизариб, майда қадам ташлаб, бармоқларини қирсиллатиб ўйнайди.

Уларга етти ўғил, етти қиз тилашади. Тўйга етказсин яратган эгам, деб алқаб туришади.



# Топқирлик машқи

Навбат — қизалоқларга. Тортиниб, какарлаб, дикирлаб, бошларини сарак-сарак қилиб, улоқчадай сакрашади қизалоқлар. Мен ҳам ўртага тушаман. Чит кўйлакчадаман, оёғимдаги эски кавушчамдан ҳижолат бўлиб тураман. Кейин қулочларимни ёйиб қалдирғочдай чарх уриб кетаман. Бармоқчаларим учидан нур таралиб, кўнглимга қуюла бошлайди. Вой-бў! Бармоқларимда тилла узуклар ярақлай бошлайди. Читтигуллик кўйлагим зар либосга айланади. Кавушчам ҳам ярқиллайди. Нимчаларимнинг садаф тугмалари нуқрага айланади. Ер — гулзор. Осмон нур салтанати.

*Нуқра тошу нуқра тош,  
Шу қизгина қаламқош,  
Кулчанинг седонаси,  
Қизларнинг дурдонаси,  
Ҳо майда, майда,  
Истарала майда-майда!*

Тўйхона — орзухонага айланар. Қиз-жувонлар фаришталардай нурга чулганар. Сопол косалар, пиёла заррин, биллури идишларга айланар. Дастурхонларда — минг турли мевалар. Ҳашам ва зару зеварга ботган тўйхонада парилар базми давом этар...


*Арчади-ё, арчади,  
Дойрадастим чарчади...*

Чилдирма садолари тинади. Етти қават осмондан яна палос ёзилган ерга тушаман. Ҳайрат ва таажжуб ила эғнимга тикиламан: сизилибгина кетган чит кўйлак. Ранги оқариб қолган эски кавушча. Қора кўрак чувийвериб, ёрилиб кетган бармоқчаларимга қараб йиғлагим келади. Шоҳи-атласга беланган дугонам онаси билан ичкари уйда. Мен эса чит кўрпачанинг бир учиди омонатгина ўтираман. Хаёл, орзу оламидан қушдай учиб, вижирлаб ерга тушган чумчуқчадай ғарибгина кўринаман. Хўрсиниқ келади. Узимни босаман. Зардўзи дўппи, бахмал нимчалар кийгим келади.

Молу давлат ҳам топдим. Орауларим ушалди. Зар-зеварга ботиш мумкин экан. Лекин болаликнинг у беғубор дамларини, байрамларини, мусаффо кунларини ҳеч бир бойликка алишиб, ҳеч бир хазинага сотиб олиб бўлмас экан.

Йироқ-йироқлардан хаёллар аро, тушлар аро майин бир. кўшиқ қулоғимда янрай бошлади:

*Шўралар, шўралар, дейман-е,  
Оёғима ўралар дейман-о!  
Энди бизлар кетамиз, дейман-о,  
Яхши қолинг, жўралар, дейман-о!  
Болаликнинг бу гўзал шеъри мени  
Бўстон қишлоғим боғларига чорлайди.  
Мен у куйни унутмасликка ҳаракат  
қиламан, унутсам оёғим ердан узилган-  
дек туюлади.*



Аввал Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг қуйида келтирилган шеърий мисраларида рақамлар билан яширилган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг. Сўнг жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаш-тирсангиз, шоирнинг тўртликларидан бирини билиб оласиз.

## 1. "Она" шеъридан:

*Она қимматини таърифлаш учун  
Сўзлар хазинасин мулки етмайди.  
Ҳаётимни 12, 2, 20, 23 этаман дейман,  
Бу кичик жонимнинг ўзи етмайди.*

## 2. Тўртлик:

*"Дунёда қолдим кўрмаган нарсам!..  
Кўрдим деб гердайма, не кўрибсан кам.  
Бир одам кўнглини овлай олдингми,  
Инсоннинг қалбидан борми 7, 10, 1, 9 олам!*

## 3. "Шеърим ҳақида":

*Менинг дўстим — ўқувчим, халқим,  
Шеърим 18, 2, 21, 25, 11, 4 бўлса, шу бахтим!*

## 4. "Зарралар"дан:

*Йўлин топиб сингган 15, 26, 18, 22, 3 ҳам гоҳо  
Ўтирган-ку 16, 11, 8, 7 кўприкларни ҳам.  
Кичикни менсимай қараймиз, аммо  
Заррадан яралган эмасми олам.*

## 5. "Карвон" шеъридан:

*Ишонч, меҳнат қачон 13, 14, 4, 20, 26, 17 бўларкан,  
Ҳамиша ниятга етади инсон.  
Бунга ўзинг 18, 3, 5, 26, 4, эй азиз ўлкам,  
Бугун манзилига етишди карвон.*

## 6. Сонетдан:

*Халқ — бойлигу Ватан — 24, 2, 19, 3, 1, 2  
Мен посбон. Бу ноёб касб.  
Хоҳ тун бўлсин кўраман, босиб  
Душман кирса бўлиб 16, 3, 6 игна.*

**Фозилжон ОРИПОВ тузган.**



Муҳаммад Исмоил

## ЎЗГА ОЛАМЛАРДА БЎЛСА ВАТАНИНГ...

Муҳаммад Исмоил 1964 йили Сирдарё вилоятининг Ховос туманида туғилган. Тошкент дорилфунуни журналистика бўлимини 1986 йилда битирган. Эркин ижодкор. "Тазарру сводати" номли илк китоби (1991 й.) нашр қилинган.

Муҳаммад Исмоилнинг шеърларида ҳислар ўйини нозик бир тебранишларда ўз исёнини намоён қилади. Мушоҳадаларга ўралган гўзал ўхшатишларида эса буюк эътиқод йўлида камарбасталик бўртиб кўзга ташланади.

*Қадрли шеърят мухлислари!*

*Ўзбек адабиёти ҳамишагидек ҳозир ҳам истеъдодларга бой. Буни тўлқин уриб шеърятга кириб келаётган кенжа авлод вакилларининг дадил, ўзига хос турфа овозлари мавжи ҳам тасдиқлайди. Журналимиз саҳифаларида уларга янада кенгроқ ўрин бериш ниятида "Ўзбек шеъряти навқирон авлоди вакиллари" рукнини очмоқдамиз. Ишонамизки, бу рукн остида ижодининг рангин қирралари жамлангувчи шоирларнинг назмий гулшани Сизга маъқул келади ва ижодларини баҳолашда бирқабар тўлиқ тасавур беради.*

*Биринчи меҳмонимиз — ёш шоир Муҳаммад Исмоил.*

Бас, аврама сархушлик тилаб,  
ташлаб кетгил ташна кишини —  
— иссиқ тафтинг билан қалтираб,  
адашган ёввойи жисмини.

Жонга ҳоким бўлгандек ўлим  
Севги сен ҳам ҳокимсан, аммо  
Айт, кимларни севмади кўнглим,  
Айт, тобора увлар бемаъно.

Қўй, ўйнама тўймагай билки,  
Мангу собит куч бор дунёда.  
Илоҳий яралган кўнглини,  
Айирмоқ мумкинми худодан.

Қўйгин висол, қўй дайди қуюн  
Билмам сени қай руҳ қўллаган.  
Энди сенга қўйилмоқ учун  
Худодан қўрқаман, қўрқаман.

Ўзга сайёрадан келган бу юрак,  
Ўзга оламлардан келгандир бу жон.  
Ўзга оламларда бўлса ватанинг,  
Ўзга оламларда бўлса муҳаббат.

Мана шу тупроқ деб, шу ҳаётни деб  
Алдансанг бир умр, алдансанг фақат.  
Ўзингни қўймоққа жой тополмасанг,  
Кўкда бўлса ўзинг излаган ватан

Кишан бўлса замин, сен тонолмаган  
Умринг, келар кунинг бўлса гар кишан.  
Бугун кетмоқликни истайсан, аммо  
Шаҳид бўлолмайсан, эмассан ғозий.

Мен яшаб чарчадим.  
 Чарчадим, чарчаб.  
 Жондан тўйдим судралган сари.  
 Тўйди жоним судраган сари.  
 Қутулолмас ўзидан жоним.  
 Қутулолмас, англайверар у.  
 Қутулолмас тушунавверар  
 Ҳаёт шундай эканлигини,  
 ҳаёт кунда эканлигини,  
 минг бор чопилиб унда  
 тушунавверар,  
 қутулолмас.

### ҚУТҚУ

Юрак сингар балки йўқликка,  
 балки бордир виждони, кўзи?  
 Шўриш сени қувар тўсиққа,  
 қутқу солар ҳурлик туйғуси.  
 Алдамоққа қантарилган қалб,  
 сен бахтсиз умр — муддати улкан.  
 Қисқа бахтлар қаърига қулаб,  
 гўё ҳаво етмаган гулхан.  
 Юрак нима топмоқни билмас,  
 тўймас шунча топганига ҳам.  
 Туман каби у ерга қўнар,  
 истар олиб кетмоқни ҳамдам.

*Шоир бу дунёдаги барча йўллар орасидан машаққат ва изтироб йўлини танлайди. Чунки, у ўз қалбига маҳкумдир. Унинг учун энг катта ҳақиқат ҳам илоҳ тухфаси бўлган қалбдир.*

*Шоир ўз юрагини, иймон, эътиқод, энг пок туйғулар билан тўлдириб борсагина барча дунёвий ҳалокатлар устидан руҳан ғолиб чиқаверади.*

*Мен ёш шоир Муҳаммад Исмоилнинг шеърларини ўқиб, адабиётимизда буй кўрсатаётган янги авлод нечоғли эзгу ва юксак амалларга ҳозирланаётганига ишондим. Ва ёруғ умидлар билан тўлиб тошган бу ёш қалбни ўз қалбимнинг қавмидан эканлигини ҳис қилдим.*

*Мен Муҳаммаднинг шеърларида қалб бутунлигини, иймон эркинлигини, эътиқод софлигини кўрдим. Энг муҳими, бу шеърлар ўзини ҳам, бировни ҳам алдамайди.*

*Инсон тирикчилигининг маънисини ҳам, файзини ҳам кўнгил илҳомидир. Зеро, дил аралашмаган ҳар қандай иш оқибатсиз бўлади.*

*Илоё, эзгу умидлар билан қўлига қалам олган ҳар бир шоирнинг юзи элу юрти олдида ҳаминша ёруғ бўлсин.*

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

### Шоир билан мулоқотдан:

— Авваллари ёш ижодкор бўйнида ижод масъулиятигина бор эди. Энди у оддий бир инсон эканлигини ҳам тушунди. Энди у, ёзган нарсалари тавҳид бўлмаса, унинг ижодини тасдиқлаган барча ўқувчиларнинг гуноҳи ўз бўйнига тушишини билади.

Яхши ҳаёт учун курашиш йўли битта. У минг йиллар аввал аниқ кўрсатилган. Агар ўша йўлдан заррача оғишилса, ҳаракатлар зое кетаверади. Шу жумладан адибнинг ҳам йўли.

Адиб ҳаммавақт оммавий бўлиши шарт эмас. Энг улуг даъват махфий бошланган эди...

— Муҳаммад, ҳозир сиз ёш ижодкор олдидаги ижод масъулияти ҳақида гапириб ўзингиз севган эътиқод залворини эслатдингиз. Лекин шоирлик кўпинча тушуниксиз муҳаббат можаролари ордидан эргашади, нимадир топмоққа уринади. Нега шундай?

— Муҳаббат можароси — XX аср кашфиёти бўлди. Ҳеч қайси бир асрда бу можаро ҳозиргидек оммавийлашмаган, ўзаро муҳаббатга бу қадар ишонишмаган, у бу қадар қаттиқ, қулоқни батанг қиладиган мавқеда куйланмаган, кундалик эрмак даражасига айланмаган эди. Муҳаббат бу -англаб бўлмайдиган, лекин инсон ўз ор-номусини ўртага гаров қилиб қўядиган, бир жиҳатдан инсонни қадр-қимматини белгилайдиган, бошқа жиҳатдан эса унинг бутун тақвосини йўқ қиладиган ва дунё орзу-ҳавасларининг, армонларининг пойтахти бўлган жараёндир. Унинг домига йиқилганларнинг кичкина қайғусидан катта фожеа талвасасини, табассумдан эса айш қаҳқаҳасини ясайдилар. Ошиқлар деярли шоирга ўхшаб қоладилар. Шоирларга эргашганлар адашурлар дейилганидек, маънавий ҳаётимизда муҳаббат мавзуга бу қадар кенг ўрин берилиши, ҳарқалай адашишдан бошқа яна нима бўлиши мумкин ёхуд адашганларга ўрин берилишидан бошқа нарса эмас. Ҳарқалай, кишилар бугунги кунда кечаги ғоялар билан қаноатланишни бас қилди. Одамлар хат ўрганиш даврига эмас, хатдаги мантиқни ўрганиш даврига келди. Мантиқ эса бу — нур, ҳидоят нури. Мантиқ бошида турганларни эса — зиёлийлар дейишади.

— Қизиқ... Одам муҳаббат туфайли зиёлий бўла оладими?

— Ҳа, зиёлий бўлиши мумкин, фақат бу кимни севишга боғлиқ.

— Зиёлий деганда-чи, кимни тушинасиз?

— Илм-маърифатли одамни. Лекин бугунги кунда бу сифатлар зиёлий одам учун камлик қилади. Чунки илму-маърифат дунё миқёсида умумлашмоқда. Авваллари Шарқ илми билан ҳам ҳар қандай одамни зиёлий дейишга асос етарли эди. Энди у одам Ғарб илмини ҳам ўрганиши, ўз илмининг илғорлигини кўрсатиши керак. Бугунги кунда фақат илғор фикрли кишиларнигина зиёлий дейишмоқда. Қолаверса, илму-маърифат дунё миқёсидаги сиёсат билан чамбарчас боғланиб кетди. Энди сиёсатни ўрганмасликнинг иложи йўқ. Бугун битта илми эгаллаган одам, агар уни ер юзининг минглаб илмлари билан тўлдирмаса, қувват учун ёки ҳимоя учун тайёр турмаса ғофилу ожиз бўлиб қолаверади. Ер юзи бино бўлганидан буён ғоясиз маданиятнинг — фикрсиз, ҳиссиз маданиятнинг ўзи йўқ. Санъатни ҳам, адабиётни ҳам соф ҳолатда кўриш мумкин эмас, айниқса, бизнинг асримизда.



Мавлуда Иброҳимова

## БИЛЛУР БОҒДАГИ УЧРАШУВ

Ҳикоя

Мавлуда Иброҳимова наср жанрида қалам тебратётган умидли ёшлар сирасига киради. У Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётида таълим олган. "Рухсиз одамлар" ва "Илмус сайёрасига ғалати сафар" китоблари муаллифи. "Сирли олам" ойномаси таҳририятида хизмат қилаётир.

Муаллиф дейдики:

*Кечаги салбий ва ижобий образларга бўлинган адабиётимиз энди ўта жўн туюлмоқда. Уларни ҳатто ўқигингиз ҳам келмайди. Шу кунга қадар, адабиётнинг вазифаси тарбия, деб нотўғри талқин этиб келдик. Зотан, бу тарбия ахлоқий эмас, балки идрок ва тафаккур тарбияси эди. Асарларда ҳам энг муҳими қаламга олинган мавзу ёки воқеалар эмас, балки ижодкорнинг оламни ўзига хос ҳис этишидир. Асар орқали биз ҳам оламни унинг кўзлари ила кўрамиз ва ўзимизга керакли хулоса чиқарамиз. Биз ҳамиша бир саволга жавоб излаймиз: яшайдан мақсад нима? Фалсафийми, динийми, барча китобларда яшайдан мақсад бу оламни тушуниш ва ўзликни англаш дея қайд этилган. Оламни англаган ўзлигини ҳам англайди, ўзлигини англаган инсон худони англайди, деб ёзилган уларда. Ўзликни англашнинг энг қисқа ва маъқул йўли бу адабиётдир. Фақат адабиётнинг ўзи ҳам талаб даражасида бўлиши зарур.*

Мен уни дам олиш уйида учратганим. Қўлида ҳамиша китоб, нигоҳлари маҳзун, кўринишидан одамови кишига ўхшарди у. Қоп-қора кўзлари оппоқ чеҳрасида икки томчи сиёҳдай ажралиб турар, унинг қандайдир бошқача одамлигини таъкидлаётгандек бўларди. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нима билан иши йўқ эди. Одатда, уни ошхонада кўрардим. У истар-истамас овқатини ер, кўпинча бемаъно нигоҳи тоғу тошга қадалганча қолар, кейин кутилмаганда овқатни ҳам унутиб, ташқарига чиқиб кетарди. Ошхонага нима мақсадда келганига тушунмасдингиз. Уни ҳар сафар кўрганимда танишиб олишни кўнглимга тугар, аммо ҳеч фурсати келмасди танишишнинг. Дам олиш уйида у ҳам, мен ҳам ёлғиз эдик.

У менга кимнидир эслатарди. Ҳа, дарвоқе, у худди китоб қаҳрамонларига ўхшарди. Сипо ва кўркем чеҳрасидан бирон қусур тополмасдингиз. Ҳатто ҳаракатларигача тартибли, чамаланган. Унинг бошқачалигини фақат менгина ҳис қилардим. Аммо мен ҳам баъзи-баъзида уни унутиб қўяр, фақат ошхонада оппоқ чеҳрасини кўриб яна ёдимга тушарди.

Бир куни айвончага чиқиб хуш ҳавода дам олаётганим, уни кўриб қолдим. У билан шундоққина қўшни эканмиз. Шу сабаб бўлдими, кўп ўтмай иккимиз танишиб ҳам олдик. Ҳақиқатдан ғалати одам экан у. Замонни ҳис қилмасди. Унда вақт, давр деган тушунчалар умуман ўлганди. У китоблар оламига шу қадар шўнғиб кетгандики, бўлак тўкис дунё йўқ эди унинг учун! Ким билади, балки рости билан шундайдир. Китоб ҳаётий эмас, ҳаёт китобий бўлиши керакдир?!

Унинг кўзларига, чеҳрасидай ғамгин, донишманднамо кўзларига тик қаролмасдингиз. Гўё бир қарашда у сиз ҳақингиздаги бор ҳақиқатни илғаб олаётгандай туюлар эди.

Илк учрашув чоғи чамамда у китоблар ҳақида гапирди, узоқ гапирди. Аммо мен ношуд ҳеч нарсага тушунмадим. Буни жуда истасам-да, бутун вужудим қулоққа айланиб, у айтаётган ҳар сўзни илиб олишга уринсам-да, бари бир, иборалар маъносини англолмадим. Фаромуш хаёлимдай сўзлар мазмуни ҳам парчаланиб-парчаланиб кетарди. У тўсатдан бир нима ёдига тушгандай сариқ жилдли китобга ишора қилди.

— Манави, жуда ғалати китоб экан, — деди у ҳайратга тушган қиёфада. — Ҳар сафар ўқиганимда воқеалар ўзгариб кетаверади. Китоб эса битта, саҳифалар ҳам ўша-ўша, аммо воқеалар ўзгараверади. Ҳар гал аввалгисини топаман, деб қайта ўқийман, аммо ҳеч тополмайман. Бир-иккита янги қаҳрамон пайдо бўлади-ю, тамом, ҳаммаси яна қайтадан бошланади. Бу китобни олтинчи марта ўқияпман. Лекин худди олтинчи асар ўқигандайман. Жуда ғалати китоб. Сиз ҳам бир ўқиб кўринг-чи!..

Китобни истамай қўлимга олдим. Унинг хонасидан ҳафсалам пир бўлиб чиқди. Энди уни ўқишга тўғри келади. Китобга кўз ташлаб қўйдим. "Биллур боғдаги учрашув" деб аталарди у. Очиғи, китоб ўқишни ўлгудай ёмон кўраман. Чумолидай ҳарфлардан юрагим сиқилади. Қоғоздаги ёзувдан кўра тирик табиатга тикилган маъқул эмасми?! Ўқий олсангиз табиатнинг ўзи ҳам китоб! Том-том китоб! Айниқса, бир пиёла чойни эрмак қилиб, оромкурсига ястанганча тоғларга тикилиш, шом пайти зарҳал осмонни кузатиш қанчалар завқли, ҳузурбахш! Китоб эса...

Аммо барибир, ҳалиги танишимни китобсиз тасаввур қилгим келарди. Унга негадир ачинардим. Назаримда, у бу дунё неъматларидан бебаҳра қолаётгандай, уйдаи-уйдай китоблардаги муаммолар уни босиб ётгандек туюларди. Зотан, у ҳам мен тўғримда худди шундай ўйлашга ва менга ачинишга юз фоиз ҳақли эди. Менинг ўзим каби тўрт девор орасида қолган мулоҳазаларим, унинг назарида, эҳтимол, ночор, ўта ғариб туюлар.

Бир куни у қимтинганча хонамга кириб келди. Унинг кўзлари порлар, кайфияти аъло эди. "Ҳартугул, оддий одамга ўхшайдиган жиҳатлари ҳам бор экан-ку!", дедим ўзимга ўзим. Унинг қарашлари қандайдир сирли эди. Буни қандай изоҳлашга ҳам ҳайронман. Нигоҳлари паришон бўлиб турарди-да, кўзлари бирдан ўтдек чақнарди. Аммо бу ҳолат бир лаҳзагина давом этар, сўнг кўзларидаги ёниқ ифода туйқус сўниб қоларди. Бу ғайритабиий нигоҳни фақат хаёлан тиклай олардингиз, холос. Чунки бошқа такрорланмасди у.

— Қалай, анави китобни ўқияпсизми? — кулимсираб сўради у. Унинг табассуми ҳам ғалати эди. Шу вақтгача ҳеч кимда учратмаганман бунақасини. Уни юракни эзадиган, дардли табассум дея изоҳлаш мумкин дир балки.

— Ҳа, — дедим мен.

— Қайси жойига келдингиз?

Ёлгоннинг миси чиқди. "Энди нима дейман?" Шартта кўзим тушган жойни айтиб юбордим.

— Ҳалиги... анави... Муҳаммад билан Фуҳайранинг биллур боғдаги учрашув жойини

ўқияпман.

— Ҳа, бир умрга ажрашгани учрашишади улар. Муҳаллад қизнинг хоинларча отиб ташлашини билмайди. Қиз ўзини Офиат Отинлар сирасига киритади. Эътибор қилдингизми, улар бежиз биллур боғда учрашишмаган. Адиб шу ўринда мусаффолик ва айни чоғда совуқ ва тафтсиз гўзалликни тасвирламоқчи бўлган. Ҳақиқатан, китобнинг биринчи қисми... йўғ-э, кўрдингизми, мен ҳам янглишяпман. Китобдан олган илк таассуротингиз шунақа бўлади. Аммо уни иккинчи бор ўқиганингизда маъно бутунлай ўзгариб кетади.

Суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Унинг хаёли паришон, худди бир жойга шошаётгандай бетоқат бўларди. Китоб ўқишга ошиқаётгани аниқ. Аммо унинг кўпроқ қолишини истардим. Чунки у мен учун деярли ўзга олам вакили эди. Мен шу вақтгача билмаган ва ҳатто қизиқмаган ўзгача дунё фуқароси эди у. Шу сабаб ҳам кейинги пайтда суҳбатимиз чўзилиб кетар ва ҳар сафар қайсидир асосий гап айтилмай қолаётгандай туюларди.

У кетди. У кетиши билан сариқ жилдли китобни қўлга олдим. Ҳамма китобга ўхшаган оддий китоб. Саҳифалари сарғиш арзон қоғозга босилган. Аммо унда на босмаҳона ва на китобни чиқарган нашриётнинг белгиси бор эди. Ҳатто нашр этилган йили ҳам қайд этилмаган эди. Битта-яримта хусусий босмаҳонада чоп этилган-ов. Ҳозир бунақа босмаҳоналар сон мингта-ку.

Аммо китобни ўқимадим. Чунки тушлик вақти бўлганди. Авваллари тушдан кейин чўмилгани анҳор бўйига тушар ёки қўшни дам олувчилар билан теннис ўйнагани чиқардим. Бу сафар эса ўзим ҳам пайқаммаган тарзда хонамга шошилаётгандим. Нега эканини тушунмасдим. Худди биров судрагандек хонамга келиб қолдим. Қўлим ўз-ўзидан китоб томон чўзилди. Аста биринчи варақни очдим ва... у ёғи кетаверди. Сатрлар, саҳифалар алмашаверди, алмашаверди. Муҳаллад, Муҳаллад. Оппоққина, кўзлари кишига меҳрли боқадиган қизлардай юмшоққўнғил йигит. У қизни инсофга чақирмоқчи бўлади, аммо... умуман олганда, қизни инсофга чақириб бўлмас энди. У эса буни тушунмайди. Муҳаллад бўлатуриб тушунмайди.

Кутилмаганда китоб ўқишга жуда қийнала бошладим. Негадир ҳарфлар кўринмай қолди. Сабабини билолмай ҳайронман денг. Шунда ҳам китобдан бош кўтаргим келмасди. Ахийри кўзим қум тўлгандек ачишавергач, ундан ажралишга мажбур бўлдим. Қарасам, атроф зимистон, юлдузлар чарақлаб кетганди. Хуллас, кечки таомдан ҳам қуруқ қолган, вақт ҳам алламаҳал бўлганди.

Тоғ ҳавоси эмасми, қорним чунонам очикқандики, асти қўяверасиз. Гортмани титкилаб қотган нон билан битта попук топдим. Нонни қарсиллатиб еб, устидан қултилатиб сув ичдим. Попукни шимганча ухлаб қолибман. Ҳатто ечинмабман ҳам. "Ляънати, ўша китобни иккинчи қўлга олганим бўлсин!"

Эрталаб нонуштага шошилдим. "Яхшилаб тамадди қиламан-да, қўшнилар билан чўмилгани

бораман, тушдан кейин теннис!" — ўзимча кунни режалаштирган бўлдим. Кетаётиб кичик стол устида турган сариқ жилдли китобга бир қараб қўйдим. "Икки дунёда ҳам қўлимга олмайман. Бугуноқ эгасига қайтариб бераман!"

Нонушта пайтида танишим менга қараб жилмайиб қўйди. Мен ҳам им қоқиб саломлашган бўлдим. Аммо китоб ҳақида оғиз очмадим.

Қизиқ, чўмилгани бормоқчи бўлган одам, айлана-айлана қандоқ хонамга қайтиб келганимни билмайман. Истар-истамас китобга қўл чўздим. Чунки билардим, агар уни қўлга олсам, тамом, ундан қайтиб узилолмайман! Икки дунёда ҳам! Қандайдир ички сезги билан ҳис этиб турардим буни. Афсуски, ҳаммаси ўйлаганимдек кечди: яна китобга муккамдан кетдим. Асар ичида яшай бошладим десам, тўғрироқ бўлар. Эртаю кеч китоб ўқир, кўчага эса мажбуран, ошхонага бориш учун чиқардим. Овқат еб туриб ҳам хаёлим қаҳрамонларимда бўларди. Улар мени китоб ичра илҳақ бўлиб кутаётгандай туюларди. Улар билан учрашишимни эслаб, юрагим ёқимли қалқиб қўярди. Одатимга кўра, бу сафар ҳам овқатни апил-тапил едиму хонамга шошилдим. Келган жойимдан берилиб ўқишга тушдим. Қизиги шундаки, асарнинг иккинчи қисмида, тфу, уни иккинчи бор ўқиганимда, қаҳрамонлар ўрни алмашди. Муҳаллад билан Фуҳайра умуман нотаниш кимса бўлиб чиқди. Фуҳайра бу сафар оддий қиз сифатида иштирок этди. Унинг севгилиси эса муҳаллад эмас, қандайдир Суҳроб эди. Аммо асарнинг ниҳояланиши бир хил. Фуҳайра бари бир Муҳалладни ўлдирди. Қизнинг нега шунақа қилганини тушунолмай қолдим. Ўзини ҳимоя қилиш учунми ёки Суҳробни дор остидан сақлаб қолганими?!

Тоғларга тикилганча узоқ ўйга толдим. Назаримда, умрим бекор ўтгандай, бекор ўтаётгандай туюлди менга. Гўё шу вақтгача арзимас ташвишларга ўралашиб, ҳаётнинг асл мазмунини унутиб юборгандек эдим.

Зотан, уни ҳаммамиз унутганмиз. Мана, Суҳробни олайлик...

Тўхта, тўхта-чи?! Ахир, китобда янги қаҳрамон пайдо бўлди-ку! Суҳроб аввалги асарда йўқ эди. Тфу! Яна асар дейман-а, асар эмас, олдинги воқеаларда Суҳробнинг "С" ҳарфи ҳам йўқ эди. У қаёқдан пайдо бўлдийкин? Китобга тикилганча танг қолдим. Уни шоша-пиша қайта варақлай бошладим. Саҳифаларни ҳижжалаб ўқиб чиқдим. Китобни ёпиб қайта очдим-да, яна ўқишга тушдим. Аммо биринчи воқеалар тизимини умуман тополмадим. Бироқ учинчиси ҳам ҳали бошланмаганди. Иккинчи тизим тугамагунча, учинчиси бошланмаса керак-да! Китобни қўлга олиб у ёқ-бу ёғини айлантриб кўрдим. Аммо... бу сўзлар ўйиними, техник аралашувими, бари бир, билолмадим. Ҳар қалай



қандайдир сўз ўйини бўлиши керак. Муаллиф шундай сўзлар қўллаганки, ҳар сафар мазмунни ўзгартириш мумкин бўлган. Масалан, Суҳроб, Робия, Борий, Рия, Риёзат, Иззат ва ҳоказо дегандай. Шаклдош сўзлардан ҳам усталик билан фойдаланган. Бир гапнинг ўзида икки-учта шаклдош сўз қатнашган. Аммо, бари бир, бутун бошли китобнинг ўзгариши, қаҳрамонларнинг қўшилиши ҳеч ақлга сиғмасди.

Негадир китоб эгаси билан гаплашгим келиб қолди. Таассуротларим шу қадар бедарвоза эдики... Китобни деб уни ҳам унутиб юборибман-а?! Бутундай. Ҳатто ошхонада ҳам уни қидирмасдим. Чунки тамадди қилатуриб, ўқиганларимнинг мағзини чақардим. Бунга бўлак вақтим ҳам йўқ эди-да! Бир куни ундан хабар олгани отландим. Кўнглим тўла таассурот.

У ёнбошлаганча берилиб нимадир ўқирди.

— Жуда ғалати китоб-ку! — дедим ҳайратимни яширолмай. — Бу сафар Гулёр деган қаҳрамон пайдо бўлди.

— Гулёр билан Абдуллоҳми?

— Ҳа, — тасдиқладими унга савол назари билан тикиларканман. — Қаёқдан билдингиз?

— Ўқиганман-ку! Бунинг устига воқеалар чуваллашиб кетмасин деб ёзиб боряпман. Атайлаб!

— Яна шу китобни ўқиясизми? Сизда бу китобдан иккитами, дейман?

— Ҳа. Биттасини амаким берганлар. Китобга қизиқишимни билардилар-да! Қўшнилардан олган эканлар. Қўшнилари ёзувчими, мухбирми бўлган. Жуда ғалати одам эди. Эртаю кеч уйда биқиниб ўтирар, ҳеч кимга қўшилмасди. Худди тиланчилардек жулдувроқи кийимда юрарди. Қачон қарасангиз, чироғи ёниқ бўларди.

— Ўлганми ўша ёзувчи?

— Бедарак кетганига анча бўлди. Қариндош-уруғи йўқ эканми, нарсаларини одамлар ташиб кетган. Амакимга шу китоб теккан экан.

— Иккинчи китоб-чи?

— Иккинчисини шу ердан топдим. Ҳадеб бир хил китоб ўқийвераманми, бошқа китоб оламан, деган ниятда китоб дўконига боргандим. Пештахталар орасидан чиқди. Иккаласини солиштириб кўрай деб олдим. Ҳалигача ўқиб ётибман.

— Хўш, хўш?

— Аммо, бари бир, биринчи ўқиган нарсамни тополмадим.

— Ўқиганингиз билан бир хил чиқдими уям?

— Афсуски, шундай.

Ўша куни қўшним билан бирга овқатлангани бордик.

Битта асар ўқиган одамларни ҳеч кузатганмисиз?! Улар руҳиятида қандайдир ўхшашлик, ҳамоҳанглик бўлади. Чунки китобдан олган таассурот, хаёллар бир-бирига яқин-да! Бизда

эса бу нарса сезилмасди. На у ва на мен китоб ҳақида чурқ этиб оғиз очдик. У ўзича чуқур хаёлга толган. Мен ўзимча... Ҳатто нега бирга овқатланаётганимиз ҳам тушунарсиз эди. Аммо бир нарсада ўхшаш томонимиз бор: ошхонада иккимизгина ҳаммадан ажралиб турардик, иккимизгина борлиқдан ажралиб қолгандик.

Қайтдик. Қайтаётиб бир-биримизга хайр, дедик, холос. Бошқа гап гапирилмади. Чунки у ҳам, мен ҳам шошаётгандик. Мақсадимиз бир эди. Китоб ўқишни давом эттириш!

Энди ўқишга муккамдан кетдим. Худди оч юҳодай сатрларни ямламай юта бошладим. Ҳеч нимани эшитишни хоҳламас, ҳатто тушликка чиқишга ҳам вақтимни қизганардим. Мен емас, ичмас, ухламасдим. Кўзларим қизариб, заъфарон юзимни тўр-тўр ажин босгани аниқ. Хуллас, ойнага қараб ақлдан озишдан чўчирдим. Шу боис ойнага қарамасдим. Энди мени китобнинг эгаси ҳам қизиқтирмай қўйганди. Баъзан бошим ғовлаб бир зумгина тин олиш учун китобни ёпардим. Тоғларга қараганча тик қолардим. Ўша дам, ҳақиқатан, мен ўзга оламини кашф қилаётгандим. Бироқ, у ҳақиқатан биллур боғга ўхшарди. Чиройли, бироқ тафтсиз. Бу боғнинг нсонларга ҳеч қандай даҳли йўқдай эди. Баъзан: "У илоҳий китоб, илоҳий!" деб даҳшатга тушардим. Шундагина: "Бошқа ўқимайман, ўқимайман!" дея ўзимга сўз берар, аммо ҳеч бунинг уддасидан чиқолмасдим. Бари бир, уни қайта очишга журъат этардим. Китоб эса ҳеч қачон тугатмайдиганга, уни ўқиб тугатишга умрим етмайдиганга ўхшарди.

Яна уни эсладим. Учрашганимизга уч-тўрт кун бўлиб қолганди, унинг дам олиш муддати тугаётганди. "Китобни қайтариш керакдир!" — ўйладим мен. Аммо ниятим бирон баҳона топиб китобни олиб қолиш эди.

У билан учрашдик. У қандайдир сархуш, хаёлчан ўтирарди. Шу ўтириши кетар жафосидай туюлди менга. Уйга эмас, қаёққадир... йўқликка. Шунинг учун ҳам унинг кўз қараши чўчитди мени. Ҳиссиз нигоҳлари симобдай оғир. "Китобни ўқиб тугатганмикан? Наҳотки бунинг иложи бўлса?!"

— Ўқиб бўлдингизми? — ҳайратланиб сўрадим ундан.

— Тугатгандайман. Мен ҳаммасига тушундим.

— Нимага тушундингиз?

— Оддий китоб эмас у. Шунинг ҳеч сездингизми? Шу китобни ўқидиму у ёғига яшашнинг маъноси йўқдай туюлиб қолди. Чунки ҳаётимда нималар бўлишини олдиндан биладигандайман. Шу боис ҳам бу дунёда иккинчи марта яшаётганга ўхшайман.

— Охирги сафар ҳам Фуҳайра Муҳалладни ўлдирдимми?

— Ҳа.

— Нега?

— Ҳаёт шундай тузилган. Аслида, бундоқ чуқур ўйлаб қарасангиз, ҳаммамиз бир-биримизга ажал келтирарканмиз. Бу дунё аввал бошдан емирилиш, чириш, ёниш асосига қурилган-ку, ахир! Биз эса қандайдир саробларга ишониб яшаймиз. Уларнинг сароблигини билгач эса, ҳаёт тамом бўлади, биз учун.

Аммо ҳамма ҳам саробларнинг тагига етолмайди. Етганлар эса... ё ўз жонига қасд қилади, ё жинни бўлади, ёки мудҳиш ёзувчига айланади.

Китобни мутолаа қилаётиб ғалати туш кўрдим. Оғайниларим билан дам олгани чиққанмишмиз. Шунда уларнинг биттаси бизни ажал қиёфасида қувлай кетибди. Биз ундан чўчисак-да, ҳеч қочгани шошилмасмишмиз. Чунки, "шундай бўлиши керак, шундай бўлиши керак!" деб ўйлармишмиз. Тавба, жуда ғалати туш...

У чарчаб ҳолдан тойган кимсадай букчайиб ўтирар, қаддини ростлагани мадори етмасди гўё. Кўзлари хира тортган, уйқуси келаётгандай чўзиб-чўзиб гапирарди. Ҳаётдан жуда зериккан, одамни чўчитадиган даражада лоқайд бўлиб қолганди. Назаримда, унинг ичи бўшаб, қоғоздай, қушдай енгил бир нарсага айланганди.

Қизиғи, у ортиқ ҳеч нима демай, ўша алпозда ухлаб қолди. Эшигини аста ёпиб чиқиб кетдим. Китобни сўраш умуман ёдимдан кўтарилибди.

Хонамга келиб ҳам анча пайтгача ухлолмай, у ҳақда ўйлаб ётдим. У нега ўзгариб қолганини ҳеч билолмасдим.

Эртаси нонуштага кетаётиб, унинг эшигини тақиллатдим. Аммо ҳеч ким жавоб бермади. "Кетганмикан? — ўйладим мен. — Кетса, китобни сўраб чиқарди-ку..."

Нонуштадан қайтгач, яна унинг эшигини қоқдим. У йўқ эди. Ноилож хонамга кирдим. Аммо ўтиролмадим. Негадир хонамга сиғмай кетдим. Китобга қарагим келмасди. Ўз-ўзимга минг битта баҳона тўқиб, кўчага чиқдим. Асл ниятим уни излаб топиш эди. Дам олиш уйига келган-кетганларни қайд қилувчи ҳужжатхонага кирдим. Кетганлар рўйхатидан унинг исм-шарифини изладим. Йўқ, у кетмаганди. Негадир кўнглим ёришиб кетди. "Бозорга чиққандир?!" ўз-ўзимни юпатдим мен.

Кўнглим хотиржам тортиб хонамга қайтдим. Энди китоб ўқисам ҳам бўлаверади. Аммо китоб ўқиган сайин кўрқа бошладим. Ҳозир қандайдир даҳшатли воқеа юз берадигандай, юрагимни ваҳима босарди. Зотан, ўқиётган қаҳрамоним унинг ўзгинаси эди! Аммо юмшоқкўнгли, ғамгин чехрали. Ҳатто, ҳатто унинг амакиси ҳам тасвирланганди бу китобда. Ўша ғалати ёзувчига-ча бор эди. Балки... воқеаларни шу китобдан ўқиб олиб гапиргандир у. Ўқийвердим. Унинг дам олишга отланганини ўқияпман-у, юрагим

така-пука. Мен билан танишгани ҳам бордир... Даҳшат билан китобни ёпдим... "Ўқимайман, ўқимайман!"

Хонадан отилиб чиқдим. Асар шу қадар кўрқинчли эдики... Унинг эшигини жонҳолатда баранглатиб ура бошладим. Атрофга дарров одам ёғилди. Эшикни бузиб ичкарига кирдик. Хона бўм-бўш эди. Аммо унинг кийимлари йиғиштирилмаган, оппоқ оҳори тўкилмаган кўйлаги шкафда осиглиқ турарди. Ўзи эса йўқ эди. Раҳбарият уни излашга киришди. Ҳамма ҳайрон. Мен буларга ортиқ эътибор бермай хонамга қайтдим. Кўзим китобга тушдию даҳшатдан бақариб юбораёздим. Китоб қалинлашганди, тушуняпсизми, биринчи олганимга нисбатан анча қалинлашганди. Демак, демак... китоб тирик одамлардан иборат экан-да, руҳимизни сўраб оларкан-да, у! Кўрқа-писа танамга кўз ташладим. Во, дариғ! Мен... мен... қоғоздай юпқалашиб қолгандим. Наҳот, наҳот мени ҳам китоб ютиб кетса?! Наҳот одамлар учун ҳеч нима қилолмасам?! Титроқ кўлларим билан қаёқдандир гугурт олиб чиқдим китобга ўт қўйдим. Уша дамда унинг минглаб нусхада чоп этилганини билишни истамасдим. Ҳаёт-чи, ҳаёт! Ахир унга ўт қўя олмайман-ку! Китобни ҳаётгийлиги учун ёқиш ғирт бемаънилик эмасми?! Аммо кечиккандим. Зум ўтмай лоп этиб кўзларимдан олов чиқди. Ўзим ҳам китобга қўшилиб ёна бошладим...





### Назрулло Аъзам Аҳмад

Назруллохон Аъзам Аҳмад (Аҳмедов) 1952 йил Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Фарғона политехника институтида таълим олган. Ҳозир у Қўқон шаҳар уй-жой хўжалик трестининг бошқарувчиси, ВТФ Марказий кенгаши котибидир.

Шеърлари вақтли матбуотда ёруғлик кирган. Н. Аъзам Аҳмад "Абадият дарахти" мажмуаси муаллифларидан биридир.

*Назруллохон ажойиб инсон, расмий тил билан айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси. Унинг тағин бир фазилати борки, бу жиҳат Назруллохон ҳаётини ажиб тарзда безаб туради. У яхши, самимий шеърлар ёзади. Умуман, қўқонликларнинг шеър ёзишидан кўра ёзмаслиги кишини кўпроқ ажаблантирган бўлур эди. Чунки Қўқони латиф асл шеър ошёни, зукко таъбли юртдошларимиз жамулжам бўлган мўътабар маскандир. Назруллохонни ҳам Қўқон шориларининг азалий, дилбар илҳоми қўллаб турсин. Унинг шеърларини ўқиб кўринг. Шеърят ҳамшиша эзгуликнинг даракчиси, инсон фазилатининг муҳим белгисидир.*

Абдулла ОРИПОВ

Ойдин кеча... Сой ва қиз уйғоқ.  
Сув бетида қалқиб борар ой.  
Энтикади ногаҳон қирғоқ —  
Пайдо бўлар илоҳий чирой.

Гул баданнинг тиниқ сояси  
Хижолатга солади ойни.  
Сувга сиғмас рашк ниҳояси,  
Синдиради нурли чиройни...

Зилол сувга юзларин ювар,  
Сочларини ҳидлайди ялпиз.  
Тарк этгандек узукни гавҳар  
Сув бағрига кира бошлар қиз.  
Ой-жодугар хандалар сочар,  
Қиз чўмилар кумушдек нурга.  
Зумрад мисол жамолин очар  
Айланаркан томчилар дурга...

Тонг отади осуда ва жим,  
Бағрин очар қуёшга қирғоқ.  
Гўё бунда бўлмаган ҳеч ким,  
Бу оламда гўёки сир йўқ...

Оламда боғлар кўп — гўзал, мафтункор.  
Ҳар бири ўзгача мўъжаз бир олам.  
Менга насиб этмиш бу фасли баҳор  
Сўлим бир боғ аро қўймоқлик қадам...

Аста тина бошлар қушлар сайроғи,  
Кўксимда сирғалар майин шаббода.  
Юрак гул ҳидига чўмилган чоғи  
Интизорлик тутар бир гунча бода.

Теграмда япроқлар шивирлар аста,  
Тотли бир туйғудан бўламан сархуш.  
Гул атри таралар ҳар ён оҳиста,  
Гўёки ўнгимда кўрмакдаман туш.

...На чора, ҳар нега бордир интиҳо,  
Бу сирли оғушни этажакман тарк  
Боғни олиб кетгум юрагим аро  
Аммо бу хилқатда қоладир юрак.

Тун... Ўрмон қўйнидан хўмраяр зулмат,  
Нечундир ваҳима босар юракни,  
Маънос шивирлайди мўйсафид дарахт  
Оятдай ардоқлаб эзгу тилакни.

Туннинг юрагини парчалаб ташлар  
Бойқушнинг қиличдай совуқ кулгуси.  
Ҳов унда шитирлаб қўяр қамишлар,  
Жаранглаб кетади пинҳон гул иси.

Хўрсиниб юборар қартайган кеча,  
Япроқлар силкинар майин нафасдан.  
Сочлари олариб титрайди чечак,  
Қип-қизил юраги портлар қафасда.



## Муҳтарама Туркой

*Муҳтарама Туркой бугунги ёш ўзбек-турк шеърятининг истеъдодли вакиласидир. Унинг шеърларини илк бор бундан беш йиллар муқаддам матбуотда ўқигандим, аммо эътибор бермаган эканман. "Туронгул" тўплами қўлимга тушдию бутунлай фикрим ўзгарди, мен ҳали билмаган бошқа бир шеърят, бошқача ифода усуллари, бўлакча фикрлаш йўллари, бошқача ранглар ҳам бор экан. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинким, гўзал бир дунё билан ошно бўлдим, руҳим некбин шуурларга тўлди.*

*Муҳтарама Туркойнинг шеърлари ўзи завқ дунёсидан териб олган афсонавий гуллардир. Бу гул — ТУРОН, бу гул — ВАТАН, бу гул — МУҲАББАТ, бу гул — ИЙМОН гулидир.*

## Рауф ПАРФИ

### КУТИШ

Мен Сизни зориқиб кутаман,  
Тўрғайлар ин қўяр дилимга.  
Саодат сандигин титаман,  
Хазонлар илашар қўлимга.

Мен Сизни зориқиб кутаман.  
Йўлларга ботади нигоҳим.  
Ўт тушган бир ёлғиз бутаман,  
Ёнаман, ўчаман... йўқ оҳим...

Мен Сизни зориқиб кутаман,  
Бешафқат ҳукмини ўқир ишқ.  
Оғуни шарбат деб ютаман,  
Жафодан мия бир тўр тўқир ишқ.

Мен Сизни зориқиб кутаман,  
Сочимни ғам силар тун бўйи.  
Чангалзор тўшагим — бўтаман,  
Бўзлайман, туганмас ишқ куйи.

Мен Сизни зориқиб кутаман,  
Оромим ўғирлар ҳулёлар.  
Оҳ, куйган юракни нетаман,  
Алдаса алдамчи дунёлар.  
Мен Сизни зориқиб кутаман...

\* \* \*

Уваланма оғриқдан юрак,  
Жоним ғамдан бўлма минг тилим.  
Тиланма тил, тилинма тилак,  
Дилдирама азобдан дилим.

Шафқат тилаш ножоиз ўрдан,  
Ёлғиз ўзинг менинг паноҳим.  
Юрак дардга жой бергин тўрдан,  
Ёрлақасин Уни Оллоҳим.

Бўлма икки ўт ичра адош,  
Соф туйғумни омон сақла, дил.  
Менга сингил бўлақол бардош,  
Тўзим тила жонгимга кел... кел!

Кўзларимдан ёғилманг дўллар,  
Орзуларим тўкилмай турун.  
Бағримдаги навниҳол гуллар,  
Косангизга қўнмасин шудринг.

Қулар яна бахт норасида,  
Ёритгай ой, Туркой йўлингни.  
Кутгин, инсоф чорраҳасида,  
Учратарсан Туронгулингни.

\* \* \*

Куйинманг сиз мандан асло  
Эртамни ўйламанг, ич-этингиз еб.  
Ўзим... ўзим ғамга харидор аммо,  
Рухсат беринг яшай, Сизсиз, Сизни деб  
Тунлар кўзингиздан қочмасин уйқу,  
Бандаи ожизмиз бўлар бўлгунча.  
Гинам йўқ, Оллоҳнинг буюргани шу,  
Бас, қурдим дилда чўғдан бир танча.  
Титмоқ нечун ўзга қалб меҳробини,  
Муҳтарама ёлғиз ўтмоқ учун шай.  
Олай десангиз гар, ишқ савобини,  
Рухсат беринг Сизсиз, Сизни деб яшай.  
Силаманг, ҳеч етим азоб сочини,  
Куз ёмгири ювсин умрим бекатин.  
Унутинг... унутинг мангу лочиним,  
Муҳаббат мулкининг маъюс бекасин.



## Мо'хигул Ўктам қизи

*Шеър кўп, шоир кам дейдиганлар ҳақ, деб ўйлайман. Боиси — шеър Аллоҳдан тортиқ этиладиган нури ҳидоят эканида.*

*Мен Бухорода туғилиб ўсган, ҳозирда ТошДДда сиртдан ўқиб, айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилаётган Мо'хигул Ўктам қизини ана шундай нури ҳидоят соҳибаси дегим келади. У шеърга, шеър унга жуда-жуда ярашади. Шоирлик унинг зуваласида, қон-қонида бор. Фақат кўз тегмаса бўлгани!*

*Шеърят томон қўйган қадамингиз хайрли, йўлингиз мунаввар бўлсин, Мо'хигул!*

## Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА

\* \* \*

Хазин япроқларнинг хазон кафтида,  
энтикиб йиғлайди оловранг титроқ.  
Маъюслик сиёҳдир кузнинг хатида:  
"оҳ, ҳали дилгача... дилгача йироқ".

Оқшом-чи, эзгин куй, маҳзун хаёлот  
бегизгин югуриб чарчайди ўйлар.  
Йиғлоқи умидни кўзларингга ёп,  
изтироб учқуни қилганда тўйлар.

Куз, йиғла-йиғлама, кетасан албат,  
ғашлик кўпригидан қулайди кўнгил,  
Майли, кўз ёшинг-ла Тскинни юпат,  
сўнг Қайғу лабрига кўнишни кўмгил...

\* \* \*

Йиғласам, умиднинг кўзи тешилди,  
азобни қамадим қўрғон дилимга.  
Минг битта оҳангдан олам эшилди,  
орзунинг оққуши қўнғач қўлимга.

Айтмадим, ҳеч кимга, кетди маддалаб,  
сирим сандиғида сепим — кўҳна дард.  
Фақат шеърларимга кўмсам майдалаб,  
мангу дўзахларда бош кўтарди Бахт.

Чақмоқлар чақнади руҳим юртида,  
ғамбулут кўзимда сўкиб чокини.  
Эртадек туюлган ўша дунёга,  
хаёлқуш ўғирлаб кетган Моҳини.

Ғамнинг чапагига солмайин қулоқ,  
кўзимга соламан содда ҳаёни.  
Бу маъюс кўзларда кўраман бироқ,  
ўзим ҳеч кўрмаган Қашқадарёни...

## Манзара

Яшил дарахтларни ечинтирар куз...  
Рауф ПАРФИ

Қовжирайди тегрангда сукут,  
япроқ — кузнинг заъфар қасами.  
Неки бўлса барини унут,  
кунлар — кўникмоқлик қадами.

Кутиш бўлса, охирги эрмак,  
дил пойига ташланар минг бор.  
Топтамагин, қўй, уни юрак  
Соғинч — дорда саланглайди хор.

Қарғаларнинг салтанатидан,  
керакмикан шунчалар куйиш.  
Япроқ ёққан сўнгги гулханда,  
қўнишади кичкина илинж.

Дил, ўкинчга қолажак кунинг,  
ва тириклик армонларига.  
Ихтиёринг эрашганда жам,  
турналарнинг карвонларига.  
Қовжирайди тегрангда сукут...



*Луқмон Бўрихон 1965 йилда Қашқадарёнинг Ғузор туманида туғилган. Аскарликда икки йил хизмат қилгач, Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1991 йилда ўқишни битириб "Постда" газетасида ишлаган. Айни пайтда тил ва адабиёт илмий текшириш институтида илмий ходим. Бир ҳикоялар тўпламининг муаллифи. Мақоласи "Ёшлик"да биринчи марта чиқмоқда.*

Луқмон Бўрихон

## Ёнғин қошидаги ўйлар

Ўтган жазирама ёз кунларининг бирида, ҳароратли оқшом маҳали Тошкент тиббиёт институти қаршисидаги кўрган кўзни қувонтирадиган қуюқ дарахтзор ловуллаб-ловуллаб ёнар; аланга баҳайбат аждаҳо сингари ваҳшат билван тўлғонар; гоҳ чор атрофга, гоҳ осмонга гуриллаб-гуриллаб ўрлар; учраган нарсаларни — ҳўлу қуруқ аралаш аёвсиз домига тортар; ҳали яшил либосини ечиб улгурмаган дов-дарахтлар, ўт-ўланлар жозиллаб-жозиллаб куяр; ёлвораётган инсоннинг сертомир қўлларидек кўкларга чўзилган шох-шаббалар ёна-ёна қарсиллаб синар; қуюқ, қоп-қора дуд шаҳар осмони бўйлаб вазмин ёйилар; ин-уялари куйиб кул бўлган қушлар нимқоронғи бўшлиқ аро чағ-чағлашиб чарх уришар; дарахтзорнинг шундоқ биқинидаги кенг кўчадан машиналар ғиз-ғиз ўтиб қайтар; бекатларда, йўлакларда ивирсиётган одамлар лоқайд бўзрайишар эди.

Мен ёнғиндан сақлаш маҳкамасига хабар етказиш учун кўча телефонини излаб, зир югурдим. Аммо умидларим пучга чиқди, бу атрофда учраган барча телефон мосламалари буткул яроқсиз ҳолда экан. Нима қилмоқ керак? Дарахтзор ҳамон гуриллаб ёнарди. Автобус кута-кута толиққан йўловчилар энди дуппа-дурст томошабинларга айланиб қолгандилар. Шу пайт аллакимнинг билангонлик билан шеригига тушунтириш бергани ногоҳ қулоғимга чалинди.

— Анавилар ёқишган, томоша учун...

Нотанишнинг изоҳидан сергакландиму тева-ракка аланглаб "анавиларни" излаб қолдим. Чиндан ҳам серқатнов йўл бўйлаб тизилиб кетган пастқам уйлардан бирининг томида ястаниб ўтириб олган тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги бир қанча тилласоч болакайлар ёнғинни ҳузурланиб

томоша қилишар, қўлларини турли ишоралар билан силкишиб, олам-олам завқ олишарди.

Болалар! Биз инсонликнинг энг маъсум, энг беғубор чоғларини болаликда деб биламиз ва ҳамиша уни эслаб, қўмсаб юрамиз. Яна бир овоздан эйтироф этамизки, энг улуғвор орзулар болалар кўнглида кезиб юради. Бироқ мен лопиллаб-лопиллаб чопар ураётган даҳшатли ёнғин қаршисида саросар турарканман, бундай баландпарвоз башоратларни кескин рад этдим.

Болалар! Ўт ёқар болалар! Қандай пайдо бўлди уларда бу хил ёвузона иштиёқ? Ўт ёқишни ёқтирган жонлар бузишга, сўйишга, осишга, зўрлашга нечун қизиқмасинлар? Болалар ўргасида жиноятчиликнинг кундан-кунга урчиб бориши балки шундандир? Бундай мудҳиш кўргуликлар наҳотки тарбия маҳсули? Балки ваҳшийлик ва ёвузлик инсон қонида азалдан оқиб юрар? Балки... балки...

Ҳа, аянчли ва чигал саволларнинг адоғи йўқ. Дарахтзор эса ҳамон гуриллаб ёнарди. Бу қўрқинчли манзара менга қирғин урушлар ҳақидаги кино лавҳаларини эслатиб турарди. Балки она сути оғзидан кетмаган анави томошасеварларнинг кўз олдида ҳам шундай даҳшатли лавҳалар жонланаётгандир? Шунинг учун ҳам завқ-шавққа, эҳтирос ва лаззатга тўлиб-тошаётгандирлар? Наҳотки уруш бугунги ёшларнинг истак-хоҳишига, қизиқишига айланиб қолган?

Биз бир умр урушга қарши курашиб келдик. Уни қаргадик, лаънатладик! Бироқ билибми-билмайми уни зимдан тарғиб ҳам қилдик. Уруш қаҳрамонлари ҳақида кинолар, бадий асарлар яратиб, қирғин-баротда, талон-ғарожда фаоллик кўрсатганларни улуғладик. Оқибатда болаларнинг мурғак вужудида марду майдонликка, ғолибликка мойиллик уйғонди. Улар ўзларининг орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун имкон ахтариб қолдилар. Худди шундан "Уруш-уруш" ўйинлари дунёга келди. Болаларга ҳамиша ғамхўр ҳукумат дўконларни ўйинчоқларга — танк, милтиқ, уоқ каби уруш қуролига тўлғазиб ташлади. Бугунга келиб эса болаларни шунчаки ўйинлар буткул зериктириб қўйди. Ҳазилаки вайрон қилишлар, ҳазилаки ўлдиришлар қониқтирмай қолди. Оқибатда гугурт кўтариб дарахтзорларга югуришадиган ё тун бўйи дайдиб кезишадиган, бутунни бузиб, тозани булғаб, пана-панада адашган-улоққанларни талайдиган, ҳатто пичоқлайдиган бўлишди. Бу ачиқ, бироқ очиқ ҳақиқат ҳақида жиз-жиз куяётган дарахтзор, буткул яроқсиз ҳолда вайрон бўлиб ётган анави кўча телефонлари унсиз сўйлаб турибди.

— Вой, бизнинг кварталдаги саёқ болалар-ку! — деб қолди бир пайт чап томонимда турган ўрта яшар аёл ҳовлиқиб.

Мен беихтиёр унга ғазаб билан тикилдим:

— Вой, нега ўкраясиз? — деди аёл орқага тисланиб, — безориларни танисам, айбдорманми?

Чиндан ҳам опа айборми? Унинг яна шоша-пиша тушунтиришига қараганда бир-бирдан мўмин-қобил уч ўғли ҳам сира-сира саёқ юришмас экан.

— Болаларим ҳовлидан чиқмай ўйнашади, — дея мақтанишга тушди у, — улар эрталаб

ўйинчоқлар заказ қилиб юборишганди. Аранг топдим, ишонмасангиз қаранг.

Қарадим. Ҳақиқатдан ҳам опанинг сувранг халтасида икки ўйинчоқ танк ва бир неча сувпуркар тўппончалар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Ҳа, опанинг аранг топганича бор, чунки бундай севимли ўйинчоқлар анча камёб. Бундан бир ойча аввал шаҳар марказидаги "Болалар дунёси"да савдога чиққанини, одамлар турнақатор тизилиб харид қилишаётганини кўрган эдим. Ўшанда ўзимнинг дўстим — серғайрат йигит билан суҳбатлашиб қолгандик.

— Ўйинчоқларнинг бозори чаққон-ку, — дегандим ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

— Ёмон эмас, — деб кулганди дўстим, — лекин жин ургур манави лаш-лушларни ҳеч ким олмаяпти-да. Ҳамма "военный" товарга қизиқади.

— Сотувчи норози қўл силтаган томонда чиндан ҳам "манавилар" — пахмоқ айиқчалар, турли-туман қўғирчоқлар қалашиб ётарди.

Мен ўшанда дўстимнинг ёнидан ҳазил-ҳузул билан узоқлашгандим. Мана, ногоҳ ловуллаб ёнаётган кўркам дарахтзор устидан чиқиб қолдим дардим қайта янгиланди.

Биз кейинги пайтда "ёшларни олди-қочди, ур-сур чет эл фильмлари бузаяпти" деб аюханнос солишни одат қилиб олдик. Лекин "балки киноларни томошабинлар бузмаяптимики?" деб сира ўйлаб кўрмадик. Зеро, чет элларда фильмлар одамларнинг хоҳиш-талабларига, яна ҳам аниқроғи, бозор эҳтиёжларига қараб ишланади. Томошабинлар талашиб тамошо қилмайдиган, жарақ-жарақ пул келтирмайдиган маҳсулотлар учун улар жон куйдириб ўтирмайдилар. Мана, бизнинг ҳам бўсағамиздан бозор муносабатлари мўралаб қолдию одамларнинг ҳақиқий маънавий қиёфаси яққол кўзга ташлана бошлади. Киночилар, сал бошқача айтганда, маданият ходимлари, томошабинларнинг эҳтиёж-истагини, ўзларининг ҳеч тўлмас чўнтагини ҳисобга олиб, фильмларнинг ҳақиқий мазмунидан қатъий назар афишаларнинг қоқ манглайига ўқловдек-ўқловдек ҳарфлар билан "Боевик" ёки "Фильм ужас" каби диққаттортар иловалар берадиган бўлишди.

Бир куни икки-уч оғайниларнинг қийин-қистови билан кинога киришга қарор қилдик. Шаҳарнинг энг нуфузли киносаройларидан бирида намойиш этилаётган япон фильми эйтиборимизни тортди. Маълумки, Япония — қаратэнинг ватани, шунинг учун ҳам ушбу қўйилаётган кино бошдан-оёқ қаратэ олишувларига бой деган ишонч барчанинг кўнглига кириб олганди. Бироқ адашган эканмиз. Маҳобатли экранда кичик бир оиланинг сокин ва ширин ҳаёти акс эта бошлади, фильм оддий япон одамларининг серташвиш ҳаёти, урф-одатлари, самимий муҳаббати ҳақида экан. Орадан кўп ўтмай, томоша яримламасданоқ, одам тўла залда бир неча ўн "матонатли" томошабинларгина қолди, холос. Тўғрироғи, уларнинг ҳам аксарияти азбаройи қизиққаниданмас, шунчаки пули куйганидан тишини-тишига босиб ўтирардилар.

Аммо кўп ўтмай тишини-тишига қўёлмаганлар ҳам пайдо бўлишди.

Энг орқа қатордан уч-тўрт ёш-яланг беҳаёларча бақир-чақир билан сўзлашар, сўкишар, ишқилиб, залдагиларнинг ғашига тегишга, томошадан чалғитишга ошқора ҳаракат қилишарди. Бир пайт ўша сурбетлар тўдасига яқинроқ қаторда ўтирган икки аёл бараварига чинқириб юборишди: "Ило-о-он!"

Кинемеханик ваҳимадан ўтакаси ёрилиб зал чироғини ёқиб юборди. Ўтирганлар дарҳол чинқириқ келган тарафга ўгирилишди. Ҳатто баъзилари ўтиргичлар оша қоқила-суқила ўша ёққа ошиқишди. Бир зумда зални ташвишли ғала-ғовур, бесаранжомлик қоплади. Ҳалиги майнавозлар эса зўрма-зўраки, қотиб-қотиб кулишарди.

— У-ў-ўв, ўпкаси йўқлар, ўйинчоғу бу, оддий резинаю бу...

Ҳамма енгил тин олди. Чунки ўша "ўпкаси борлар"нинг бири қўлида ранги совуқ аллақандай резинадан тайёрланган илончани эзгилаб турарди. Энг даҳшатлиси, бу ҳазилкаш ёшларнинг юзида мамнуният, қониқиш ва ҳузурланиш ифодалари балқиб турарди. Мен қалқиб кетдим. Кейинги пайтлар дўконларга тўлиб-тошган, кўрганнинг кўзини йўрқитадиган, баданини сескантирадиган ҳар хил хунук юз ниқоблар, илонлар, тимсоқлар бутун бир оламоннинг юрагига даҳшат солишидан донг қотдим. Бироқ зерикарли филм учун залда зерикиб ўтирган томошабинлардан қасос олган болалар ҳеч бир хижолатсиз, ҳеч бир андишасиз яна валақлашиб ўтиришарди.

Болалар... Бугуннинг арзандалари, эртанинг эгалари! Уларга боқиб одамнинг юраги орқага тортади. Қайга интиқ-интизор интилишяпти ёшларимиз? Бугун дарахтзорга ўт қўйганлар эртага бутун дунёнинг кулини кўкка совурмасми? Бугун икки ожизани қўрқитган жонлар эртага жами жонзот устига даҳшат қўзғамасми?

Болалар... Уларнинг руҳиятида, ақл-идрокида ёвузлик, разолат шарпалари кезиб юрибди. Қайноқ қонларида ёқишга, бузишга, осишга, топташга ташналик бор.

Тақдир тақозасидан касалхонада бир бойвачча билан бирга даволаниб қолдик. Очиқ гап, "бирга" деяпман-у, бироқ хижолатда ёняпман. Чунки у ҳеч ким билан бирга эмасди. Ўзига алоҳида палата, врачлар, ҳамширалар атрофида елпатак. Касаллиги анча жиддий бўлишига қарамай, димоғидан қурт ёғарди. Уч-қуйруғи йўқ мишмишлардан маълум бўлдики, у аллақандай Зўрнинг Зўр арзандаси экан!

Бир оқшом касалхона йўлагида зериккан кўйи ивирсиб турганимда ўша "Олий нав" ўспирин имлаб қолди:

— Ҳўв, оғайни, қарашиб юборгин.

У мендан камида беш-олти ёш кичик бўла туриб сансирагани ҳамиятга тегди. Лекин унинг палатасига азбаройи кириб кўришга қизиққанлигим сабабли қовоқ-тумшуқ қилмай, секин бордим.

— Манавини илайлу... — деди йигитча қип-қизил туркмани гилам устида ёйилиб турган календар-плакатга ишора қилиб. Плакатда бош-оёқ қуролланган, кино юлдузларидан саналмиш, алп қомат Арнолд Швартснеггер мағрур ва

ғолибона тикилиб турарди.

Миқ этмай ёрдамга унадим.

— Бу зўр одам, — деб ўзича тушунтиришга тушди "хўжайин" суратга ишора қилиб. — Ҳаммани зириллатади, ҳаммани енгади. Ҳеч ким билан ҳисоблашмайди. Мен ҳам...

Йигитча шундай деди-ю, емак стўли устида ярқираб ётган узун пичоқни қўлига олди.

— Хоҳласам любой тирик жонни чавақлаб ташлайман, биров "ғинг" деёлмайди. Сен айт, кимни бурдалай...

Мен айтмадим. Йигитнинг сал ғалати хатти-ҳаракати унинг касаллиги билан боғлиқ бўлса-да, алмойи-жалмойи гапларида аччиқ ҳақиқат ҳидлари бор эди. У ўз атрофида қўл қовуштириб югуриб-елиб хизмат қилаётган ҳамма-ҳаммадан нафратланарди. Уларнинг йигит учун заррача қадр-қиммати йўқ эди.

Мен бош-адоқ қуролланган Арнолд Швартснеггернинг худди ўша суратидан яна буткул бошқа ерда — бир камгап, камсуқум, ишчи йигитнинг ётоқхонасида кўрган эдим.

Йигирма беш ёшлар чамасидаги бу йигит шафқатсиз ҳаётнинг кўп уқубатини тортганди. Отаси тухмат орқали узоқ муддатга қамалган бўлиб, онаси ўлган, ёш укалари ҳам қариндошлариникига сочилиб кетганди. У отасини қутқариш учун, укаларига моддий ёрдам ундириш учун бормаган ери-ю, кирмаган идораси қолмади. Бироқ минг-минг афсуски, ҳеч бир мақсадига эришолмади. У хонаси тўрига ғоят ихлос ва ҳурмат билан осиб қўйган "Боевик"лар худосининг қоядек қоматига соатлаб тикилиб ўтирарди. Бир куни у қайгўрдандир бўкканича ичиб келиб, ётоқхона айвонида қичқиришга тушди:


— Агар... Швартснеггер бўлиб қолсам, шаҳрингга ўт қўйиб, ҳаммангни қираман...

Мастлик — ростлик деган нақл бор. Мабодо иложини топса, айна чоғда ғулдираётганларини ҳақ рост амалга оширарди у!

☆☆☆

Мана, икки хил ёшлик, икки хил умр. Бироқ ҳар икковининг ҳам ҳаётдан орттирган неъмат битта — НАФРАТ.

Нафрат — бу гуриллаб ёнаётган дарахтзор. Нафрат — бу булганган кўчалар, бурдаланган телефон мосламалари. Нафрат — бу қўрқувсолар юз ниқоблар, ўйинчоқ илонлар... Нафрат — бу кийилажак совутлар, қўлга олинажак қуроллар... У ёғи бир қадам. У ёғи қаттол уруш! Бу нарса биз учун сабоқ, тарбиячи бўлмоғи керак.



## "МУКАРРАМ"ГА ГУЛ ЧИҚДИ

Карменни қораловчилар ҳам, оқловчилар ҳам анча-мунча. Бу баҳсда "кимнинг ҳақлиги" алоҳида фалсафий мавзу. Бизнинг эса бу ўринда қозилик қилиш ниятимиз йўқ. Айтадиган гапимиз — эл ўғрисиз бўлмаганидек "кармен"ларсиз ҳам тугал эмаслиги, холос.

Бизда карменларни "сатанг" дейиш кенг ёйилган. (Бошқа хусусий атамаларни келтирмай маданийроғини олдик.)

Кўпчилик сатангларнинг тақдири ҳам Кармен тақдири билан эгиз — фожиали тугайди.

Эл орасида уларга бағишланган қўшиқлар ҳам кўпчилиқни ташкил этади.

Бир қўшиқ шундай бошланади:

Мунаввархон, Мунаввархон,

Ёнғоқ ўйнаб ютдингми

Маҳмуджонлар келганда,

Безгакман, деб ётдингми?

"Ёнғоқ ўйнаб ютиш", "пашшахона тортиш" каби образли иборалар тингловчини бевосита "сатанг"нинг ҳаётига олиб киради.

Қўшиқларда сатангларнинг саргузаштлари бошдан-оёқ тавсиф қилиб ўтирилмайди. Аксинча, юқоридаги сингари "халқона" рамзий образ ва иборалар орқали яширин айтиб ўтилаверади. Масалан, "Мукаррамхон" ҳақидаги бошқа бир қўшиқда сатангнинг тақдири издан чиққанлиги айтилади:

*Ер ёрилиб сув чиқди,*

*Мукаррамга гул чиқди.*

*Шошмай тулинг, Суннатхон*

*Эргаш ака зўр чиқди.*

Одатда қовун полизда гул пайдо бўлса — қовун қурийди. Мукаррамга "гул" чиққанлиги унинг оилавий ҳаётининг сўнаётганлиги белгисидир. Ёки "Саврихон" қўшиғининг бошланмасига диққат қилинг. Саврихоннинг хиёнат йўлига кирганлиги боис оиласининг бузилиши ўта образли тарзда ифодаланган:

*Саврихоннинг рўмоли,  
Тўзмасмикан қирғоғи.  
Маҳмудалини куйдирган,  
Қоши билан қовоғи.*

Азиз жўрналхон, сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган қўшиқлар "сатанглар"нинг ташвиқи деб тушунилмаслиги керак. Зеро, адабиёт, халқ оғзаки ижоди бир ойнадир. Киши бу ойнада ўзини кўриб, ҳаётини тўғрилаб олишга интилади. Акс ҳолда адабиётнинг ҳам, фолклорнинг ҳам кераги бўлмай қолади.

\* \* \*

Ер ёрилиб сув чиқди.

Мукаррамга гул чиқди.

Шошмай тулинг, Суннатхон

Эргаш ака зўр чиқди.

Саҳобхон шавла қилди,

Мукаррам адо қилди.

Растама-раста юриб,

Суннатни зада қилди.

Мусулмонқул айтади:

Шафтолидан қоқ қилдим.

Қизим ёмон иш қилса,

Мен қизимни оқ қилдим.

Паст ариққа сув келди,

Сувга чиқинг, Суннатвой.

Мукаррамхон тегмасмиш.

Аргга чиқинг, Суннатвой.

Тўп саданинг тагида,  
Тўп ўйнаган Энахон.,  
Суннат ака келди деб,  
Йўл пойлаган Энахон.

Ғўзапоя боғма-боғ,  
Буғдойдан қалай машоқ.  
Мукаррамга тўй келди,  
Ола қопда оқ ушоқ.

Паст ариқда сув келди,  
Хазон-хузони билан.  
Мукаррамга тўй келди,  
Қозон-пазони билан.

Мукаррамхон айтади,  
Усталдаги тулкиман.  
Ушланглар йигитлар,  
Маҳаллада кулкиман.

Мукаррам чиқди элакка,  
Боши тегди челақка.  
Бориб айтинг Суннатга  
Кўнгил берсин бўлакка.

Сой ичида лоласи,  
Жуда кўпдир донаси.  
Соғинганда йиғлайди,  
Мукаррамнинг онаси.

Эргаш ака томига,  
Шохлик ўрик қалашган.  
Суннат ака уйига,  
Мукаррамхон ярашган.

Отга фалак ортилди,  
Арқон билан тортилди.  
Эсизгина Мукаррам  
Узоқларга сотилди.

Туя ётибди чўкиб,  
Томоқ емайди бўкиб.  
Эргаш ака ўйнамас,  
Суннат акадан қўрқиб.

Суннат ака йўл бўлсин,  
Тўйингиз қуллик бўлсин.  
Эргашвойдан ажралиб,  
Мукаррамизам ўлсин.

Юқори боғнинг боши,  
Қўш тегирмоннинг тоши.  
Суннат акани тўзғитган  
Мукаррамхоннинг ўнг қоши.

Нашрга тайёрловчи: Шомирза Турдимов.

## ҚУРАМА ДАВЛАТ "ТИЛИ"

Самарқандда ўқиётганимга ҳам беш йил тўляпти. Қадимий шаҳар мен учун қадрили бўлиб қолди. Бўш қолсам унинг обидаларини зиёрат қиламан. Кўркам жойларини айланаман. Шунда кўпинча бир нарсдан кўнглим ғаш тортади. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинганига уч йилдан ошди. Ростки, Самарқанд шаҳрида бу масалага муносабат шунчаки эканлиги эътиборли одамга дарров билинади. Кўп жойлар ҳамон ўрисча аталганлигини кўрасиз. Ўзбекчалаштирилганларнинг аксарияти эса саводсизлик билан ёзилган.

Биргина шаҳардаги шоҳ бекат — "Самарқанд" авт.вокзалидаги ёзувларга эътибор беринг-а: "Автобус — бу гарантия, тезлик, комфортдир", "Назорат пости", "Бекобад", "Чекиш қатъий ман қилинади", "Комаша", "Карши" ва ҳоказо. Булар на ўзбек тилида, на ўрис тилида ёзилган. Аксарият эслатмаларда —ни ва —нинг қўшимчалари нотўғри ишлатилган. Баъзи бир жумлалардан бирор нарсани тушуниб олиш қийин.

Қароргоҳ хизматини тарғиб қилувчи қуйидаги йирик ҳарфли ёзувлардан ҳеч бир маъно англашилмайди. "Бизнинг автобуслар сизларни жаҳон архитектурасининг дурдона Бухоро, Фарғонага" Қолганини эса ўзингиз тушуниб олаверинг... Яна шундай катта матоҳга "Сизларни Ўзбекистон ва Фарғона водийсининг наёб..." деган ёзувга дуч келасиз. Унда "ноёб" сўзининг нотўғри ишлатилганлигидан ташқари, Ўзбекистон ва Фарғона водийси алоҳида-алоҳида давлатлар экан-да, деган маъно ҳам келиб чиқади.

Афсуски, бунақа тушунарсиз, хато ёзилган атама ва сўзларни истаганча келтириш мумкин. Бундан ташқари кўпгина дўкон ва қароргоҳлар номи ўзбекчалаштирилиши ўрнига аллақандай аралаш на ўзбекча, на тожикча деб бўлмайдиган "тил"да аталмоқда. Ўзим кўрганим "Либосҳои растаёт", "Молҳои саноати", "Боғи-майдон"... кабилар шулар жумласидан.

Бу ёзувларни кўриб ўйлаб қоласан киши: Самарқандда давлат тили қачон амалда қўлланилади? Шаҳарда бу ишга масъул шахслар нима билан шуғулланишмоқда?

Абдурашид Шодиев,

Самарқанд табобат институти толиби.





## ЧОРИ АВАЗ

Чори Аваз заҳматкаш ижодкор эди. У қисқа кечган умри давомида бадиий ижод билан бир қаторда таржима билан ҳам жиддий шуғулланган. У ҳали ҳаёт чоғида баъзан таржима асарлари матбуот юзини кўрган, баъзилари эса таҳририят ғаладонларида қолиб кетган. Биз қуйида шоирнинг япон адабиётининг улкан намояндаси Р.Акутагава асарларидан қилган таржимасини эълон қилаётимиз.

Таҳририят

Ҳар бир инсон номи тилга олинганда унга боғлиқ воқеа, фикр ёдга тушади. Одамнинг исми ҳам алоҳида бир тимсол, тушунчага айланиб қолади. Одатда, неча бор учрашганда, эсда қолмайдиган кишилар ҳам бўлади. Буни фақат хотиранинг заифлиги билан изоҳлаб бўлмайди. Бировнинг эсида қола билши ҳам катта гап.

Марҳум шоир укам (Оллоҳ раҳмат айлаган бўлсин) Чори Авазни ёдга олганда унинг наҳадар камтар ва камсуқум инсон эканлигидан қалбим ларзага келади. Худо раҳматли энам, "эрта қайтадиганлар ўзи бошқачароқ бўлади", дер эдилар...

У ўз қадрини биладиган йигит эди. Шунинг учун бошқаларнинг қадрини ҳам яхши биларди. Чори Ватанимизни севарди, туркий тилимизни қадрларди. Лекин ватанпарварлигини пеш қилиб кўксига урмасди. У пайтлар барча иш қоғозлари ўрис тилида юритиларди. Чори менга қўл қўйдириш учун жуда кўп қоғоз олиб киришига қарамай, уларнинг ҳаммасини эринмай ўзбек тилида тўлдирарди. Аризани ҳам ўзбекча ёзарди. Эҳтимол, бу кимларгадир жуда кичик нарса бўлиб туюлар, лекин ҳар қандай катта ишлар ана шундай майдаларидан бошланади. У гапирмасди, ишларди. Аслида кичик муҳаррирлар бир умр шу вазифада ишлаб қолишади. Лекин Чорини энг биринчи имконият туғилгандаёқ муҳаррирликка тайинладик. У бир

"ПИГМЕЙ СЎЗЛАРИ"ДАН

қатор яхши китобларга муҳаррирлик қилди, кўплаб таклифлар блан ишимиз ўнглинишига кўмак берди. Тўқсон биринчи йилнинг ёзида Чори ўз юртига қайтиш ниятида эканлигини айтди. Сабабини суриштирдим.

— Бу ерда уйим йўқ, "кўч-кўч"дан жуда чарчадим, — деди Чори ўзига хос очиқлик билан. — Бунинг устига онам кексайиб қолдилар. Оилада энг кичиги менман. Онаминг ёнида бўлай, деяпман.

— Қишлоқда нима иш қиласиз? — дея сўрадим. — Қийналиб қолмасмикансиз? Ҳар ҳолда, пойтахтга ўрганган одам...

— Қаршида яшамоқчиман, — дея жавоб берди Чори. — Қишлоғимиз шаҳарга яқин. "Нафас" деган нашриёт очиляпти экан. Ўша ерга бориб ишлашимни биронтасига айтасизми, дегандим.

Мен қаршилик масъул ўртоқлар билан боғланиб, Чори Авазнинг кейинги ишлари хусусида маслаҳатлашдим. Уни нашриёт бош муҳаррирлигига тайинлашди. Чори ноширликнинг барча сир-асрорини пухта ўрганиб, эгаллаб олганлиги учун ҳам ишни бемалол эплаб кетди.

Э воҳ!.. "Куз эртаси" номли мўъжазгина китобчаси "Чўлпон"да босилиб чиққанида у Тошкентдаги касалхонада эди. Тўпламни кўриб беҳад суюнганини эшитдим. "Зора шу ҳам далда бўлса", деб ўйладим. Кўп ўтмай қаршилик дўстлар телефон қилиб, Чори Авазга уй берилганини айтишди. Лекин бу пайтда унинг аҳволи беҳад оғирлашган, умид буткул узилган эди... Тақдир орамиздан қалби тоғ қоридек покиза бир инсонни олиб кетди. Бироқ у бизнинг орамизда, яхши-ёмон кунларимизда уни эслаймиз, қўлимиздан келгунча руҳини шод этамиз.

Одобли, камтар, меҳнатсевар ва покиза инсон бўлган Чори Аваз ўзидан нурли хотира қолдира олди. Мен уни танганим, бирга ишлаганим ва унга озгина бўлса-да, нафим текканига шукр қиламан.

Чори Аваз ном чиқариш учун эмас, ўзидан ном қолдириш учун ижод қилган, яшаган йигит сифатида умрбод хотирамда қолади.

Бу беғубор ва беозор санъаткор укамизнинг ижоди, тақдири, ҳаёти, Миллат ва Ватан туйғуси вужудида яшайдиган, кундалик ҳаётнинг майда ташвишлари билан эмас, катта Ватаний орзу умидларни дилига жо этган аҳли адабиёт ва аҳли санъат учун сабоқ бўлмоғи керак.

Шу ўринда истеъдодли ўзбек шоири Чори Аваз номини адабийлаштириш ҳақида ўйлашимиз ҳам фарздор.

Нурали ҚОБУЛ

"Пигмей сўзлари" ҳамма вақт ҳам фикрларим ифодасини кўрсатмайди. Улар фақат баъзидагина фикрларимнинг кунба-кун қай тарзда ўзгараётгани ҳақида тасаввур беради. Бир танадан бир неча булоқ ўсиб чиқиши мумкин — уларнинг нечта эканини ким билади дейсиз.

БУРУН

Паскалнинг "Клеопатранинг бурни салгина қийшиқ бўлганда, тарих бошқа йўлдан кетиши мумкин эди", деган ҳикмати маълум. Аммо ошиқ маъшуқасининг ҳақиқий қиёфасини камдан-кам ҳолларда кўради. Севги бизни ўз домига тортган пайт ўзимизни ўзимиз энг усталик билан алдаймиз.

Клеопатранинг бурни сал қийшиқ бўлган тақдирда ҳам, буни кўриши гумонлигидан Антоний истисно эмас. Кўрган тақдирда ҳам бу иллатнинг ўрнини боса оладиган фазилят топган бўларди. Бутун дунёни излаб севгилимиздан фазилятлироқ аёлни топа олмаймиз. Биз ўз севгилимизда кўрганимиз каби Антоний ҳам Клеопатранинг кўзлари ёки дудоқларидан бу иллатни бутунлай ёпиб юбора оладиган фазилят топарди. Бунинг устига, одатдаги "унинг қалбичи!" Аслида суюклимиз барча замонларда энг юксак қалб эгаси бўлган. Кийими, бойлиги ёки жамиятда тутган ўрни ҳам унинг фазилятлари ҳисобига ўтади. Ҳатто шундай ҳодисалар бўлганки, уни қачондир қайсидир машҳур киши севгани ҳақидаги миш-мишлар ҳам фазилят саналган.

Клеопатра дабабаю сир-асрорга ўрганган Миср маликаси эди. У бошида қимматбаҳо тож, қўлида нилуфар ёхуд бошқа бирон гул ушлаб, дунёни муаттар ифорларга тўлдириб керилиб ўтирганида, наҳотки, бирон бир кимса, айниқса, Антоний унинг бурнининг хиёлгина қийшиқлигини пайқаса?

Бундай ўз-ўзини алдаш фақат севгигагина хос эмас. Биз айрим ҳолларда дунёни ўзимиз севган рангларга бўямаймиз. Масалан, тиш дўхтирининг эшигидаги лавҳани олсак, тишимиз оғригини бир лаҳза бўлсин унута олмаганимиздан уни кўришни қанчалик хоҳламайлик, бари бир кўролмаёмиз. Албатта, тиш оғригининг дунё тарихига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аммо бундай ўз-ўзини алдашга халқ кайфиятини билишни истайдиган сиёсатдонлар ҳам, душманнинг вазиятини билишни яхши кўрадиган

ҳарбийлар ҳам, молиявий аҳволни билишни хоҳлаган корчалонлар ҳам мойил. Ақл бунга тузатиш киритиб боришини рад этмайман. Шу билан бир вақтда, барча инсоний ишларни бошқарадиган "тасодиф" борлигини-да тан оламан. Балки ҳақиқатан ўз-ўзини алдаш тарихни бошқариб турадиган абадий кучдир.

Қисқаси, икки минг йиллик тарих ўзида йилт этиб ўтган Клеопатранинг бурни қандайлигига боғлиқ бўлмаган. У кўпроқ бизнинг ҳар жойда тайёр аҳмоқлигимизга боғлиқ. Бу кулгили, лекин буюк аҳмоқлигимизга боғлиқ экани рост.

## АХЛОҚ

Бизнинг ахлоқимиз — капитализм билан ҳақарланган феодализм ахлоқи. Унинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, фақат зиён келтиради.

\* \* \*

Ахлоқ — қулайликнинг ўзгача номи. "Сўллар" ҳаракатига ўхшайди.

Виждон соқолга ўхшаб маълум ёшдан кейин пайдо бўлмайди. Виждонли бўлиш учун ҳам бир мунча тажриба керак.

\* \* \*

Виждон — талабчан санъат.

\* \* \*

Виждон ахлоқнинг сарчашмаси бўлиши мумкин. Аммо ахлоқ ҳеч қачон виждонан эзгулик саналган нарсанинг манбаи бўла олмайди.

## ЗҶР ВА ЗАИФ

Зўр душманларидан эмас, дўстларидан қўрқади. У бир зарб билан душманни ағдариб, ҳеч қандай дилсиёҳлик сезмайди, аммо дўстини беихтиёр ранжитиб қўйишдан аёллар каби чўчийди.

Заиф дўстларидан эмас, душманларидан қўрқади. Шу боис ҳар бир киши унга душман бўлиб кўринади.

## МАЙДА-ЧУЙДАЛАР

Бахтли яшаш учун майда-чуйдаларни севиш керак. Булутларнинг ярқираши, бамбукнинг шитирлаши, чумчуқнинг чирқиллаши, ўтган-кетганлар каби барча майда-чуйдалардан лаззат топа билиш керак.

Бахтлироқ яшаш мумкинми? Майда-чуйдаларни севиш — майда-чуйдалардан азоб чекиш ҳам демак. Қадимий ҳовузга сакраган бақа юз йиллик андуҳни бузди. Аммо қадимий ҳовуздан сакраб чиққан ўша бақа юз йиллик андуҳнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин. Басёнинг ҳаёти

роҳат-фароғатда кечгани билан ҳар бир дақиқаси азоб-уқубатга лиммо-лим эди. Жилмая туриб азобланиш ---- азоблана туриб жилмайишдир.

Бахтлироқ яшаш учун кундалик майда-чуйдалардан ҳазар қилиш керак. Булутнинг ярқираши, бамбукнинг шитирлаши, чумчуқнинг чирқиллаши, ўтган-кетганлар каби барча майда-чуйдаларда дўзах азобини ҳис қила билиш керак.

## ТАЖРИБА

Ёлғиз тажрибага суянмоқ — ҳазм қилишни ўйламай овқатга зўр бериш демак. Айни вақтда тажрибани менсимай, ёлғиз қобилиятга суянмоқ ҳам, бари бир, овқатни ўйламай, ҳазм қилишга зўр бериш демак.

## ЯХШИ ОДАМ

Аёлга эрининг яхши одамлиги ҳамма вақт ҳам муҳим эмас. Аммо эркак ҳамма вақт рафиқаси яхши аёл бўлишини истайди.

## БУЮКЛИК

Халқ буюк шахслар ва ишлар ҳақида гапиришни севади. Аммо буюклик билан юзма-юз учрашишга интилиш — бу ҳали тарихга насиб этмаган.

## БЕЛГИ

Севгининг белгиларидан бири — "у" кимнидир аввал севган деган ўй, унинг кимлигини англашга интилиш ва тасаввурдаги кишига нисбатан уйғонган заифгина рашқдир.

## НИКОҲ

Никоҳ туйгулар ҳаловати учун фойдали. Муҳаббат ҳаловати учун эса ҳалокатли.

Севгидан ақл бизни қанчалик асраса, бандлик ҳам шунча асрайди... Илоҳий севги учун аввало вақт керак. Қадимги ошиқларни ёдга келтиринг — Вертерни, Ромеони, Тристанни — ҳаммалари бекорчи кишилар эди.

## ЭРКАК

Эр киши азалдан муҳаббатдан кўра меҳнатни кўпроқ қадрлайди. Бундан кимдир гумонсирайдиган бўлса, Балзакнинг хатини ўқиб кўрсин. У графиня Ганскаяга: "Мазкур хат қўлёзма ҳисобланса борми, қанча франк турган бўларди!" деб ёзган эди.

## АЁЛЛАР ЧЕҲРАСИ

Аёл изтироб чекаётган чоғда юзи қизларникига ўхшайди. Тўғри, баъзан бу изтиробнинг сабаби шамсия бўлиши ҳам мумкин.

## ГЎДАК

Биз кичкинтойларни нега севамиз? Чунки улар бизни ҳеч қачон алдашмайди, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

## ЯНА ШУ ҲАҚДА

Ит, мушук ёки болалар билан бирга бўлганимизда, биз ўз лоқайдлигу ахлоқлигимиздан уялиб ўтирмаймиз.

## АЁЛ

Соғлом ақл: "Аёлларга яқинлашма", деб буюради.

Соғлом инстинкт эса: "Аёллардан ўзингни олиб қочма", дейди.

## ТАҚДИР

Тасодифдан кўра тақдир муқаррар. "Тақдир — характер меваси", деган гап бежиз эмас.

## ХУДКУШЛИК

Ҳаммага хос умумий туйғу — ўлимдан кўрқув. Худкушликнинг ахлоқан рад этилиши тасодифий эмас.

## ТАҚДИР

Ирсият, муҳит, тасодиф — мана шу уч нарса тақдиримиз белгиловчиси. Севинадиганлар севинаверсин. Аммо ўзгалар ҳақида фол очмоқ кеккайишдир.

## МАЪБУД

Ҳеч ким маъбудларнинг ағдарилишига қарши эмас. Айни вақтда ҳеч бир киши ўзини ўзи маъбуд қилиб кўрсатишларига ҳам қаршилиқ қилолмайди.

## ЯНА ШУ ҲАҚДА

Бирон бир кишини маъбудга айлантириш тақдирдан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

## ЖАЗО

Жазосиз қолишдан кўра кучлироқ жазо йўқ. Мабодо сенинг жазосиз қолишингни худолар ўз қафиллигига олса, бу бошқа масала.

## МЕН

Мен пулни қадрламасдим. Чунки қорнимни тўйгазишга пулим етарли эди.

## ХАЛҚ

Шекспир ҳам, Гёте ҳам, Ли Тайбо ҳам вафот қилди. Аммо санъат халқда ўз пуштини қолдирди. Мен 1923 йилда: "Қаср вайрон бўлса ҳам замин қолади", деб ёзган эдим. Ўзимнинг бу хулосаларимдан ҳозир ҳам заррача шубҳаланмайман.

## ЯНА ШУ ҲАҚДА

Албатта, мен мағлуб бўлдим. Аммо мени яратган нарса бошқа бир кишини ҳам яратади. Бир дарахт ҳалокати — жузъий ҳодиса. Ўз қучоғида сон-саноксиз улуғларни асраётган улуғ замин ҳозирча айланиб турибди.

1923 — 1926 йиллар

Ўрисчадан Чори Аваз таржимаси

Тўхтамурод Рустам

## "АНДОҒ УРДИЛАРКИМ..."

### ЁХУД

### ТЕПКИ ТАЪРИФИДА

*"Баъзи-баъзида жўн калтақдан  
ҳам ўт чиқади", дейдилар. Биз  
қуйида ҳикоя қилажак  
қаҳрамонимизнинг тепкисидан  
баъзида эмас, йил ўн икки ой  
ўт чақнайди. Уни сиз яхши  
танийсиз. Унинг исми... йўқ,  
Масхарабоз эмас; Жимми ҳам,  
Шака ҳам эмас, йўқ — Жан  
Клод Ван Дамм.*

Одамзод тепки чиқишидан ҳам кўра, кўпроқ тепки ейишдан қўрқади. Лекин, не ажабки, бошқа бировнинг бундай балога гирифтор этилишига ошно бўлиш унга олам-олам завқ бағишлайди. Айниқса, агар у бу томошани тепки етмас масофадан (билиб бўларканми, ахир?), хусусан, "ойнаи жаҳон" ёки "видео" аталмиш беминнат дастёр қалқони ортидан (энг бежавотири — шу!) туриб кузатса, боз устига, ёнида кимдир пиёлада аччиқ чой қуйиб, узатиб турса (ў-ў-ў!!!).

Тепки чиққанми, чиқмаганми — бу ҳақда бир нарса деёлмаймиз, лекин тепки ейиш борасида қаҳрамонимизнинг пилонни юз фоиз дўндирганига кафилмиз. "Тўққиз ёшга тўлгунимча нуқул мени дўппослашгани дўппослашган эди, — дейди унинг ўзи бу ҳақда. — Дарахнинг бўшини доим қурт ейди. Мен эсам болалигимда жуда бўшанг, заиф, рамақижон эдим".

Ким билсин, шундай юраверармиди у — тепки еб, пилонни тўлдиргач, сўнг мажбуриятга ўтиб, агар кунлардан бир кун отасида ўғлини каратэ мактабига ўқишга бериш фикри туғилмаганида. Бунгача болакай балет билан шуғулланди, шунгами, мазаҳлаш, турткилаш-сурткилаш янги мактабда ҳам давом этди. Аммо, ярим йилча таҳсил олгач, бир ўзи уч нафар бебош мактабдошининг шундай пўстагини қоқиб, суробини тўғриладик, унга муносабат туйқус ўзгарди-қолди. Орадан бир неча йил ўтиб эса Ван Дамм мактабни ташлади ва Брюссел шаҳрида хусусий машғулотхона очди. Худди шу ерда у каратэ ҳақидаги билимлари ва бу борадаги уқувини маромига етказиш имкониятига эга бўлди. Бу пайтга келиб у "Белгия паҳлавони" унвонини қўлга киритган, бир неча нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқиб улгурган эди. Аммо

бу йигитчани қаноатлантирмас, яна ҳам улугроқ нуфузга эришиш истаги билан ёнарди у. Бундай нуфузга эриштирувчи ягона восита эса, тайинки, кино. Белгия, Луксембург ва Фаранг заминиди суратга олинмиш бир қанча арзон-гаров филмда қатнашди Ван Дамм, лекин бу унинг "чанқоғи"ни қондирмади. Машғулотлар, мусобақалар ва суратга тушиш жараёнлари оралиғидаги бўш вақтларда у ётволиб амриқолик кино "юлдуз"ларига мактуб битарди. Фақат муҳаббат изҳор этиб эмас, албатта, орада ўз дардини ҳам қисқача баён этиб ўтарди. Бироқ, хатлари уммон ошиб этиб бормасмиди, ё "юлдуз"лар ўзларидан ортишмасмиди, олис овруполик мухлиснинг жавоб кутиб кўзлари тўрт эди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида жавоб келди. Яна кимдан, денг — маълум ва машҳур Спартак ролининг ижрочиси Кирк Дугласдан! Кино "пири"нинг бундаин эътиборидан йигитнинг кўнгли тоғдек кўтарилган бўлса, хат ниҳоясидаги: "Агар ўз кучингизга чиндан ҳам ишонсангиз, унда олға — омад ёр ўлсин сизга, Тангри эса мадакдор!", деган сўзлар уни йўлга бошлади.

Ялангоёқлар сардорининг фатвосидан руҳланган Ван Дамм яхшигина даромад бериб турган машғулотхонасини сотиб, пулини чўнтакка урди ва 21 ёшида "Қайдасан, Амриқо?", деб жўнади.

Амриқо Амриқо бўлибдики, нуқул кимдир уни забт этади. Ўтмишни безовта қилмай қўя қолайлик, вақт машинасини тўзгитиб, шундоқ ҳам тақчил ёнилғини исроф этишнинг ҳам ҳожати йўқ — айни кунга кўзни каттаро-оқ очиб қаралса, кифоя. Ёлғиз Шварзенеггернинг донги ва шуҳратининг ўзи дунёнинг тўрт бурчидаги қанчадан қанча колумбваччанинг уйқусини ўчиришга қодир-у!

Рост-да, австриялик бир миршабнинг арзандаси кўтарилган чўққига нега энди белгиялик ҳисобчи, ёки, айтайлик, бақаҳовузлик қадоқчининг ўғли чиқолмас экан?..

Амриқонинг зобитлар забтидан заранг заминига Ван Дамм шундай хаёллар билан қадам қўйди. Бу 1981 йилда содир бўлди. Бироқ, "негадир" Амриқо уни қучоқ очиб қарши олмади. Ҳолливуд "юлдуз"лари билан бўйлашиш, кинода суратга тушиш ва олқиш қабул қилиш ўрнига... атиги такси ҳайдовчиси бўлиб ишлай бошлади. Ўзи билан келтирган пулини ҳам жуда тез еб тугатди. Озроқ бўлса ҳам тежаш мақсадида ижрага уй олмай, улловининг орқа ўриндиғида тунарди у. Лос Анжелесдаги ресторанлардан бирига мушти йўғон\* бўлиб ишга жойлашгач, одамга ўхшаб — ҳамма кетганидан сўнг полга пуфлаб шишириладиган тўшак солиб ухлашни одат этди. Бироқ бу азобларни нима мақсадда

\*Мушти йўғон — алжираб қолган, чўнтаги қоқланган ва ҳадини билмаган хўрандаларга "ягона тўғри йўл"ни кўрсатмоққа бурчли хизматчи; бундай хизматдан фақат инқилобга қадар қовоқхона, фоҳишахона ва шунга ўхшаш жойларда фойдаланилган дея ҳисобланиб келинарди, аммо бугунги кунга келиб... Ишонмасангиз, марҳамат, текшириб, муштининг қанчалар йўғон эканини ўзингизда синаб кўришингиз мумкин.

бўйнига олганини ҳам бир дақиқа бўлсин унутмади — ёрдам қўлини чўзиши мумкин бўлган кишиларни дараклади, қўнғироқ қилди, остоналарига бош урди. Ниҳоят, беш йил деганда унинг овозига қулоқ тутгувчи одам топилди. У ҳам бўлса каратэ бўйича собиқ жаҳон чемпиёни, машҳур кино артисти Чак Норрис эди. Сурнайчининг дардини сурнайчи тушунади. Норрис у билан жуда тез тил топишди ва "Ё ҳаёт, ё мамот" дея номланмиш филмда кичикроқ бир ролда суратга тушишига ёрдам берди. Бирмунча муддат ўтиб Ван Дамм "Қора бургут" филмида рол ўйнади. Иккала филмда ҳам у бир хил — давлат хавфсизлиги қўмитасининг ёвуз ва маккор шотири ролини ижро этди. Бу роллар нақадар арзимас, устига устак, ҳаддан ортиқ салбий (тасаввур қилинг-а: шўро жосуси!) бўлишига қарамай, Ван Даммда ўз кучи, имкониятларига нисбатан бениҳоя ишонч пайдо этди. Бу ишончнинг янада тўлиқ самара бермоғи учун эса бир "ҳийла" ишлатишга тўғри келди. Ван Дамм пайт пойлаб юриб ҳолливудлик машҳур режиссёр ва продюсер, "Канон" кино ширкатининг бошлиғи Миноҳим Ҳолун овқатланаётган ресторанга бостириб борди ва хўрандаларни қанг-манг этиб, унга каратэ борасидаги бор уқувини намойиш қилди. "Ҳийла" иш берди — эртасигаёқ Ҳолун уни ҳузурига чорлаб, суратга олишга киришилаётган "Қонли спорт" филмида бош ролни топширди.

Каратэ бўйича жаҳон, кикбоксинг бўйича эса Оврупо чемпиёни, белгиялик Ван Варенбергнинг (ҳа, ҳа, ҳайрон бўлманг — унинг асл исми шундай!) юлдузи Ҳолливуд осмонида айнан шу дамдан эътиборан балқиди, деб айтиш мумкин. Шундан буён "Жан Клод Ван Дамм" деган жарангли ном тилдан, у рол ўйнаган филмлар эса экранлардан тушмайди. Куни кеча ижарага хона олиш учун пул тополмай юрган одамнинг бугун Лос Анжелес чеккасида шоҳона уйи бор. Уй шу қадар шоҳонаки, агар астойдил киришилса, фақат хобхонанинг ўзидан... бешта санаш мумкин! Бир қарашда, бунга асос бордек: ахир, Ван Дамм бир эмас, тўрт хотин олган. Албатта, шоҳона ҳаёт бу масалага ҳам шоҳона ёндошишни талаб этади, бироқ... қаҳрамонимизнинг мавжуд қонунарга ҳам ниҳоятда ҳурмати баланд — айни чоқ у фақат сўнгги муҳаббати билангина бирга. Шунга қарамай, икки ошиқ дилга бешта хобхона нима керак, деб сўрайдиган одам йўқ, чунки билади ҳамма: чўнтаги кўтарганидан кейин...

Ван Даммнинг чўнтаги эса, чиндан ҳам, унча-мунчага тоб ташламайди. "Қонли спорт" филмига 2 милён доллар миқдориди маблағ сарфланган эди. Сира кутилмаганда у бир йил вақт ичида 19 милён доллар соф фойда келтирди! Ван Дамм бош ролни ижро этган "Кибернетик мавжудот" ("Киборг") филми эса 1989 йилда 10,2 милён доллар даромад берди. Ҳолбуки, бу филм 1986 йилда плёнкага туширилган ва шу дамгача тоқчада чанг босиб ётганди. Шу қадар заиф, шу қадар уқувсизлик билан суратга олинган эди у. 1988 йилда Ван Дамм филми "тахрир" қилди: айрим жойларини олиб ташлади, айрим саҳналарни қайтадан суратга олди, қўшимча эпизодлар киритди. "Кибернетик мав-

жудот"дан сўнг экранларга 1989 йил адоғида "Кикбокчи" филми чиқди ва 14,7 милён доллар фойда берди, бир йилдан сўнг ҳаёт юзини кўрган "Қочоқ" филми эса салкам 23 милён доллар даромад келтирди. Аммо Ван Дамм учун энг катта синов вазифасини ўтаган киноасар 1991 йилда суратга олинган "Қўш зарба"\* филми бўлди. Мазкур филмда Ван Дамм ўз кучи ва маҳоратини икки ҳисса кўпроқ сарф этишига тўғри келди. Чунки у бирйўла иккита ролни ижро этди. Айтиш мумкинки, бу вазифани ҳам Ван Дамм шараф билан удалади.

Гонконг, 1966 йил. Қурувчи инженер Паул Вагнер хотини ва икки эгизак ўғилчаси билан бирга ўзи қуриб битказган ер ости йўлининг очилиш маросимида ташриф буюради. Тантана айни авжга минган пайт ўқ овози янграб, ҳаммаёқ қий-чув, талатўп бўлиб кетади — гўшни Хитойда фаолият юритувчи маҳфия гуруҳларидан бири ҳужум уюштиради. Жиноятчилар Вагнер ва унинг хотинини азоблаб ўлдиришади, эгизаклар эса бир мўъжиза билан омон қолишади. Тақдир уларни узоқ муддатга бир-бирларидан айиради: эгизаклардан бири — Чадни отасининг дўсти ўзи билан Амриқога олиб кетади, иккинчи эгизак — Алекс эса Гонконгдаги етимхонадан паноҳ топади. Орадан 25 йил ўтади. Бир-бирга қуйиб қўйгандек ўхшаш икки эгизак тақдир амри билан Тинч океанининг турли томонида турлича таълим-тарбия олади: Чад Ҳолливуддаги каратэ мактабида сабоқ беради, Алекс эса гонгонглик ўғри ва киссавурлар орасида ризқини териб, еб юради. Аммо қаерда бўлишмасин, бутун умрлари давомида уларни бир туйғу — қасос туйғуси доимо бирлаштириб туради. Ниҳоят, Чад хусусий изқувар ёллаб, Алексни Гонконгдан излаб топади ва ака-ука ота-онасининг қотили изидан тушишади...

"Қўш зарба" ҳам, Ван Дамм иштирокидаги барча филмлар каби, маҳорат билан суратга олинган муштлашув саҳналарига тўла. Уларнинг барини Ван Даммнинг ўзи саҳналаштирган. Бироқ филмни суратга олиш жёраёнида Ван Дамм ва режиссёр Шалдон Латтих бошқа бир жиддий муаммога тўқнаш келишиди: Алекс ва Чад бирга машқ қиладиган ёки олишадиган саҳналарни қай тахлит суратга олиш мумкин, ахир, иккала рол ҳам бир кишининг бўйнида-ку? Узоқ қидирувлардан сўнг, ниҳоят, Ван Даммга у ёки бу даражада ўхшаб кетувчи уч нафар спортчи танлаб олинди. Бирининг — оёғи, иккинчисининг — қўллари, учинчисининг — елкаси Ван Даммниқига монанд эди. Аксарият саҳналар юқоридан туриб суратга олинди. Яна бир қийинчилик шунда эдики, филм мазмунига кўра, ака-ука эгалламиш муштлашув усуллари тамоман турлича эди. Чад каратэ кураши бўйича мутахассис эди, Алекс эса муштлашиш ҳадисини кўчада олганди.

"Қўш зарба"ни комил ишонч билан Жан Клод Ван Даммнинг филми, деб айтиш мумкин. Зеро,

\*Ҳа, ҳа, асло "Икки томонлама зарба" ёки "Икки ёқлама зарба" эмас! Шукрки, ўзбек тили сиз тасаввур этгандан анча бой ва жозибали, кинофилмларни тарқатиш идорасидаги масъул афандилар!

у филмда фақат бош ролларни ижро қилибгина қолмай, продюсер — яъни ҳомий сифатида ҳам иштирок этган. Шунингдек, у филмнинг сценарий муаллифларидан бири ҳам.

Ван Даммнинг қаҳрамонлари эзгулик ҳимо-ясига отланган қалби тоза, жасур йигитлар. Замондошларимиз. Балки биз бундайларни ҳали кинодан бошқа ҳеч ерда учратмагандирмиз. Аммо айнан шу жиҳатдан ҳам бу филмлар, бу қаҳрамонлар қадрли. Улар билан ошно бўлиш мақсадида кинохоналар, видеохоналар сари ошиқаётган йигитчаларнинг мингидан бири томоша охирида қиссадан ҳисса чиқариб, оқу қорани фарқлашни ўрганса, шунинг ўзиёқ Ван Даммга ҳайкал қўймоқ учун етарли.

Қондаи паҳлавонлик уч зарб бўларди.

Абу Муслими соҳибқирон ҳамда Носири Сайёри Беор дашти Хуросонда жанг қилишганида, ул жанобнинг бошларига Носири Сайёр тўқсон олти минг ботмонли гурзигаврони билан уриб, биринчи зарбда тиззаларига, иккинчи зарбда белларига, учинчи зарбда елкаларига ерга киргизиб юборган экан. Бугунги кун талаби билан ёндошганда, шубҳасиз, иккала паҳлавондан ҳам қойилмақом кино "юлдуз"лари чиққан бўлурди. Аммо гап асло бунда эмас. Гап — Ван Даммнинг ана шу паҳлавонлик қондасига амал қилишида. Унинг филмларидаги жамики муштлашув ва олишувлар худди қадимги жангномалардаги каби кечади. Рақибини биринчи тўқнашувдаёқ саранжомлаб қўя қолса бўлади-ку. Йўқ, Ван Дамм бундай қилмайди. Ҳатто бунинг учун қулай имконият бўлган тақдирда ҳам. Айниқса, бу ҳол унинг сўнгги филмларидан бири — "Универсал аскар"да бўртиб кўзга ташланади. Аммо, шу билан бирга, филмда Ван Даммнинг анча "чархланиб" қолган актёрлик маҳорати ҳам намён бўлган.

Кечагина Шварзенеггернинг донғи унинг тинчини бузиб, йўлга бошлаган эди, бугун эса Ван Дамм у ҳақда бундай дейди:

"Арнолднинг турмуши ҳам, кинодаги ўрни ҳам ҳавас қилгули. Чунки у нимага интилаётганини яхши билади. Шунингдек, мураккаб, зиддиятларга тўла ролларни ўйнаёлмаслигини, Шекспир қаҳрамонлари унга бегоналигини ҳам аъло даражада тушунади. Ҳатто комедияларда ҳам Арнолд томошабинларни кулдиришга чиранмайди, балки кўпроқ ўзи устидан кулади. У бор маҳорати, актёр сифатидаги иқтидорини "Маҳв этувчи" ("Терминатор")да сарф этиб бўлган, бундан ортиғига энди унинг тиши ўтмайди. Актёр учун эса бундан ортиқ бемаънилик йўқ. Ишончим комилки, икки-уч йилдан сўнг Арнолд актёрлик фаолиятдан бутунлай воз кечиб, ё сиёсатга, ёки тижорат ишларига уриб кетади".

Сталлоне ҳақида эса унинг фикри бундай:

"Силвестр — чинакам кино "юлдузи". У етган даражага кўтарилиш учун ҳали анча-мунча тер тўкмоғим лозим. Сталлоне ниҳоятда кучли, сержўшқин актёр, Шу боис у ҳар хил олди-қочди филмларда суратга тушишдан қочмоғи керак. Унга эҳтиросга тўла роллар ярашади. Айнан Сталлонега ишониши мумкин томошабин, агар у экранда бўзласа ёки дарғазаб қичқирса. Ҳар сафар Силвестрни навбатдаги сийқа ролда

тевалашаётган ёки танасини кўз-кўз қилаётган ҳолда кўрсам, рости, ачинаман унга".

Ўзи ҳақида-чи, ўзи ҳақида у нима дейди?

"Мен — амриқолик Ален Делонман. Актёр сифатида барча "муштумзўрлар" ичида энг нозиктаъби, ҳиссиётларга берилувчани ҳам ўзимман. Қиёсан айтадиган бўлсак, Сталлоне мендан кейинда туради, қолган ҳамма — Сталлонедан кейинда. Нега, дейсизми? Чунки мен Сталлонедан дадилроқман, таваккал иш қилишдан чўчимайман. Ишончим комилки, яна ўн йиллардан сўнг ҳеч ким тенглаша олмайдиган "юлдуз"га айланаман, агар унгача бирор бахтсиз ҳодиса ёки касаллик мени йиқитмаса, албатта..."

"Менинг рақибларим — Брус Уиллис, Арнолд ва Сталлоне, — дейди у тагин, — бироқ кинода Жек Николсон, Ал Пачино, Йон Войт кабилар билан суратга тушишни истар эдим".

Аммо улар-чи, улар Ван Дамм билан бирга суратга тушишни исташармикан? Гап ана шунда.

Бироқ, қаҳрамонимизнинг темир иродаси, чўрткесарлиги, қийинчиликлардан чўчимаслигини яхши билган ҳолда, бу саволга узил-кесил бир нима деб жавоб бериш мушкул. Қолаверса, унинг иштирокидаги янги филм ҳам бруселлик қайсар йигитнинг бир қарашда қуруқ манманликка монанд гаплари устида жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

"Аросатда" деб номланмиш мазкур филмда Ван Дамм тамоман қарама-қарши йўналишда излангани яққол кўзга ташланади. Аввалги филмларидан фарқли ўлароқ, бу асарда у кўпроқ шахс фожиасини, унинг мураккаб ички оламини кўрсатишга уринади. Албатта, тепки ишлатишни ҳам унутмайди, бусиз бўларканми, ахир, бироқ филмнинг бошидан охирига қадар, тўхтовсиз эмас, фақат зарур пайтларда, ўн беш-йигирма дақиқада бир. Асосий эътиборни Ван Дамм бу филмда ўз актёрлик қобилиятини намойиш этишга қаратганини сезиш қийин эмас. Айтиш мумкинки, маълум даражада у бунинг уддасидан чиққан.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу фақат афсонанинг муқаддимаси, холос. Ван Даммнинг асосий мақсади — дунё киночиларининг Маккаси саналмиш Канн фестивалини забт этиш, ахир. Ким билсин, балки оз қолгандир бу маррани эгаллашига ҳам. Ҳар тугул, у "Коламбиа Пикчерз" компанияси билан бир неча милён долларга тузган шартнома шундан далолат беради. Шартномага кўра, Ван Дамм кино усталари суратга оладиган учта филмда бош ролларни ижро этмоғи керак. Ҳолбуки, бу филмлар устида иш алақачон бошланган, Ван Дамм шартномада кўзда тутилган милёнларнинг қоқ ярмини олиб, чўнтакка ҳам урган...

---

## Муассислар:

---

Ўзбекистон  
Халқ  
демократик  
партияси  
Марказий  
Кенгаши,

Ёшлар  
Иттифоқи  
Марказий  
Қўмитаси,

Ёзувчилар  
уюшмаси

Манзилимиз:  
700017, Тошкент,  
Жавоҳарлаъл Неру  
кўчаси, 1-уй

Телефонлар:  
33-40-83  
33-06-63  
32-27-52

Босишга 10.09.93 да рухсат этилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли  
босма табоқ --- 4,8. Нашриёт ҳисоб  
босма табоғи --- 8,1. 20000 нусхада  
чоп этилади. Буюртма N 1895

Оригинал макет "Ёшлик"  
жўрналининг компьютер марказида  
тайёрланди.

Жўрналдан кўчириб босилганда  
"Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши  
шарт.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси  
"Шарқ" нашриёт-матбаачилик кон-  
сернининг босмаҳонаси.

"Ёшлик" N 7-9, 1993 й.